

Абдумалик Ҳамидов

Мурод
Муҳаммад
Дўст АСАРЛАРИ
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ



Kitob quyidagi ko'rsatilgan
muddatda topshirilishi shart

Oldingi foydalanishlar
miqdori

--	--

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ДЕНОВ ТАДБИРКОРЛИК ВА ПЕДАГОГИКА
ИНСТИТУТИ

АБДУМАЛИК ҲАМИДОВ

МУРОД МУҲАММАД
ДЎСТ АСАРЛАРИ
ЛИНГВОПОЭТИКАСИ



Тошкент - 2021

УЎК 821.512.133.09

КБК 83.3 (5Ў)

Ҳ 24

Ҳамидов, Абдумалик

Мурод Муҳаммад Дўст асарлари лингвопоэтикаси [Матн]
/ А.Ҳамидов. – Тошкент: Muharrir nashriyoti, 2021. – 156 б.

ISBN 978-9943-7731-6-5

Бадиий матн ва ундаги тил материалларидан фойдаланиш масаласи ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқ асосий масалалардан биридир. Шунга кўра, бадиий асарда тил воситаларининг мақсадга мувофиқ равишида қўлланилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш умумфилологик муаммолардан ҳисобланади.

Монографияда Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг матний тuzилиши, тил хусусиятлари, ёзувчининг характер яратилишида луғавий воситалардан фойдаланиш маҳорати таҳлил қилинган.

УЎК 821.512.133.09

КБК 83.3 (5Ў)

Масъул муҳаррир:
Умурқулов Бекпўлат,
филология фанлари доктори

Тақризчилар:
Ёқуб Саидов,
филология фанлари доктори, профессор;
Мухторали Зокиров,
филология фанлари доктори, профессор

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти илмий кенгашининг 2020 йил 29 февралдаги 9-сонли йиғилишида нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9943-7731-6-5


© А.Ҳамидов.
© “Muharrir nashriyoti”,
Тошкент, 2021

КИРИШ

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб бадиий асар тили, бадиий матнларда сўзнинг поэтик вазифаси масалаларини талқин қилувчи тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бундай тадқиқотлар натижасида умумхалқ тили воситаларининг нутқий жараёнларда реаллашуви асосида бажарадиган вазифасини аниқлаш ва тил воситаларининг эстетик таъсирчанлигини намоён қилувчи омилларни белгилаш имкони юзага келади.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан ҳар бир халқ бадиий адабиётини текшириш орқали шу халқнинг беқиёс маънавий бойлигини тадқиқ қилиш, ижодкорнинг тилдан фойдаланиш маҳоратини аниқлаш, ёзувчи асарлари нутқий қурилишининг фавқулудда характерлиги, ифоданинг ўзига хослиги сингари долзарб масалалар ечимига қаратилган бадиий адабиёт тили тадқиқига кенг ўрин ажратилди. Бундай тадқиқотлар натижасида бадиий матнларда тилдан фойдаланишни ўрганишнинг янги методлари яратилади, тилшунослик турли назарий хулосалар билан бойитиб борилади. Бадиий нутқни, бирор ижодкор асарлари матнини тил воситаларининг бадиий-эстетик вазифаси нуқтаи назаридан ўрганишнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, тил воситаларининг нутқий жараёндаги ўрни баҳоланади, тил ва нутқ муносабатлари назарий жиҳатдан асосланади.

Ўзбек тилшунослигида мустақиллик йилларида бадиий адабиётни ижодий-индивидуал услуб сифатида талқин этиш, бадиий нутқнинг бадиий эстетик образли-таъсирчанлигини қимматини намоён этувчи



шунингдек, бадиий образ яратишда ижодий индивидуаллик ва адабий таъсир, жаҳон адабиёти намуналари билан қиёсий-типологик, умумийлик ва ўзига хослик каби масалаларни атрофлича тадқиқ этиш зарурати кучаймоқда. “Адабиёт халқнинг юраги, элнинг маънавиятини кўрсатади. Бугунги мураккаб замонда одамлар қалбига йўл топиш, уларни эзгу мақсадларга илҳомлантиришда адабиётнинг таъсирчан кучидан фойдаланиш керак”¹. Адабиётнинг таъсирчан кучини очиш лингвопоэтиканинг муҳим вазифаларидан биридир.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адиблар хиёбони”га ташрифидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2020, 21 май. №106 (7608).

ликнинг муҳим масалаларидан бири бўлганлиги учун ҳам бу йўналишдаги тадқиқотлар кўлами йил сайин кенгайиб бормоқда. Маълумки, бадиий матн – ифоданинг ўзига хос шакли, ҳар қандай бадиий ифода – инсон ҳаётини, дунёқарашини акс эттирувчи кўзгу. Шунинг учун ҳам бадиий матн инсон турмуш тарзини ифодаловчи, белгилловчи, баҳоловчи мезон ҳисобланади. Шунга кўра бадиий матн умумхалқ тилининг бадиий адабиётларда акс эттирадиган, бадиий-образли, эстетик таъсирчан кўринишини намоён этувчи макро ва микро матнлардир. Шу сабабли бадиий адабиёт тилини ўрганиш тилшунослик фани учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга молик бўлиб, долзарб масалалардан бўлиб қолаверади.

Бадиий адабиёт тили вазифа нуқтаи назаридан тилнинг бошқа шаклларида кескин ажралиб туради. Шу боисдан бадиий адабиёт тили умумий асосига кўра ҳам лингвистик, ҳам эстетик жиҳатдан таҳлил қилишни талаб қилади.

Ўзбек тилшунослигида истиқлол йилларида бадиий матнни лингвистик жиҳатдан ўрганишнинг янги даври бошланди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин халқ тарихи, адабиёти, тилини кенг миқёсда ўрганишга алоҳида аҳамият бериб борилмоқда. Илмий тадқиқотларда бадиий асар тилини, ёзувчининг тили ва услубини ўрганишга, бадиий матнларда лингвистик воситаларнинг барча жиҳатлари асосида таҳлил қилишга эътибор кучайди. Бадиий матн

тахлилининг янги методлари майдонга келди. Маълумки, ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили масалаларини ўрганиш XX асрнинг 50-йилларидан бошланган. Бу даврда Ш.Шоабдурахмонов, А.Ғуломов, И.Султон, Ғ.Абдурахмонов, Х.Дониёров, Қ.Самадов, Н.Шукуров каби олимларнинг мақолаларида бадиий тилдан фойдаланиш маҳорати ҳақидаги фикрлар ўз ифодасини топган. Кейинчалик эса, 80–90 йилларга келиб кўпгина ёзувчиларнинг тилдан фойдаланиш маҳорати, бирор асарнинг тили ва услуби тадқиқ этилган бир қатор ишлар майдонга келди. Бадиий асар тадқиқига доир Б.Йўлдошев, Б.Ёриев, С.Каримов, Б.Умуркулов, М.Йўлдошев, Р.Нормуродов, С.Боймирзаева, Г.Мухаммаджонова каби тадқиқотчиларнинг илмий ишлари мазкур тадқиқот йўналишининг яна ҳам ривожланиши учун хизмат қилди². Шубҳасиз, тилтадқиқи ривожига бутипдаги тадқиқотларнинг таъсири катта бўлди, хусусан, бадиий матнларда тилдан фойдаланишни ўрганишнинг янги методлари яратилди, бадиий матнларда қўлланувчи тил материаллари, истеъдодли адиблар асарларининг тили ва услуби кенг кўламда ўрганила бошланди. Бироқ ўзбек адабиётининг қатор етакчи адиблари ижодига хос луғавий-услубий хусусиятлар тилшунос

² Юлдошев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Каримов С. Язык и стиль произведений Зульфии. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Яриев Б. Язык поэзии Максуда Шейхзаде. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979; Умуркулов Б. Лексические особенности современной узбекской поэтической речи. Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1993; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. Мухаммаджонова Г. 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопозтик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

олимлар томонидан махсус тадқиқ объекти сифатида лингвистик жиҳатдан ўрганилган эмас.

Академик Ғ.Абдурахмонов таъкидлаганидек, бадиий асар тилини таҳлил қилиш орқали ёзувчи ёки шоирнинг бадиий маҳорати, ўзига хос услуби очилади. Шундай экан, ҳар бир бадиий асар тилини чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш асосий масалалардан бири бўлиб қолмоғи лозим³. Чунки бадиий асар инсон тафаккурининг, оламни англаши ва тасвир этишининг намунаси сифатида майдонга келади. Бу жараённи тилсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар қандай ижодкор фаолиятининг асосини тил материаллари ташкил этади. Ҳар бир ижодкорнинг тилдан фойдаланишдаги услуби, тил воситаларини нутқда қўллашдаги маҳорати ўзига хос бўлади. Бу, ўз навбатида, индивидуалликни вужудга келтиради. Шу боисдан ҳам Ғ.Абдурахмонов ҳар бир бадиий асар тилини ўрганишнинг муҳимлигини таъкидлаган эди. Бадиий асар тилини таҳлил қилиш, ҳар бир ижодкор асарларининг тил хусусиятларини ўрганиш, умумхалқ тилининг бойликларини намоён қилиш билан бир қаторда, ижодкорнинг муайян тил ривожига қўшаётган ҳиссасини белгилаш учун ҳам муҳимдир. Шунингдек, бадиий адабиёт тилини ўрганиш ва таҳлил қилишнинг долзарб муаммолардан эканлиги бадиий адабиёт тилининг чуқур аҳамиятга эга эканлигида ҳам кўринади.

Маълумки, ўзбек бадиий адабиёт тили асосан лингвоуслубий аспектда ўрганилган бўлиб, кейинги йилларда бадиий асар тилини тадқиқ қилиш усуллари кенгайиб бормоқда. Бу тил воситаларининг бадиий матнлардаги вазифасини кенгроқ ёритиш имкониятини бермоқда. Чунки тил воситалари бадиий асарда фикр, тушунча ифодаловчи воситагина бўлиб қолмайди, балки бадиий асарнинг асосини ташкил қилувчи образлиликка хиз-

³ Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. – Тошкент, 1966. – Б. 7.

мат қилиб, эстетикасини ҳам таъминлайди. Шунга кўра, бадиий адабиёт тили образли тил бўлиб, ҳам коммуника- тив, ҳам эстетик вазифа бажаради. Бу ҳол бадиий адаби- ёт тилининг функционал доираси кенглигини кўрсатади. Бадиий адабиёт тилининг ўзига хос хусусиятларини бел- гилловчи омиллардан бири бадиий асар тилининг таъсир- чанлиги ҳисобланади. Унинг асосини эса тил воситалари- дан маҳорат билан фойдаланиш ташкил қилади. Шунга кўра, ёзувчининг тил имкониятларидан унумли фойдала- ниши унинг маҳорати сифатида баҳоланади. Ёзувчининг сўз қўллаш маҳорати, сўздан бадиий ифода жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиши муҳим бадиий сифати бўлиб, асарнинг бадиий қимматини белгилайди.

Бадиий асарда маҳорат билан ишлатилган ҳар бир тил элементи воқеа-ҳодисаларни тасвирлашда, харак- терларни очишда муҳим манба бўлиб, бадиий матннинг таъсирчанлиги, образлилигини таъминлаш учун хиз- мат қилади. Шу боисдан ижодкорлар умумхалқ тили- нинг имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали ўз асарлари тилини такрорланмас ташбеҳлар ва образ- лар билан бойитишга ҳаракат қилишади. Бу жараёнда бадиий матнлар асосида умумхалқ тили сайқалланиб, тил воситаларининг мавжуд имкониятлари ойдинла- шиб боради. Адабий тил норматив воситаларининг танланиши, унинг сайқалланиши адабий тилнинг бо- йиб боришига хизмат қилади. Бу ҳолат бадиий адабиёт тилини махсус ўрганишни тақозо қилади.

Юқорида таъкидлангани сингари, бадиий адабиёт тилини ўрганиш ўзбек тилшунослигида XX асрнинг 60-йилларидан бошланган⁴ ва асосан назмий асар-

⁴ Кучкартаев И. Фразеологическое новаторство А. Каххара. Ав- тореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965; Самадов К. Не- которые вопросы языкового мастерства Айбека. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1967; Насиров У. Язык и стиль романа «Сестры» Аскада Мухтора. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Са- марканд, 1968; Киличев Э. Архаизмы и историзмы в прозе Садрид- дина Айны. Автореф. Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969.

ларнинг тил хусусиятлари таҳлил қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбек тилшунослигида ушбу мавзунинг ёритилиши кўпроқ шеърий нутқ ма- териаллари асосида амалга оширилган, насрий матн- да тил воситаларидан фойдаланиш масалаларининг ўрганилиши мустақиллик йилларида анча кучайди. Бадиий наср тилининг илк тадқиқотчиларидан бири проф. И.Қўчқортоев эди. Олим ўзбек тилшунослиги- да биринчилардан бўлиб А.Қаҳҳор асарлари тилининг фразеологик хусусиятларини таҳлил қилди.

Бадиий асар тилида ёзувчининг сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқ равишда таҳлил қилинган илк тадқиқотлардан яна бири Қ.Самадовнинг Ойбек асар- лари тилининг тадқиқига бағишланган номзодлик ишидир.

Тадқиқотчи ушбу ишида ёзувчининг тилдан фой- даланиш маҳоратини, халқ тилининг битмас-туганмас хазина эканлигини кўрсатиш учун тил воситаларини танлаб, саралаб ўз асарларида қандай ишлатганлигини мисоллар асосида таҳлил қилиб берган. Маълумки, Ой- бек асарларида халқимизнинг ўтмишига хос даврлари кўпроқ акс эттирилганлиги сабабли тадқиқотчи унинг асарларидаги тарихий ва архаик сўзларни қўллашдаги маҳоратини белгилашга ҳам алоҳида аҳамият берган. Шу орқали тадқиқотчи давр руҳининг сўзда акс этиши- га алоҳида эътиборни қаратади.

Тадқиқотчи Ойбекнинг халқ тили хазинаси- нинг зукко билимдони эканлигини, унинг сўз қўллаш маҳоратини, синонимлардан, кўчма маъ- ноли сўзлардан, такрор сўзлардан, шунингдек, халқ сўзлашув нутқида хос сўзлардан моҳирона фойдалан- ганлигини аниқлаган.

Қ.Самадовнинг бадиий наср тилининг ўрганилишига бағишланган ушбу илк тадқиқотида ёзувчининг сўз қўллаш санъати, бу қўлланган сўз персонажлар нутқининг табиийлиги ва тасвирнинг ҳаққонийлигини таъминла-

ши, улар даврнинг ўзига хос сўзлари эканлиги, шунинг учун бадиий асар қимматини оширувчи луғавий воситалар бўлиб хизмат қилганлиги, қахрамонларнинг қиёфасини очиб бериши, бу эса Ойбекнинг сўз қўллашдаги маҳорати юксак эканлигини мисоллар асосида таҳлил этган. Кенг кўламли бу тадқиқот иши кейинчалик кўплаб диссертацияларнинг яратилиши учун туртки бўлди.

Б.Йўлдошевнинг Саид Аҳмад асарлари тили ва услуби таҳлил қилишга бағишланган диссертацияси ҳам шундай тадқиқотлардан биридир⁵.

Ушбу тадқиқотлардан кейин ўзбек тилшунослигида узоқ йиллар бадиий наср тилининг таҳлилига бағишланган ишлар майдонга келмади. Мустақиллик йилларида эса бадиий адабиёт тили, хусусан, бадиий наср тили тадқиқи билан шуғулланиш янада кучайиб кетди. Бу соҳада бир қатор диссертация ва монография характеридаги тадқиқотлар майдонга келди⁶.

Проф. С.Каримовнинг “Ўзбек тилининг бадиий

⁵ Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1979.

⁶ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд, 1992; Умуркулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Тошкент, 1993; Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Филол. фанлари док. дисс. ... автореф. – Тошкент, 1993; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004; Жалолова Л. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романининг лингвистик тадқиқи. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуалитининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари мисолида) Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Ҳасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2003. – 103.

услуби” монографияси бадиий услубни лингвистик тадқиқ қилишдаги дастлабки тадқиқотлардан биридир. Асарда функционал услублар доирасида бадиий услубнинг ўрни, бадиий услубни вужудга келтирувчи воситалар хусусида фикр юритилиб, бадиий услубнинг ўрганилиши таҳлил қилинади. Тадқиқотчи бадиий услуб ҳақида фикр юритар экан: “Бадиий услубни тўлақонли тасаввур қилишимиз учун зарур бўлган яна бир муҳим томон унинг шаклланишидаги ёзувчи шахси масаласидир. Ёзувчининг сўз устида ишлаши – бу унинг ижод жараёнида матнни қайта-қайта кўздан кечириши, сюжетнинг, образнинг, тасвир ва баённинг таъсирчан бўлиши учун меҳнат қилишидир”, – деб ёзди. Кўринадики, бадиий услубни вужудга келтирувчи муҳим воситалардан бири ёзувчининг сўз устида ишлаши, тил воситаларидан маҳорат билан фойдаланишидир.

Тадқиқотчининг таъкидлашича, бадиий асарнинг жанр хусусияти билан боғлиқ равишда мавзу талаби билан ёзувчининг индивидуал услуби натижасида бадиий матн адабий тил доирасидан чиқиб кетади, бунинг натижасида умумхалқ тили бойлигининг барча жилolari бадиий адабиётда ўз аксини топади⁷. Тил воситаларининг қўлланилишидаги ана шундай эркинлик ва умумуслубийлик бадиий матннинг ўзига хос ифода усулига эгаллигини кўрсатади. Бу ҳолат бадиий асар тилини ўрганиш ва уни таҳлил қилиш, хулосаларга келиш тилшуносликнинг муаммоларидан эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотчи бадиий услубнинг вужудга келишидаги омиллар сифатида фонетик, грамматик ва лексик воситаларни алоҳида ажратиб, уларнинг бадиий услуб яратишдаги хусусиятларини таҳлил қилган. Жумладан, бадиий матннинг лексик хусусиятлари ҳақида фикр юритилар экан, сўзнинг коннотатив, эмоцио-

⁷ Каримов С. Кўрсатилган асар. – Б. 36.

нал-экспрессив маъноларга эгалиги, маълум нутқ учун хосланганлиги, сўзловчининг турли муносабатларини англатиш хусусиятларига ҳам эгалигига алоҳида эътибор қаратади. Чунки бадиий асарнинг муҳим қисмини бадиийлик ташкил этар экан, сўзлар айнан шу хусусиятлари билан бадиийликни кучайтирувчи воситага айланади.

Бадиий матннинг муҳим хусусиятлари ўз ифодасини топган тадқиқотлардан яна бири Б.Умурқуловнинг “Бадиий адабиётда сўз” номли монографиясидир⁸. Тадқиқотда бадиий насрнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Насрий нутқнинг адабий тил ва адабий норма билан боғлиқ масалалари изоҳланади, бадиий насрнинг асосий луғавий воситалари сифатида умумистеъмол сўзлар, китобий сўзлар, оғзаки нутққа хос сўзлар, тасвирий воситалар таҳлил қилинади. Бу тадқиқотлардан кейин бадиий проза тилининг тадқиқотига бағишланган яна бир қатор ишлар яратилди. Шундай тадқиқотлардан бири М.Йўлдошевнинг “Чўлпон сўзининг сирлари” номли монографиясидир⁹.

Тадқиқотчи Чўлпоннинг ўзбек адабий тили тараққиётида тутган ўрни хусусида фикр юритар экан, ёзувчининг ўзбек тилининг эстетик моҳиятини наҷмоён этишини маънодош сўзлар, зид маъноли сўзлар, кўп маъноли сўзлар, эскирган сўзлар, шева сўзлари, қўллаши асосида, иборалар, мақол ва маталларни қўллаши асосида, шунингдек, асарнинг бадиий-образлигини оширишда тасвирий воситалардан фойдаланиш асосида очиб беради. Маълумки, маънодош сўзлар тилнинг бойлиги бўлиб, бу воситалардан барча ижодкорлар фойдаланади. Бироқ маънодош сўзлардан фойдаланишнинг ўзига хос томонлари мавжуд. Шу боисдан тадқиқотчи Чўлпоннинг маънодош сўзлардан фойдаланиш маҳоратининг икки жиҳатига эътибор

⁸ Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Тошкент, 1993.

⁹ Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент, 2002.

қилишни лозим топади: “Улардан бири ёзувчининг икки ёки ундан ортиқ маънодош сўздан ифодаланаётган мазмун учун энг мақбул бирини танлаш бўлса, иккинчиси айнан бир матн таркибида икки ёки ундан ортиқ маънодош бирликларни бадиий тасвир мақсадида уйғун ҳолда қўллаши” эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтади¹⁰.

Тадқиқотчи маънодош сўзларни қўллашдаги ёзувчининг услубига хослик сифатида, маънодош сўзлардан бирида белгининг ортиқлиги эканлигини уста, моҳир, маҳоратли; омилкор, миришкор, фаранг маънодош сўзларининг қўлланилиши асосида кўрсатиб берган. Шунингдек, салбий белгини кучайтиришда, сўз такроридан қочишда, ифоданинг таъсирчанлигини оширишда, тасвирланаётган нарса-ҳодисани деталлаштиришда ҳам ёзувчининг маънодош сўзлардан фойдалангани мисоллар асосида таҳлил қилинган.

Маълумки, тасвирий воситалар бадиий асарда бадиий-образлиликнинг муҳим қисмини ташкил қилади. Шундай экан, бадиий асар тили тадқиқотига бағишланган ишларда, албатта, тасвирий воситалар таҳлил этилади. Мазкур тадқиқотда ҳам Чўлпон асарларининг бадиий образлилигини таъминлашда тасвирий воситаларни қўллаш маҳорати ўхшатиш, метафора, жонлантириш воситаларидан фойдаланиши асосида очиб берилган.

Тасвирий воситаларнинг муаллиф индивидуал услубига хослигига алоҳида аҳамият берилиб, улардан хусусий-муаллифга тегишлиларининг алоҳида ажратилиши мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотчи Чўлпоннинг ўзбек бадиий адабиётини ривожлантиришда тутган ўрнини “Кеча ва кундуз” романида қўлланилган тил воситалари ва уларнинг маҳорат билан нутқ мазмунига мос ҳолда қўлланилганлиги асосида изоҳлаб берган.

Бадиий асарларнинг тил хусусиятларига бағишланган тадқиқотлардан яна бири Р.Нормуродовнинг “Шукур

¹⁰ Йўлдошев М. Кўрсатилган асар. – Б. 11.

Холмирзаевнинг бадиий маҳорати” номли монографиясида¹¹.

Монографияда ёзувчининг асарлари лисоний жиҳатдан таҳлил қилинган. Дастлаб ёзувчи асарлари тилининг луғавий таркиби ҳақида фикр юритилиб, Ш.Холмирзаевнинг асарларида сўзнинг ўзига хос маъно ифодаланиши, ёзувчининг сўзларни ўз ўрнида қўллаши асосида асар тилини сайқаллаштириши таҳлил қилинган. Шунингдек, мазкур тадқиқотда луғавий бирликлар стилистик жиҳатдан тасниф қилинган бўлиб, унда ёзувчининг синонимлардан, кўп маъноли сўзлардан фойдаланиш маҳорати хусусида фикр юритилади. Мазкур тадқиқотда ҳам ёзувчининг тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳоратини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

Тасвирий воситаларнинг перифраза, ўхшатиш, метафора, эпитет каби турларидан бадиийликни, образлиликни кучайтиришда ёзувчининг маҳорати билан фойдаланиш мисоллар асосида кўрсатиб ўтилган.

Ишда ёзувчининг ноадабий тил бирликларидан фойдаланишига алоҳида эътибор қаратилган. Ноадабий бирликлар сифатида ёзувчининг диалектизмларни, оғзаки нутқ воситаларини қўллашдаги санъаткорлиги, шунингдек, окказионал сўз ясаши ва уни матн руҳига мос ҳолда сингдириб юбориш маҳорати масалалари ҳам чуқур таҳлил қилинган.

М.Қосимованинг “Тоғай Мурод асарларининг лингвистик хусусиятлари” номли тадқиқотида ёзувчининг маҳорати тилнинг турли сатҳ бирликларидан ижодий жараёнда фойдаланиши асосида таҳлил қилинди. Жумладан, ёзувчи тилнинг фонетик, луғавий восита-

¹¹ Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари. Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2003. – 103.

ларидан, луғавий воситаларнинг муҳим кўринишлари бўлган окказионал сўзлар, антропонимлар (киши исмлари), морфологик ва синтактик воситалардан фойдаланиши асосида бадиий нутқ яратиш маҳорати очиб берилган. Ушбу диссертацияда бошқа тадқиқотлардан фарқли равишда ёзувчи томонидан ишлатилган барқарор бирикмалар (матал, мақол, идиомалар) алоҳида ажратилган ҳолда ўрганилади ва бу воситаларни қўллашдаги ёзувчи маҳорати баҳоланади.

Мазкур тадқиқотда ҳам кўпгина бошқа илмий ишлар сингари бадиий тасвир воситаларининг нутқий индивидуалликни вужудга келтирувчи томонлари алоҳида таҳлил қилинган. Бадиий тасвир воситаларининг метафора, рамз, киноя, такрор каби кўринишлари Тоғай Мурод асарлари мисолида таҳлил этилган.

Ишда Тоғай Муроднинг диалектизмлардан фойдаланиш маҳорати фонетик диалектизмлар, морфологик диалектизмлар, шунингдек, товуш ўзгаришлари асосида вужудга келадиган диалектизмлар мисолида тадқиқ қилинган ва ёзувчи асарларининг ўзига хослигини таъминловчи асосий воситалардан бири диалектизмлар эканлиги эътироф этилиб, ёзувчининг шева элементларини қўллаш орқали бадиий жозибдорликка эришганлиги таъкидланган¹².

Бадиий насрнинг тил таҳлилига бағишланган тадқиқотлар, юқорида кўрсатиб ўтилганидек, асосан бир ёзувчи асарларининг тил хусусиятлари доирасида амалга оширилган. Бу ҳолат ҳам шу йўналишда кўплаб тадқиқотлар олиб бориш лозимлигини, чунончи, алоҳида асарларнинг тил хусусиятларини, муайян жанрларга хос асарлар тилини ўрганиш соҳасида ҳам изланишлар олиб боришни талаб қилар эди. Ана шундай тадқиқотлардан бири сифатида тил-

¹² Қосимова М. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – Б. 14.

шунос А.Хасановнинг ҳикоялар тилини ўрганишга бағишланган тадқиқотини кўрсатиш мумкин¹³.

Тадқиқотда ҳикоялар тилининг бадииятини таъминловчи воситалар сифатида сўзнинг кўчма маънода қўлланилиши ва бундай қўллашдаги лингвопоэтик имкониятлар, метафоралар, метонимия, синекдоха каби кўчимлардан фойдаланишдаги ёзувчи маҳорати ҳақида фикр юритилади. Ушбу тадқиқотда ҳам чеғараланган лексикадан, ноадабий қатламга оид бирликлардан, шунингдек, семантик-стилистик бирликлардан ҳикоялар тилининг бадииятини кучайтирувчи восита сифатида фойдаланиш таҳлил қилинган. Ушбу тадқиқот ишининг бошқа шу йўналишдаги ишлардан фарқли томони шуки, ишда лингвопоэтик таҳлил усули етакчилик қилган ва ёзувчининг сўз қўллашдаги индивидуал маҳорати орқали асарнинг бадиий-эстетик таъсирчанлигининг кучайтирилиши очиб берилган.

Ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили тадқиқи асосан ёзувчи ёки бирор шоир асарларининг тил хусусиятларининг таҳлиliga бағишланган бўлиб, бадиий тилнинг, бадиий матннинг умумий хусусиятларини акс эттирувчи, шу мазмундаги тадқиқотлар орқали бадиий асар тили тадқиқи доирасининг кенгайишига туртки берувчи тадқиқотлар етарли эмас. Шу зарурат туфайли М.Йўлдошевнинг “Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи” номли докторлик диссертацияси яратилди¹⁴. Мазкур тадқиқот бадиий матнни умумий назарий асосда таҳлил қилишга қаратилган бўлиб, унда матннинг моҳияти, матн таърифи, матнни таркиб топтирувчи бирликлар хусусида фикр юритилади ва матн типларини белгилаш доирасида фикр-мулоҳазалар билдирилган.

¹³ Хасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2010.

¹⁴ Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фан. док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009.


Ишда бадиий матн таҳлиliga лингвопоэтик нуқтаи назардан ёндашиш лозимлиги таъкидланган, бадиий матннинг мазмуний турлари белгиланган, бадиий матн-да маъно ва мазмун масалалари таҳлил қилинган ва бадиий матнни лингвопоэтик таҳлил қилиш тамойиллари аниқланган. Тадқиқотчининг “Бадиий матн лингвопоэтикаси” номли монографияси¹⁵да эса бадиий матннинг лингвопоэтик хусусиятлари мисоллар асосида янада кенгрок, батафсил ёритиб берилган. Шубҳасиз, бу хилдаги тадқиқотлар бадиий матн тилини кенг қўламда ўрганиш учун асос, манба вазифасини ўтайди.

Бадиий нутқнинг сўз билан боғлиқ жиҳатлари ўзбек адабиётшунослигининг муҳим масалалари сифатида ҳам таҳлил қилинган¹⁶. Жумладан, Й.Солижонов бадиий насрнинг муҳим хусусиятларидан бири сўзни нутқ жараёнида мақсадга мувофиқ қўллаш эканлигига алоҳида урғу беради. У О.Ёқубовнинг “Оққушлар, оппоқ қушлар” асаридаги “бир неча ойдирки, Шораҳим Шоввознинг хотини Ойсулув қаттиқ бетоб” гапни “бир неча ойдирки, Ойсулув бетоб” шаклида ифодалаш мумкинлигини, бироқ бу оддий ахборот бўлиб қолишини, яъни ёзувчи етказмоқчи бўлган фикрнинг моҳияти очилмай, умумий тавсифга айланиб қолишини жуда ўринли изоҳлаб берган¹⁷. Д.Қуронон бадиий асарни ГАП сифатида тасаввур қилар экан, гапнинг мазмуни уни ташкил қилаётган сўзлар ва уларнинг грамматик

¹⁵ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008.

¹⁶ Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммолари (60–80 йиллар). Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1994; Солижонов Й. XX асрнинг 80–90-йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002; Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент, 2002; Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент, 2004; Қуронон Д. Назарий қайдлар. – Тошкент, 2018; Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент, 2004; Имомова Г. Миллийлик ва бадиий нутқ. – Тошкент, 2004; Сабиридинов А. Ойбек шеърлятида сўз ва образ. – Тошкент, 2010.

¹⁷ Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент, 2002. – Б. 15.



муносабатларидан ташқари, сўзловчи шахси, унинг айна пайтдаги рухий ҳолати, суҳбатдошлар билан муносабати, суҳбат жараёнидаги бошқа гаплар каби қатор жиҳатлар билан боғлиқлигини таъкидлайди¹⁸. Бу билан олим бадиий асарни мулоқотнинг бир тури, бадиийликка, образлиликка асосланган мулоқот, унинг асоси эса тил воситалари эканлигига ишора қилади. Олим сўзга “адабиётнинг материали” сифатида қараркан, сўзнинг воқеликни аңлатиши асосида инсон онгида нарса-ҳодисанинг образ сифатида намоён бўлишини, бадиий нутқ таркибида сўз ўзининг аслига – образли табиатига қайтишини, сўзнинг азалий хусусияти бадиий нутқ таркибида намоён бўлишини кўрсатади¹⁹. Бадиий нутқни индивидуаллаштириш воситаси сифатида талқин қилган адабиётшунос Г.Имомова бадиий асар тилининг шакл ва мазмун мослигини талаб қилиши, индивидуаллаштириш қонуниятларига амал қилиши, шунингдек, ўзининг бадиий эстетик сифати билан адабий тил ва жонли сўзлашув тилининг барча кўринишларини қамраб олиши кераклигини таъкидлайди²⁰.

Маълумки, бадиий нутқ умумхалқ тили воситалари асосида шаклланади, шундай экан, унда умумхалқ тилига хос барча воситалар акс этади. Агар шу воситалар бадиий нутқда, нутқнинг моҳиятидан келиб чиқилган ҳолда қўлланилса, у бадиий нутқ воситасига айланади. Зеро, бадиий асар, аввало, таъсирчанлиги билан белгиланади, таъсирчанлик эса тил воситаларидан мақсадга мувофиқ фойдаланиш асосида вужудга келади. Сўзнинг бадиий матннинг муҳим воситаси сифатида образ яратишдаги ўрни адабиётшунос А.Сабирдиновнинг “Ойбек шеърлятида сўз ва образ” монографиясида ўз ифодасини топган. Олим ҳар бир

¹⁸ Курунов Д. Чулпон насри поэтикаси. – Тошкент, 2004. – Б. 84.

¹⁹ Курунов Д. Назарий қайдлар. – Тошкент, 2018. – Б. 64.

²⁰ Имомова Г. Миллийлик ва бадиий нутқ. – Тошкент, 2004. – Б. 28.

ижодкорнинг маҳоратини, иқтидорини сўзнинг ғоявий ва бадиий товланмаларидан фойдалана олиши билан белгиланишини уқтиради²¹. Монографияда ёзувчи Ойбекнинг портрет, пейзаж яратишда, поэтик тафсилни ҳосил қилишда, образ тасвирида сўздан фойдаланиш маҳоратини таҳлил қилган. Бу тадқиқот иши ҳам ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратини намоён этувчи бадиий нутқнинг муҳим хусусиятини кўрсатувчи тил воситалари аҳамиятининг акс эттирилиши жиҳатидан диққатга сазовор.

Кейинги йилларда лингвистиканинг алоҳида соҳаси сифатида лингвопоэтика бадиий асар тилини ўрганувчи муҳим йўналишга айланди. Рус тилшунослигида лингвопоэтиканинг назарий масалалари тадқиқи билан махсус шуғулланган олим В.П.Григорьевдир²². Унинг фикрича, лингвопоэтиканинг предмети тилнинг намоён бўлишидаги ижодкорликдир. Асосий объекти эса бадиий адабиёт тилидир. Шунга кўра, у лингвопоэтикани тил поэтикасини ўрганувчи филологик соҳа сифатида талқин этади²³. Шунингдек, лингвопоэтика барча соҳаларда тилнинг эстетик вазифасини ўрганувчи таълимот ҳамдир²⁴. Демак, лингвопоэтика тил воситаларининг эстетик хусусиятларини ўрганувчи тилшунослик соҳасидир. Унинг ўрганиш объекти бадиий тил, яъни фикрнинг бадиий бўёқларда ифодаланиши асосида кишига эстетик таъсир этадиган тилдир.

Ўзбек тилшунослигида бадиий матнни лингвопоэтик таҳлил этиш проф. Н.Маҳмудовнинг ушбу мавзу талқинидаги мақолалари билан бошланиб кетди²⁵. Бу

²¹ Собирдинов А. Ойбек шеърлятида сўз ва образ. – Тошкент, 2010. – Б. 7.

²² Григорьев В.П. Поэтика слова. – М., 1979;

²³ Григорьев В.П. Поэтика и слова. – с. 58.

²⁴ Григорьев В.П. Поэтика и слова. – с. 59.

²⁵ Маҳмудов Н. Ойбек шеърлятида ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. №6. – Б. 48–50.

мақолаларда бадиий матн лингвопоэтикаси бўйича ўта муҳим фикрлар илгари сурилди. Ўхшатиш тасвирий воситасининг лингвопоэтик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган "Ойбек шеърлятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси" мақоласида олим ўхшатишнинг бадиий қиммати ўхшатиш эталонига боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрни илгари суради. Дарҳақиқат, ўхшатиш эталонининг оригиналлиги, янгилиги шу тасвирий воситанинг энг муҳим жиҳати бўлиб, матнда бадиий-образлиликнинг таъминланиши ўхшатиш эталонининг янгилигига боғлиқ. Матн лингвопоэтикаси матнда қўлланиладиган ҳар бир сўзнинг бошқа сўзлар билан мазмун ва грамматик алоқаси натижасида юзага чиқади. Шу боисдан ҳам Н.Маҳмудов ўхшатишлар лингвопоэтикаси ҳақида фикр юритганда, ўхшатиш субъекти ва эталонининг бир-бирига мос келиши ўхшатиш субъекти ва ўхшатиш эталони ўртасидаги контраст юзага келишига алоҳида аҳамият беради²⁶. Бу хилдаги контраст ўхшатишнинг эстетик қимматини, тасвирийлигини, образлигини янада кучайтиришга олиб келади.

Сўзнинг лингвопоэтик имкониятлари талқинида олимнинг Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтик жиҳатдан тадқиқига бағишланган иши жуда муҳим манба сифатида кўпгина тадқиқотларнинг яратилиши учун асос вазифасини бажарганлигини эътироф этиш лозим. Бу мақола сўзнинг лингвопоэтик моҳиятини акс эттирувчи илк мақолалардан. Унда ҳар бир сўз ёки тил воситаси ўз ўрнида қўлланилганда матннинг жозибдорлигини таъминлай олиши, аксинча, матн учун оддий восита бўлиб қолиши, ёзувчининг икки ҳикоясида бир хил ту-

²⁶ Маҳмудов Н. Ойбек шеърлятида ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. №6. – Б. 51.

шунчани ифодалаш учун қўлланилган *оғриб қолмоқ* ва *тоби қочмоқ* иборалари мисолида, уларнинг гап таркибидаги бошқа сўзлар қуршовига кўра айнан ўз ўрнида қўлланилгани ва лингвопоэтик қимматга эга бўлганлиги мисолида кўрсатиб берилади. Мақолада сўзнинг матнда чексиз имкониятга эга эканлиги, кўп маънолилик, шаклдошлик, зид маънолилик ва бошқа турли ҳодисалардан маҳорат билан фойдаланиш бетакрор бадиий ифодаларни вужудга келтириши ҳам аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинган. Мақолада лингвопоэтик омил тил воситаларидан маҳорат билан фойдаланиш натижасининг маҳсули эканлиги, матндаги санъаткорона қўлланилган ҳар бир тилвоситаси лингвопоэтик қимматга эга бўла олишини ўқувчи нутқида қўлланилган *нотўғри* сўзи ва *нарса* сўзи ўрнида *мато* сўзининг қўлланилиши мисолида таҳлил қилинган. Мазкур фикрлар шуни кўрсатадики, бадиий матнда ёзувчининг ғоясини очишга хизмат қиладиган ва маҳорат билан қўлланиладиган ҳар қандай тил воситаси лингвопоэтик қимматга эга бўлади. Мақолада барча хилдаги тил воситалари, тасвирий воситалар, нутқнинг ўзига хос синтактик қурилиши, халқона конструкциялар, жонли нутққа хос хусусиятлар, жумлаларнинг, гап компонентларининг ўзаро боғланиши ёзувчи бадиий тил маҳоратининг белгиси бўлиб, лингвопоэтик текшириш учун манба бўлиши асослаб берилган²⁷.

И.Мирзаев, Г.Муҳаммаджонова, Д.Шодиева, М.Якуббекова, М.Йўлдошев, Г.Жуманазарова, Ш.Тошхўжаева, С.Умирова, Д.Турдалиева, Д.Шодмоновалар ҳам ўз тадқиқотларида лингвопоэтик таҳлил усулларида

²⁷ Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикаси доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1987. №6. – Б. 34-38.

фойдаланганлар²⁸. Тил бирликларининг матндаги лингвопоэтик хусусиятларини ўрганиш тилнинг бадиий-тасвирий ва эмоционал-экспрессив имкониятларини кенг ёритиш учун замин яратади. Фақат лингвопоэтик таҳлилгина бадиий матнда тил воқиталарининг оддий номема шаклидаги тил бирлиги ёки коннотатив бирлик эканлигини шарҳлаш ва нутқдаги бадиий қимматини изоҳлаш учун хизмат қилади. Хусусан, бадиий матн ҳақида фикр юри-тиларкан, бадиийликни белгилловчи воситалар ва уларни юзага келтирадиган тил бирликларининг моҳиятини очиш лингвопоэтик таҳлил асосида юз беради. Кейинги пайтларда ўзбек тилшунослигида бадиий нутқ таҳлилида кўпроқ ушбу усулдан фой-даланилаётганлигининг боиси ҳам шунда. Проф. Н.Маҳмудов тилнинг вазифаси ҳақида фикр юритар экан, эстетик вазифа тилнинг коммуникатив вазиф-

²⁸ Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста. Автореф. ... дисс. докт. филол. наук. – Тошкент, 1992. Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004; Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърияти лингвопоэтикаси: Филол. фанлари номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007; Якуббекова М. Ўзбек халқ кўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008; Жуманазарова Г. Фозил йўлдош ўғли дostonлари тилининг лингвопоэтикаси: Филол. фанлари докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017; Тошхўжаева Ш. Эркин Аъзам асарлари лингвопоэтикаси. – Фарғона, 2017; Умирова С. Ўзбек фалсафа док. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019; Турдалиева Д. Ўзбек халқ шеъриятида лингвистик воситалар ва поэтик индивидуаллик (Усмон Азим шеърияти мисолида): Филол. фанлари бўйича фалсафа док. ... дисс. – Тошкент, 2019; Турдалиева Д. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа док. ... дисс. автореф. – Қарши, 2019; Шодмонова Д. Абдулла Орипов шеъриятининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа док. ... дисс. автореф. Қарши, 2019.

фасини қулайлаштиришини, тил ва нутқ айнан эстетик вазифа билан ифодалилик ва таъсир кучини намоён этишини таъкидлайди²⁹.

Тилнинг ана шу эстетик қимматини намоён этиш бадиий асарнинг лингвопоэтик тадқиқи асосида вужудга келади. Таҳлил жараёнида ижодкорнинг тилдан фойдаланишдаги маҳорати, ўзига хос услуби, тил воқиталарини танлаши ва бадиий матн мазмунига мос ҳолда қўллашини ўрганиш орқали ижодкорнинг бадиий маҳоратига баҳо берилади. Бадиий матннинг лингвопоэтик тадқиқига бағишланган илк тадқиқотлардан бири И.Мирзаевнинг шеърий матнларни талқин қилишнинг лингвопоэтик муаммоларига бағишланган докторлик диссертациясидир³⁰. Тадқиқотда шеърий нутқнинг ўзига хос лингвопоэтик хусусиятлари турли шеърий санъатлар: қофия, қофиянинг луғавий тузилиши, сўзнинг шакл ва маънодошлик хусусиятларидан, диалектизмлар, чет сўзлардан қофиядошлик мақсадида маҳорат билан фойдаланилганлик лингвопоэтик асосда таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқот иши лингвопоэтик таҳлилнинг кенг объектли жараён эканлиги далолатдир. Яъни бу таҳлил учун нутқда нафақат сўзлар қўлланишини, шунингдек, бадиий санъатлар, тасвирий воситалар ва ҳатто нутқ қурилишининг ўзига хослиги ҳам, агар нутқнинг матний тузилиши ифоддорлик, таъсирчанликни вужудга келтирса, объект бўла олади.

Шеърий матнлар лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилинган дастлабки тадқиқотлардан яна бири Г.Муҳаммаджонованинг “80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик тадқиқи”

²⁹ Маҳмудов Н. Нутқ маданияти ва тилнинг эстетик вазифаси // Филология масалалари. – Тошкент, 2006, №2(11) –Б. 47–51.

³⁰ Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста. Автореф. ... дисс. докт. филол. наук. – Тошкент, 1992.

мавзусидаги номзодлик ишидир³¹. Бу тадқиқотнинг ҳам характерли томони, алоҳида бирор ижодкорнинг эмас, муайян нутқ турида тил воситаларининг лингвопоэтик табиатининг ўрганилишидир. Тадқиқотда бадиий асар тилининг таҳлили тилдаги чексиз имкониятларни очиб бериши, бадиий асарнинг қимматини белгилаши, муайян ижодкор маҳоратига баҳо бериши, ижод услубини аниқлаш, давр адабиётига тавсиф беришида муҳим ўрин тутиши мавзуни тадқиқ қилишдаги асосий омил эканлиги қайд қилинади³². Мазкур тадқиқотда ҳам бадиий нутқда сўз ва унинг нутқий қиммати ҳақида фикр юритилади. Шу мақсаддан келиб чиқилган ҳолда 80-йиллар охири 90-йиллар бошлари ўзбек поэтик нутқидаги антонимлар, омонимлар, ўзакдош сўзлар, индивидуал неологизмлар, синонимлар, тарихий сўзлар ва бошқа лексик воситаларнинг лингвопоэтик имкониятлари, тасвирий воситалар: жонлантириш, сифатлаш, ўхшатиш, метафораларнинг шеърий нутқнинг экспрессивлиги, тасвирийлик ва образлилигини белгиловчи муҳим восита эканлиги таҳлил қилинади.

М.Якуббекова ўзбек халқ қўшиқларини лингвопоэтик асосда таҳлил қиларкан, халқ қўшиқлари матнида энг кўп қўлланилган тасвирий воситалар: ўхшатиш, метафора ва сифатлаш каби воситаларнинг халқ қўшиқлари бадииятининг муҳим қисмини ташкил этганини, қўшиқ матнлари асосида ўрганар экан, ўхшатиш, метафора ва сифатлашларнинг лингвопоэтик таҳлили ўзбек халқ қўшиқлари лисоний бадиияти тамойилларининг қўлланилиши ҳақида тасаввур беришини таъкидлайди³³. Умуман, ўзбек тилшунослигида лингвопоэтик

³¹ Муҳаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеъриятининг лингвопоэтик талқини: Филол. фан. ном. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2004.

³² Муҳаммаджонова Г. Кўрсатилган манба. – Б. 6.

³³ Якуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хушхатлари. Филол. фанлари докт. ... дисс. – Тошкент, 2005, – Б. 47.

моҳият касб этувчи лингвистик воситалар сифатида антитеза, синоним, иборалар, мақоллар, такрорлар, окказионализмлар (Д.Шодиева), фонетик воситалар (фонепоетика), лексик воситалар (лексопоетика), морфемик воситалар (морфопоетика), грамматик воситалар (Ш.Тошхўжаева), аллитерация, параллелизм, актуаллашув ва индивидуаллик (С.Умирова), халқ мақоллари (Д.Турдиалиева), метафора (Д.Шодмонова) каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Ўзбек тилшунослигида бадиий матн лингвопоэтик таҳлилининг назарий масалалари М.Йўлдошевнинг “Бадиий матн лингвопоэтикаси” монографиясида ёритилган³⁴. М.Йўлдошев бадиий матнни нобадиий матн билан чоғиштирар экан, мақсад-моҳиятига эстетик вазифа етакчилиқ қиладиган матнни бадиий матн деб изоҳлайди³⁵.

Бадиий матн тузишдан асосий мақсад эстетик таъсир этишдан иборат бўлганлиги учун, бадиий матннинг яхлит структурасидаги муайян қисмлар ўртасидаги муносабатга алоҳида диққатни қаратиш лозимлиги, шунингдек, ифода мазмунини шакллантиришнинг муҳимлигини таъкидлаб, мазмунни шакллантиришда ёзувчининг бир қатор баёнлардан фойдаланишини кўрсатади. Бу билан тадқиқотчи матннинг лингвопоэтик таҳлили масаласига кенгроқ ёндашиш, яъни ёзувчининг мазмунни ифодалашдан кўзда тутган мақсадини ҳам назарда тутиш лозимлигига диққатни қаратади. Ушбу тадқиқотнинг муҳим жиҳатларидан бири унда лингвопоэтик таҳлилнинг асосий тамойиллари берилишидир. Бадиий матнни шакл ва мазмун бирлиги, макон ва замон бирлиги, таҳлил этилаётган матнни умумхалқ тили, унинг турли кўринишлари ва адабий тилга муносабати, бадиий матнга бадиий-

³⁴ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008.

³⁵ Йўлдошев М. Кўрсатилган асар. – Б. 87;

Йўлдошев М. Кўрсатилган манба. – Б. 104.

эстетик яхлитлик, бутунлик сифатида ёндашиш, ба-
дий матнда поэтик актуаллашган тил воситаларини
аниқлаш, бадий матндаги эксплицитлик (очик) ва
имплицитлик (яширин) нисбатини аниқлаш, бадий
матндаги интертекстуаллик (матнлараро алоқа) меха-
низмларининг лисоний ва семантик хусусиятларини
аниқлаш каби тамойилларини белгилайди³⁶. Бу тамой-
илларга таяниш лингвопоэтик таҳлилнинг асоси бўлиб,
бадий матннинг муҳим хусусияти, бадий матндаги
жиҳати эканлиги нуқтаи назаридан бадий матндаги
эксплицитлик ва имплицитликни ўрганиш лингвопо-
этик таҳлилнинг муҳим қисмини ташкил этади. Чунки
бадий матнларда кўпинча эксплицит ифодаланмаган
воситалар бадий образлиликни таъминлаш, эстетик
моҳият касб этиш вазифасини бажаради. Шунга кўра,
бадий матнларда эксплицит ва имплицит ифода-
лар, интертекстуаллик, поэтик актуаллашадиган тил
воситаларини тадқиқ қилиш матн лингвопоэтикаси-
ни таҳлил қилишдаги муҳим масалалардир. Бадий
матннинг лингвистик таҳлили кенг қамровли таҳлил
бўлиши, унда нафақат лингвистик воситалар, балки
асар бадиётининг вужудга келиши учун асос бўладиган
экстралингвистик воситаларни ҳам эстетик моҳият
нуқтаи назаридан тадқиқ қилиш керак бўлади. Зеро,
бадий асарда тил асарнинг бошқа компонентлари,
жумладан, матн тузилиши билан ҳам боғлиқ бўлади.

Юқорида кўриб ўтилган тадқиқотлар ўзбек тилшу-
носилигида бадий асар тили таҳлили билан боғлиқ
кўпгина илмий ишлар яратилганлигидан далолат бе-
ради. Шу билан биргаликда, таъкидлаб ўтиш жоизки,
қарийб юз йиллик тарихга эга бўлган янги ўзбек ба-
дий адабиёти тилининг ўрганилишига бағишланган
бутунги кунда мавжуд тадқиқотларни етарли деб
бўлмайди. Чунки ҳали ўзбек адабиётининг кўпгина

³⁶ Ёўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008, – Б. 150–159.

етакчи ижодкорлари асарлари лингвистик тадқиқот
объектига айланган эмас. Шунингдек, алоҳида линг-
вистик хусусиятга эга бўлган бир қатор асарлар ҳам
ўзининг тадқиқотчиларини кутиб турибди. Ана шун-
дай ижодкорлардан бири Мурод Муҳаммад Дўстдир.
У ўзбек адабиётининг етук намояндаларидан бири,
унинг асарлари ўзбек тилининг бой имкониятларини
намоён этади. Бу ҳолат Мурод Муҳаммад Дўст асар-
ларининг тил хусусиятларини ўрганиш лозимлигини
тақозо этади.

Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг матний тузилиши ва лингвопоэтик имкониятлари

Бадиий асарларда матннинг тузилиши нутқнинг
бадийлик мезонларини белгиловчи асосий восита-
ларидан биридир. Матн тузилиши асар мазмунини
ёзувчига ўнғай бўлган усул орқали баён этиб беришдан
иборат. Бу жараён тилнинг ифода имкониятларидан
маҳорат билан фойдаланиш ва ифода усулининг ранг-
баранглиги асосида майдонга келади.

Бадиий матнлар ҳам бошқа матнлар сингари маз-
мун ифодалашга, матннинг тушунилиши, мантиқий
асосланганлиги, таъсирчанлигига асосланади. Шунга
кўра, бадиий матнда матн тузишнинг хилма-хил шакл-
ларини яратишни тақозо этади. Матн ва ундаги ифода
тарзи ёзувчининг мақсади, илгари сурмоқчи бўлган
ғояси ва ниҳоят, тилдан фойдаланиш маҳоратини
ёрқин акс эттиради.

Матн муаммолари билан шуғулланган олим
М.Ўўлдошев матнларни ҳажми ва мазмун белгисига
кўра икки типга ажратади. Ҳажм белгисига кўра матн-
лар минимал матн (микроматн) ва максимал матн (ма-
кроматн)ларга ажратилади³⁷.

³⁷ Ўўлдошев М. Бадиий матн ва унинг лингвистик таҳлили асос-
лари. – Тошкент: Фан, 2007. – Б. 12.

Мазмуний белгисига кўра матн тузиш ижодкор бадиий маҳоратининг муҳим қисмини ташкил этади. Зеро, бадиий асарнинг матний тузилиши ҳам бадиий таъсирчанликни таъминловчи, ифоданинг жозибадорлиги асосида эстетик таъсир кучига эга бўлади. Матншунослик тадқиқотчиси М.Йўлдошев матннинг мазмуний белгисига кўра етти турини ажратади ва ушбу турларнинг фақат биттаси асосида шаклланадиган бадиий асарни кам ҳолларда учратиш мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Бунинг боиси бадиий асарнинг таркибланиш жиҳатидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам ўта мураккаб тузилишга эгаллиги, унда матннинг барча мазмуний турлари ёки маълум турнинг айрим хусусиятларини учратиш мумкинлигида деб кўрсатади³⁸.

Бадиий матн матннинг бошқа шаклларида алоҳида ажралиб турувчи тури бўлиб, у мазмун жиҳатидан ранг-барангдир. Чунки бадиий матн оддий воқеа-ҳодиса ҳақида хабар бериш мазмунидаги лингвистик таъсирчанликка эга бўлмаган, кундалик турмушдаги икир-чикирларни акс эттирувчи матнлардан, шу билан биргаликда, бадиий ифодаларга бой бўлган, тасвирлаш характеридаги матнлардан, шунингдек, ҳикоя тарзидаги матнлардан ҳам ташкил топади. Бадиий асардаги барча типдаги матнлар бир-бири билан ўзаро жипс боғланган ҳолда бир умумий матн шаклини – бадиий матнни ташкил этади.

Бадиий асар матнлари қандай тузилишидан қатъи назар, китобхонга эстетик таъсир этишга мўлжалланган бўлади. Матн мазмунига мос ҳолда лингвистик воситалар танланади. Матн баёни ҳам матн мазмундан келиб чиқади. Масалан, ҳикоя усулидаги матнлар кишининг ўтмишдаги бирор нарсани эслаши билан боғлиқ фикр баён этиши асосида қурилади. Шунинг учун бун-

³⁸ Йўлдошев М. Бадиий матннинг лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008. – Б. 104.

дай матнлар монологик нутқ кўриниши асосида шаклланади.

Бадиий асар композицияси асардаги шакл унсурларини бадиий мазмунни ифодалаш, ғоявий-бадиий ниятни амалга ошириш учун энг оптимал тарзда уюштира олган-олмаганлигига қараб белгиланади³⁹. Ижодкорнинг ғоявий-бадиий ниятини амалга оширишда тил воситаларининг мақсадга мувофиқ қўлланилиши билан биргаликда ифода усули муҳим ҳисобланади. Ана шундай бадиий ифода усулининг ўзига хослиги жиҳатидан Мурод Муҳаммад Дўст асарлари алоҳида ажралиб туради. Ёзувчи асарлари матний тузилиши жиҳатидан ўзига хос асарлар бўлиб, унда шакл ва мазмун жиҳатдан турли хил матн тузилишини кузатиш мумкин. Бу ҳолат, айниқса, “Лолазор” романида алоҳида бўртиб туради.

Асарнинг “Бемор” деб номланувчи биринчи боби матний хусусияти билан алоҳида ажралиб туради. Бу боб асосан ҳикоя усулидаги матндан ташкил топган бўлиб, асар бош қаҳрамони Назар Яхшибоевнинг ўй-хаёллари асосида қурилган. Матннинг ўзига хос томонларидан бири матн тузишида кўринади. Матн муаллиф ва асар қаҳрамони нутқи асосида шаклланади. Муаллиф нутқи изоҳ типдаги ифодадан тузилган бўлиб, у фақат иккита сўздан иборат. *Ўйлайди-ю, кулади* (“Лолазор”). Шундан кейин қаҳрамоннинг олдин бўлиб ўтган воқеаларни кўз олдидан ўтказиб, ҳис-туйғулари, кечинмаларини ўйлаши асосидаги фикрлари матн учун асос бўлган. Ушбу матн тузилиши жиҳатидан монологик ички нутқ шаклига эга. Матннинг характерли томони қаҳрамоннинг ўйлари асосида тузилганлигидир. Қаҳрамоннинг ўйларига сабаб бўлувчи асос бор. Яъни *бир ойча бурун олиму фозил Салимхон бир халта гап кўтариб келдики, устози бузрук, фарзандингиз Аввал-*

³⁹ Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент, Шарқ, 2004. – Б. 254.

рувчи асосий белгиси ҳам фикрнинг ифодаланиш тарзидир. Романдаги “Бемор” деб бошланувчи ушбу бош матн мазмунига кўра хабар мазмунли матн бўлиб, унда қахрамон ўз бошидан кечирганларини хаёлдан ўтказиш орқали, баъзи бир бўлиб ўтган воқеаларни (Шарифнинг ўлими, Ҳайбатуллони мажлисда сўзлатишимагани, хотини Муҳсинанинг Даминовга телефон қилиб ишдан бўшатгани) эслаш орқали ҳикоя қилади.

Фикрни баён этишнинг бу услуби ёзувчининг маҳорати билан боғлиқ индивидуал ифода усулидир. Ифоданинг бу шакли “Лолазор” романи учун хос. Шу ифода усули романнинг “Қиссанавис” деб номланувчи иккинчи бобида ҳам давом этади. Бу қисм монологик нутқ кўринишида асар қахрамонларидан бири Сайидқулнинг бўлиб ўтган воқеаларни эслаши ва ҳикоя қилиши асосида баён этилган.

Бу қисм ичида диалогик нутқ (Саидқул ва Яхшибоев суҳбати) мавжуд бўлган монологик матндан иборат. Ёзувчи томонидан асар фикрий қурилиши учун ўзига хос ифода усулини танлаши ҳам ижодкор услубий индивидуаллигининг белгисидир. Маълумки, нутқий жозибадорлик, таъсирчанлик ундаги нутқий воситаларнинг қўлланилиши, тасвирий воситалардан фойдаланиш билан бир қаторда фикрнинг ифода этиш усули билан ҳам боғлиқ.

Романнинг “Бемор” деб аталувчи қисми бошқача ҳолда, айтайлик, бировга воқеани сўзлаб бериши ёки биров билан бўлган суҳбати ёки муаллиф сўзи орқали ифодаланиши мумкин эди. Ёзувчи ифода учун айнан бошқача усулни, яъни қахрамоннинг ўй-хаёллари асосида бўлиб ўтган воқеаларни гавдалантириш усулини қўллайди. Айнан шу усул орқали қахрамоннинг ички дунёси очилади, унинг бошқаларга бўлган муносабати, ўй-хаёллари орқали ойдинлаштирилади.

Бадиий асар қахрамонининг сўзи орқали, шунингдек, унинг олдин бўлиб ўтган воқеаларни ўйлаши асо-

сида фикр баён этилган матнларда, шахснинг ўз сўзи орқали ички оламини очиб бериш мақсади қўйилади. Бу усул бадиий асарларда кўп учрайдиган анъанавий ифода усулидир. Қахрамоннинг хаёллари орқали фикрнинг баён этирилиши бадиий асарда кам ҳолатларда учрайдиган усул ва бундай ифода фавқулодда таъсирчанликка эгалиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат шуни кўрсатадики, бадиий матннинг эстетик қимматини оширувчи воситалардан бири ифода шакли, яъни матннинг тузилишидир. М:

– Эй, сен, беоқибат Назар, деб ўйладим, бир кун сенинг ҳам бошингга Шарифнинг куни тушар-ку?.. Хуллас, шу аснода ўлимни эсладим, лекин ўлимдан эмас, балки манави шерикларимнинг ҳам ўшанда мана шундай бир лаган ош устида ўтириб, худди камина Шарифни мазах қилгандай, менинг ўзимни майна этишларидан чўчидим (“Лолазор”).

Берилган матнда сўзловчининг ўз фикридан хулоса чиқариб, ўзини айблагани ифода этилган. Бу ифода ҳам бошдан ўтказган воқеани эслаш, уни хаёлдан кечириш орқали баён этилган. Матннинг бу тури ҳикоя мазмунли матн бўлиб, унда эшитилган ёки бошдан ўтказилган бирор воқеа ҳикоя қилиб берилади. Юқоридаги матннинг ўзига хослиги шундаки, унда воқеа, ҳодиса ҳикоя қилинмайди, балки хаёлдан ўтказилади.

Асарнинг ушбу қисмида Яхшибоев ва оқсоч профессор диалоги, Яхшибоев ва Муҳсина хоним, Муҳсина хонимнинг ўғли Оллоёр билан суҳбати каби воқеалар баёни берилган бўлса-да, бу воқеаларнинг барчаси Яхшибоевнинг хаёллари, ўйлари тарзида ўз ифодасини топган. Кўринадики, асарнинг “Бемор” деб номланувчи боби нутқ тузилиши нуқтаи назаридан ўз ичига бир нечта диалогик нутқни қамраб олган монологик нутқдир. Китобнинг иккинчи боби “Қиссанавис” деб номланган. Бу бобнинг “Биринчи манзара”, “Иккинчи манзара”, “Учинчи манзара” қисмлари ҳам бош

қахрамон тилидан баён этилган. Учинчи боб яна "Бемор" деб номланади. Унда бош қахрамон Яхшибоевнинг касалхонадаги ҳаёти тасвирлари ўз ифодасини топган бўлиб, нутқий тузилиши жиҳатидан ўзини хос. Дастлаб қахрамон тилидан ҳикоя қилинган бўлса, қисмда ҳам Яхшибоевнинг ўй-хаёлларида гавдаланган воқеалар берилади: *Бариси беҳуда, деб ўйлади Яхшибоев, энди қариб қолдик, ҳамма тадорикни охирига етказгудай қувватимиз йўқ. Энди бизга ором керак, оромни ўтган кунларнинг сарҳисобини қилиб, яхшиларидан суюниб, ёмонларнинг сарҳисобини қилиб, недир сабоқлар чиқариб, аллоҳ ворисларга арзигулик бир мерос қолдирсак.* ("Лолазор")

Бундан ташқари, бу қисмда ҳам Яхшибоев ва раис Яхшибоев ва Робия сўзлашувлари мавжуд бўлиб, ушбу қисм ҳам нутқий қурилиши жиҳатидан диалогик нутқлардан иборат бўлган монологик нутқ характерига эга. Ифоданинг бу хилда, ҳар хил шаклдаги нутқ кўриниши асосида ифодаланиши бошқа ёзувчилар асарларида учрамайди. Бу ҳол "Лолазор" романининг ифода хусусияти жиҳатидан ўзига хос, оригинал нутқий кўринишларга эга бўлган асар эканлигидан далилат беради.

Романнинг тўртинчи боби яна "Қиссанавис" деб номланади ва асар қахрамони Саидкул тилидан баён этилиб бошланади. Бу бобнинг тўртинчи, бешинчи ва олтинчи манзара қисмлари ҳам қахрамон тилидан баён этилади ва икки кишининг суҳбати асосида давом этади.

Маълумки, ёзувчининг матн тузишдан асосий мақсади ўзи баён этаётган воқеага ўқувчининг диққат-эътиборини тортиш, шу орқали эстетик таъсир қилишдир. Ал-батта, матннинг китобхонга таъсир қилиши бадий бўёқдор ифодаланиши, асарнинг тил воситаларига бойлиги, ифода усулининг ўзига хослиги билан белгиланади. "Лолазор" романида ифода усулининг янгили-

ги, тасвирнинг сербўёқлиги, мазмуннинг тиниқлиги, асар таъсирчанлигининг кучайиши учун асос бўлган.

Бадий асарда ёзувчининг кўзлаган асосий мақсади қахрамоннинг бошидан ўтган бирор воқеа-ҳодиса ҳақида ҳикоя қилиш. Бу жараён турли асарларда турлича акс этади. Баъзан қахрамон ҳаёти ёшлик йилларидан ҳикоя қилиб бошланади-ю, унинг кексайгандаги ҳаётигача бўлган воқеалар муаллиф тилидан ёки бошқа бир қахрамон тилидан ҳикоя қилинади. Кўпинча бундай ифодаларда нутқ йўналиши ҳам бир хилда кетади, шунинг учун бундай асарлар ўқувчида кўпинча қизиқиш уйғотмайди. "Лолазор" романида эса, аввало, қахрамонлар ҳаёти тасвири алмашиб туради. Романнинг биринчи қисмида қахрамоннинг кейинги ҳаёти тасвирланса, иккинчи қисмида ҳаётининг илк даврлари баёнига ўтилади. Кўпгина воқеалар бўлиб ўтган воқеаларни эслаш асосида ҳикоя қилинади, шунингдек, нутқ шакллари ҳам ўзгариб туради. Воқеани баён этишдаги бу услуб китобхонни зерикишдан қутқаради ва китобга қизиқишини ошириб боради.

"Лолазор" романининг муҳим хусусиятларидан бири қахрамоннинг қиёфасини унинг ички дунёсини очиб беришда танланган усулнинг ўзига хослигидир. Деярли барча қахрамонларнинг ички дунёси ўз нутқи орқали очиб берилади. Асар матни мазмуний нуқтаи назардан таҳлил қилинадиган бўлса, қуйидагича матний тузилишни кузатиш мумкин.

Асарнинг асосий матнини ҳикоя жанрига хос матн ташкил этади. Чунки асарнинг кўпгина қисми, айниқса, "Қиссанавис" деб номланувчи қисмларида қахрамоннинг ўз бошидан кечирганлари ёки ўзи гувоҳ бўлган воқеалар ҳикоя қилиб берилган. Ҳикоя мазмунли матннинг бир қисми аввал бўлиб ўтган воқеани эслаш, хотирлаш асосида баён этилади. Асарнинг иккинчи, тўртинчи бобида матн ҳозирги замон шаклида ифода этилса, олтинчи бобида эса ўтган за-

мон шаклида ифода этилади. Асар матнида ҳикоя усули етакчилик қилади. Фикр асосан монологик нутқ тарзида баён этилса-да, тез-тез диалогик нутққа ҳам алмашиб туради. Шунингдек, асардаги шу тип матнларда тасвирийлик, ҳиссий ифода мазмунли матнлар ҳам кўплаб учрайди. Масалан, “Пайқаган бўлсангиз, Ўртақўрғондаги туриш-турмушимизни баён қила туриб, бир муддат ўзимни Назар ака билан Ошнога тенглаштириб қўйгандай ҳам бўлдим”. “Қиссанавис” деб номланувчи олтинчи боб ҳикоя мазмунли ана шу матн билан бошланса-да, унинг таркибида хабар мазмунини ифодаловчи матн ҳам мавжуд: *Агар ростига кўчадиган бўлсак, мен ўшал кезларда Яхшибоевдан бисёр ҳайшқардим. Кейинчалик у мени ўзига бир қадар яқин олиб юрганларида ҳам, барибир кўнглимдаги ҳадик бир лаҳзага бўлсин тарқалган эмас* (“Лолазор”).

Бадиий асарнинг моҳиятини намоён этишда ҳиссий-ифода матнларнинг аҳамияти катта. Матннинг бу тусида инсоннинг ички ҳис-туйғулари ўзига хос ҳолда ифода этилади. Шунингдек, ҳиссий-ифода мазмунли матнлар образли воситаларга, бадиий бўёқларга бой бўлади. Шунинг учун ҳиссий ифода мазмунли матнлар китобхонга тез таъсир қилиб, ҳиссий завқ уйғотади.

Мурод Муҳаммад Дўст асарларида эса бундай матнлар кўплаб учрайди ва фикрнинг бадиий-образлилигини, таъсирчанлигини кучайтириш вазифасини бажаради. Бадиий асарларнинг кўпроқ ҳиссий-ифодавий матнларга асосланиши бадиий-образлиликни таъминлади. Ўйгирма йил аввал эди, куз эди, еру осмон тиниқ эди. Ва ҳавода ўргимчак иллари оҳиста сузардики, Назар Яхшибоев хаёлига айни чиройли ўй келди. Келгани баробар, дилга жойлади – зўё рўмолча учини тугун қилиб тугди (“Лолазор”).

Бу матн моҳияти жиҳатдан ҳиссий таъсирчан матн бўлиб, ундаги ифода, сўзларнинг такрорланиши, образли фикр баён этилиши матннинг ҳиссий таъсир-

чанлигини таъминлаган. Ушбу матндаги мезонлардан йилтираган осмон тасвири, тиниқ осмон, ўргимчак иплар, ипларнинг сузиши, рўмолчани тугиш тасвирлари китобхонни бефарқ қолдирмайди. Чунки матнда тасвирланган манзара бадиий-бўёқдор бўлиб, тасвирий воситаларга бой. Бу ҳолни рўмолча учини тугун қилиб тугди гапи орқали ҳам кузатиш мумкин. Чунки у рўмолчани тутмади, аслида хаёлига келган ўйларни рўмолчани тутгандек, дилга жойлади.

Ўзбек бадиий адабиёти ва унда тил воситаларини сайқаллантиришда ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг ҳам ўз ўрни бор. Ёзувчининг асарлари, айниқса, “Лолазор” романи тил нуқтаи назаридан мукамал ишланган асарлардан бўлиб, умумхалқ тилидан фойдаланиш маҳоратининг намунаси бўла олган. М.М.Дўст асарлари тил жиҳатидан содда, равон, шу билан бирга, таъсирчанлиги билан ажралиб туради. Таъкидламоқ жоизки, ёзувчи асарлари тил хусусиятлари нуқтаи назаридан ўзбек адабий тилининг ривожига, бадиий тилнинг сайқалланишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилаётган асарлардан ҳисобланади.

“Лолазор” романидаги ифода услуби ва матн тузилишига хослик ёзувчининг “Истеъфо”, “Галатепага қайтиш”, “Мустафо” қиссаларида ҳам мавжуд. Мазкур асарларнинг матн тузилиши ёзувчининг ифода усулидаги оригиналликнинг намунаси бўлиб, тил воситаларининг қўлланилиши ҳам ифоданинг ўзига хослиги билан боғлиқ. М.М.Дўст асарларида жимжимадор, китобий нутққа хос сўзлар жуда кам ишлатилади.

“Галатепага қайтиш” асарида бутун-бутун саҳифалар, “Истеъфо”да кўпгина матнлар персонажнинг ўйлари шаклида баён этиладигани, матн яратишнинг бу услуби ёзувчининг индивидуал услубидир.

Шу сабабдан ёзувчи асарларида муаллиф ва асар қаҳрамони нутқи баёнда алмашиб туради. Ёзувчининг “Истеъфо” қиссаси шу жиҳатдан ажралиб туради. Бу

асарда ҳам баёнлар кўпинча ички нутқ асосида персонажнинг ўй-хаёллари тарзида намоён бўлади. Ифоданинг бу усулини М.М.Дўст асарларидаги етакчи ифода усули дейиш мумкин ва шу ҳолат асосида кўпинча матннинг бадиий таъсирчанлиги кучайтирилганлигини кузатиш мумкин. Масалан, *Яхшибоев ўйладики, ҳозир хотини йўлак охирида лифт кутаяпти. Сал ўтиб кўчага чиқади. Кўчада дарвоза ортида Аввалбек машина билан кутиб турибди. Бу ёққа кирмаган. Фарзандлар сарвари отадан чўчийди, олиму фозил Салимхоннинг гап ташиб келганидан хабардор, чеккароққа туриб, сассиқ тақанинг жаҳлдан тушмоғини кутади ("Лолазор")*. Бошини ёстиққа босди, бунчалик ожиз-умайдамиз-а, Эломонов, деб ўйлади, юришимизни қара, ошна, билмаган одам бизни жуда зўр деб ўйласа керак-да! Майдалик бундан ортиқ бўлмас, қара, кўриб ол, ёруғ дунёда эллик беш йил яшаб, ахийри шуни кутиб эдингми?! Оқибати жуда ночор-ку, Эломонов ("Истеъфо"). Келтирилган бу икки матн ифода жиҳатидан бир-бирига яқин. Биринчи матндаги *Яхшибоев ўйладики*, иккинчи матндаги *бошини ёстиққа босди* муаллиф нутқи, қолган фикрлар қаҳрамонларнинг ўйлари асосида намоён бўлган, матнда қўлланилган барча сўзлар оддий сўзлашувга хос бўлиб, ҳар иккала матн ҳам бадиий жиҳатдан мукамал. Биринчи матннинг турғандек тасаввур қилиниши, фарзандлар сарварининг отага бўлган муносабати, айниқса, уни *сассиқ* така деб аташи китобхонни бефарқ қолдирмайди. Бу ифодаларда ўқувчи диққатини жалб қилувчи, унга таъсир этувчи омиллар бор. Иккинчи матнда ўзидан ўзи қоникмаслик, ўзига сўроқ бериб, ўтган умрига диққатини қаратиш, оқибатни ўйлаш каби қаҳрамон руҳиятини намоён қилувчи ҳолатлар ҳам кишига таъсир қилмай қолмайди. Ёки *Қобилга қаради-ю, ғалати бўлиб кетди. Уни олиб қолсак ҳам бўларди, деб ўйлади, овунарди, бизга оғири тушгани йўқ эди...* *Йўқ, бу меҳр*

эмас, шунчаки *Қобилга ичимиз ачийди, унинг кетгани ҳам тузук, зўрма-зўраки шафқат кўрсатганда ўзинг ҳам аянчи бўлиб қоласан ("Галатепага қайтиши")* гапида ҳам қаҳрамоннинг ҳис-туйғулари, унинг хаёллари орқали фикрлаши асосида берилган бўлиб, ёзувчи асарларидаги етакчи ифода усули ҳисобланади.

Ушбу ифодалар бадиий матнда нутқнинг таъсирчан, сербўёқлиги нафақат тил бирликлари ва тасвирий воситалар орқали, балки фикрнинг ифодаланиш тарзи асосида ҳам вужудга келишини кўрсатади. Бадиий матн, аввало, ифода усули асосида бадиий тасвир намунаси бўлади. Шунга кўра, бадиий асарнинг матний қурилиши, нутқий ифоданинг турли шакллари ҳам лингвопоэтик таҳлил объекти бўла олади. Зеро, бадиий ифоданинг ҳар қандай шаклида у ёки бу даражада бадиийлик мужассамланган бўлади.

Ёзувчининг сўз танлаш ва қўллаш маҳорати

Бадиий асар лингвистик жиҳатдан қамровдор бўлиб, унда умумхалқ тилида мавжуд барча луғавий воситалар қўлланилиб, ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати натижасида таъсирчан, образли фикр ифодалаш сарий йўналтирилган бўлади. Сўз бадиий асарнинг асосий материали, бадиий асарда сўзлар орқали образлар яратилади, инсон онгида оламнинг манзарасини умумлашган ҳолда акс эттиради. Сўздаги энг муҳим хусусиятлар, алоҳида жиҳатлар бадиий матнларда намоён бўлади. Бадиий матнда ҳар қандай сўз тасвирийликка эга бўлиши мумкинки, бу сўзнинг тасвирий имконияти кенглигини кўрсатади. Бироқ сўзнинг кенг имконияти амалга ошишининг асосий талабларидан бири сўзнинг нутқда танлаб қўлланишидир. Бадиий матнларда сўз қўллашдаги муҳим ҳолатлардан бири нормадан узилганидир. Сўз қўллашда нормадан четлашиш бадиий нутқнинг бадиий-эстетик моҳиятини намоён этув-

чи муҳим жиҳати, эстетик таъсир кучини оширувчи асосий восита. М.М.Дўст асарларини лингвистик жиҳатдан ўрганиш ёзувчининг сўз танлаш ва қўллашда қуйидагиларга амал қилганини кўрсатади.

1. Ифодаланмоқчи бўлган фикрнинг моҳиятига мос тушадиган, маънони аниқ ва тушунарли тарзда ифода этадиган сўзни топиш ва ўз ўрнида ишлатиш.

2. Ифодада жимжимадорликдан қочиш, оддий халқона тарзда қабул қилинадиган жумлалар орқали фикрни ифодалаш. Бунинг учун эса асосан умумхалқ томонидан қўлланиладиган, маъносини барча тушунадиган сўзларни танлаш.

3. Фикрни бадиий бўёқларда ифодалаш мақсадида сўзнинг маъно нозикликларидан, бадиий сербўёқлигидан фойдаланиш.

4. Нутқда таъсирчанликни таъминлашга хизмат қиладиган эмоционал-экспрессив сўзларни нутқ йўналишига мос қўллаш.

5. Синонимларнинг маънони турли даражада, ҳар хил бўёқларда ифодалаш имкониятларидан унумли фойдаланиш.

6. Сўзларнинг турли маъно ифодалаш хусусиятларидан ўринли фойдаланиш.

7. Шаклан бадиий тил нормаларига мос келмайдиган, бироқ бадиий таъсирчанликни уюштиришда кенг имкониятга эга бўлган луғавий воситаларни танлаш.

Сўзнинг бошқа сўзлар билан бирикиб маъно ифодалаш бадиий нутқнинг муҳим жиҳати, сўз шу жиҳати билан нутқнинг жозибадорлигини, ранг-баранглигини уюштиради. Луғавий воситанинг ифодадорлик қўлами бошқа луғавий восита билан маъно ва мантқиқ жиҳатдан боғланишига кўра кенгайди. Сўзлар луғавий маънодан ташқари матнда қўшимча маъно ҳам ифодалайди ва шу маъноларига кўра услубий имкониятларни вужудга келтиради. Нутқ услублари орасидаги доимий алоқа туфайли маълум нутқ турига хосланган сўз

бошқа нутқ турига ўтади. Бадиий нутқ сўз қўлланиши ва сўзнинг ранг-баранг хусусиятлари намоён бўлиши сўз билан сўзнинг ана шундай боғлиқлиги, муносабати асосида очилади. Бу ҳол нутқда муайян сўзни қўллашда нутқдаги бошқа сўзларнинг талаби ҳам муҳим эканлигини кўрсатади. Чунки ҳар қандай сўзнинг матнда қўлланилиши ёзувчи услуби билан боғлиқ, сўзнинг маъно қирралари ва услубий имкониятларининг намоён бўлиши матнга боғлиқ. Ҳар қандай матн тузилиши, унда луғавий ва услубий воситаларнинг қўлланилиши жиҳатидан матн тузувчининг индивидуал услубига хослигини намоён этади. Ёзувчининг индивидуал услуби бадиий маҳоратининг асосини ташкил этади. Индивидуал сўз қўллаш маҳорати орқали бадиий асарнинг моҳияти очилади ва бадиий таъсирчанлик вужудга келади. Шунга кўра, ижодкорнинг бадиий маҳорати, биринчи навбатда, тил воситаларидан бадиий фикр ифодалаш жараёнида мақсадга мувофиқ фойдаланиши билан белгиланади.

Мурод Муҳаммад Дўст асарлари сўз қўллашдаги индивидуалликни намоён этувчи муҳим манбалардан ҳисобланади. Бу ҳолатни ёзувчи ижодида бир ҳолатнинг бир неча лингвистик воситалар орқали ифодаланиши мисолида ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, инсон руҳий ҳолатини англаувчи хурсандлик, хафалик ҳолатларини ифодалашда ёзувчи ўзига хос индивидуал ифодалар қўллайди. Масалан:

– Бўлди, Тошўлат ака, бас қила қолинг, дея аччиқланган бўлди Замира, лекин жаҳли чиқмади, лабларига қўнган кулгини яширмоқ, устаб юзини бурди (“Талатепага қайтиш”). Руҳий ҳолат тасвири берилган ушбу матнда хурсандлик тушунчасини ифодалашда лабга қўнган кулгу бирикмаси қўлланилган. Ушбу ифодани хурсандлигини яширмоқ бирикмаси билан ҳам бериш мумкин эди. Ушбу ҳолатда ёзувчи ифодаламоқчи бўлган фикр бадиий бўёқдорлигини йўқотиб оддий ифодага айланарди.

Д.Н.Шмелев бадиий ифода экспрессив-образлилик-

ни талаб қилиши ҳақида фикр юритар экан, кўпинча метафора, эпитет, ўхшатиш, такрор ва бошқа воситалар образлилики таъминловчи сифатида қаралишини, бироқ бадиий матнда образли метафорик сўз, ифода бўлмаслиги, бироқ матн экспрессив-услубий бўёқдор бўлиши мумкинлигини эътироф этади⁴¹.

Мурод Муҳаммад Дўст хурсандлик тушунчасини ифодалашда метафорик ва метафорик бўлмаган ифодадан ҳам фойдаланган. Масалан, “Елтинчи камалди, хона ҳавоси салқинлангандай бўлади, юздаги булутлар ариб, кайфият хуш тортади” (“Лолазор”) гапидаги юздаги булутлар метафорик бирикмаси хафаҳол кўринишни, булутларнинг юздан ариши хурсандликни ифодалаган.

Бадиий матнда метафорик ифодаларсиз экспрессив бўёқдорликнинг таъминланиши ижодкорнинг сўз қўллаш маҳорати билан боғлиқ. Чунки ҳар қандай сўзда, матнда муайян услубий имкониятларни яратиш хусусиятлари мавжуд бўлади. Айниқса, бошқа сўзлар билан бирикиш жараёнида сўзнинг ифода хусусиятларининг кенгайиб бориши янги, оригинал ифодаларнинг вужудга келиши учун асос бўлади.

А.Н.Васильева нутқий ифодавийликнинг вужудга келишида сўз бирикмаларининг муҳим ўрни борлигини таъкидлаб, сўз бирикмасини – образлар бирикмаси, сўз-образ атомларидан ҳосил бўлган ўзига хос образли молекула⁴² сифатида таърифлайди.

Мурод Муҳаммад Дўст асарларида ёзувчининг индивидуал услубига хос бўлган ана шундай сўз бирикмаларини кўплаб учратиш мумкин. Характерлиси шундаки, ёзувчи бир тушунчани ифодалашда образли воситаларнинг кўплаб вариантларини яратади ва матннинг бадиий-бўёқдорлигини кучайтиради. Масалан, “Лекин

⁴¹ Шмелев Д. Н. Слова и образ. – М.: Наука, 1964, С. 38.

⁴² Васильева А. Н. Художественная речь. – Москва, Русский язык, 1983, с. 52.

начора, меҳмон отангдан улуғ, юзимга хуррамлик суртиб Яхшибоевнинг истиқболига шошилдим”. (“Лолазор”) гапида “хурсандлик” маъносини ифодалашда юзга хуррамлик суртмоқ бирикмаси ишлатилган. Мазкур матнларда айнаи бир тушунчани ифодалашда лабга кулгу қўнмоқ, юзга хуррамлик суртмоқ каби икки ифода қўлланилиши, сўз танлаш ва қўллашда тилнинг нақадар кенг имкониятга эга эканлигини кўрсатади. Нутқнинг тил воситаларига бойлиги ёзувчининг сўз танлаш маҳорати билан боғлиқ. Бадиий матнларда тушунчани турли воситалар билан ифодалаш, бир тушунчанинг ҳар хил даражасини ифодалашда турли лингвистик воситалардан фойдаланиш тилнинг нутқий имкониятлари чексизлигини кўрсатади, бироқ тилнинг нозик маъно ифодаловчи воситалари кўпинча ижодкор маҳорати асосида яратилади.

Тилда тайёр ҳолда мавжуд бўлмаган янги ифода воситаларининг танланиши ва ўз ўрнида мақсадга мувофиқ қўлланиши индивидуаллики таъминлайди. Мурод Муҳаммад Дўст сўз танлаш ва уни нутқда қўллашдаги шу жиҳатлар билан ҳам ўзига хос ижодкор. Чўлпоннинг тил маҳорати ҳақида фикр юритар экан, проф. М.Йўлдошев шундай ёзади: “Катта маҳоратли ёзувчиларнинг бадиий тил борасидаги устунликларидан бири шундаки, улар фақат тилда мавжуд бўлган, тайёр маънодош сўзлардангина фойдаланиб қолмасдан, бадиий тасвир эҳтиёжига кўра маънодош бўлмаган сўзларни ҳам шундай қўллайдиларки, бу сўзлар ҳам матнда худди маънодош сўзлар каби идрок этилади”⁴³. Бу фикрлар айнан М.М.Дўст ижоди учун ҳам тааллуқли десак, хато қилмаган бўламиз. Чунки ёзувчи асарларида ана шундай ижодкор томонидан яратилиб, тилнинг кенг имкониятларини намоён қилувчи сўз бирикмаси шаклидаги луғавий бирликлар жуда кўп бўлиб,

⁴³ Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 16.

шундай тил бирликларининг қўлланилиши ёзувчининг тилдан фойдаланиш услубини ҳосил қилган. Ёзувчи маҳоратининг муҳим қиррасини умумхалқ тили бойликларидан маҳорат билан фойдаланиш ташкил қилади. Унинг асарларида тилда мавжуд бўлган сўзлар, шу сўзлар ифодаладиган маънолардан фойдаланилган ҳолда ўзига хос сўз бирикмалари тузилиб, янги маънолар ифода этилади.

Бадий асарларнинг муҳим хусусиятларидан бири, унда сўзнинг асл луғавий маъносига хос бўлмаган, бошқа маъноларда қўлланиш имкониятларининг мавжудлигидир. Сўзнинг ана шундай бошқа маъноларни ифодалаш учун йўналтирилганлиги тилнинг ифодалилигини, санъаткорнинг сўз қўллашдаги лисоний маҳорати қамровини кўрсатади. Мурод Муҳаммад Дўст “хурсандчилик” маъносини лабга кулгу қўндирмоқ, юзга хуррамлик суртмоқ бирикмалари билан ифодалар экан, унинг зидди бўлган “хафаччилик” маъносини ифодалашда ҳам оригинал сўз бирикмаси ҳосил қила олган. Яхшибоев сергак тортди, юзидаги кулгини сидириб ташлаб, андак ғамгинлашди (“Лолазор”). Натижада ёзувчи ижодида хурсандлик ва хафаччилик тушунчаларининг ифодачиси сифатида юзга хуррамлик суртмоқ ва кулгини сидирмоқ зид маъноларини ҳосил қилувчи луғавий бирликлар вужудга келган.

Бадий асарнинг индивидуаллик хусусиятлари асарнинг бадий кимматини белгиловчи муҳим омил эканлигини проф. С.Каримов шундай изоҳлайди. “Ижодкор моддий оламни ўзига хос тарзда идрок қилади, табиатдаги, жамиятдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳали ҳеч ким пайқамаган, илғаб ета олмаган қирраларини кўра олади, бинобарин, ҳамма учун истеъмомда умумий деб айтадиганимиз – тил ёзувчи қаламида индивидуал тасвир қуролига айланади. Шунинг учун ҳар бир бадий асар

чинакам маънода хусусийдир”⁴⁴. Дарҳақиқат, ижодкорнинг моддий оламни идрок қилиши ва уни ифода этишининг ўзига хослиги хусусийликни вужудга келтиради. Хусусийлик ҳамма сингари тилнинг умумистеъмомдаги маъно хусусиятларидан фойдаланиш билан эмас, аксинча, ёзувчи томонидан ҳосил қилинадиган янги маънолар, умумтилда мавжуд бўлмаган янги ифодалар натижасида ҳосил қилинади. Масалан, “Деразаларни ланг очиб юборди. Дарахтларда мажлис бошлаган қушлар ҳуркиб учиб кетишди” (“Лолазор”) гапида мажлис бошлаган сўз бирикмаси орқали дарахт шохларидаги қушларнинг тинимсиз чуғурлаши образли ифодаланган. Бу бирикма орқали муайян мазмунни ифодалар экан, ёзувчи қушларнинг чуғурлашишини тортишувли мажлислар билан қиёслайди ва ушбу ҳолатлар орасидаги боғлиқлик натижасида мажлис бошлаган сўз бирикмаси қўлланилган.

Бадий асарда сўз қўллашдаги ўзига хослик ижодкор идроки билан боғлиқ. Ижодкор нарса-ҳодисани бошқа бир нарса-ҳодиса билан боғлиқликда тасаввур қилса, тасаввур қилинган тушунчани ифодаловчи сўз билан аввалги ҳолатни ифода этади. Масалан, *Бугунги дўст – эртанги душман, ўзим доғсиз қолайин деб, ўзганинг юзига лой чаплаш... Э, кўп эди бунақаси, ... Кўп эдики, бугунги нуроний чоллардан анча-мунчаси балчиқ юқи кетмаган қўлларини бекитолмай гаранг* (“Лолазор”) гапидаги *лой чаплаш, балчиқ юқи* сўз бирикмаларининг қўлланилиши шу жиҳатдан характерли. “*Айблаш*” маъносининг ифодачиси сифатида қўлланилган *лой чаплаш* сўз бирикмаси орқали шунчаки айб қўйиш эмас, ноҳақ айблов, ўз манфаати учун қўйилган айблов маънолари мавжудлигига кўра айнан шу бирикма қўлланилган. Ушбу маъноларни ифодалашда бошқа бирор луғавий восита *лой чаплаш* бирикмаси каби мос ва бадий бўёқдор эмас. Бу

⁴⁴ Каримов С. Ўзбек тилининг бадийи стили. – Самарқанд: За-рафшон, 1992. – Б. 26.

ҳол ёзувчининг сўз танлаш ва қўллашда катта маҳоратга эга эканлигининг намунасидир. *Лой чаплаш* бирикмаси умумхалқ тилида мавжуд бўлиб, матнда қўлланилган маънони ифодалаш хусусиятига эга. Бу бирикманинг денотатив маъноси билан коннотатив маъноси орасидаги боғлиқлик асосида ёзувчи балчиқ юқли қўл бирикмасини ҳам ишлатади. Ҳар иккала қўлланишда ҳам бирикмалар маъноси маъно кўчиши асосида ҳосил бўлиб, янги тушунчани ифодалаган ва индивидуал услубга хосликни вужудга келтирган. Тил воситаларининг янги маъно ифодалаш қирраларининг намоён бўлишини ёзувчининг хирмон қилиб уймоқ бирикмасини қўллаши асосида ҳам кузатиш мумкин. Хирмон қилмоқ умумхалқ тилида ғаллачиликда қўлланилиб, “*ғалла поясини ёки донини бир жойга тўплаш*” маъносини ифодалайди, шу тушунча асосида “*кўлик*” маъноси мавжуд. Ёзувчи бирикманинг халқ тилидаги ана шу маъно хусусиятларидан фойдаланган ҳолда сохта мақтовларнинг кўп қилинишига нисбатан хирмон қилмоқ бирикмасини қўллаб, нутқий оҳангдорликни таъминлайди. *Лутфи эҳсонларни хирмон қилиб уйдик, Яхшибоевнинг ишоншига бир баҳя қолди* (“*Лолазор*”). Муайян маънони ифодалашда ушбу бирикманинг ишлатилишида ай-тилаётган мақтовларнинг сохталитига ҳам ишора бор. Буни мақтовлар қаратилган шахснинг ўзи ҳам билади. Бу ҳолни ҳам ёзувчи маҳорат билан ишоншига бир баҳя қолди сўзлари орқали акс эттириб берган.

Ижодкорнинг сўз қўллаш маҳоратини намоён этувчи турли усуллар, ҳар хил воситалар мавжуд. Сўз қўллашдаги маҳоратни кўрсатувчи муҳим ҳолатлардан бири янги сўзлар ҳосил қилиш ва уни матн мазмунига мос ҳолда қўллашдир.

Сўз ижод қилиш бадиий нутқ жараёнидагина вужудга келади, бироқ барча ёзувчилар ижодида ҳам янги сўзлар қилинган сўзлар бўлавермайди. Шундай экан, сўз ҳосил қилиш ижодкорнинг индивидуал услуби билан боғлиқ.

Янги сўз ҳосил қилиш тилнинг ички имкониятлари асосида вужудга келса, уларнинг баъзилари адабий тил нормаларига мослашиб, тилга сингиб оммалашиб кетиши ва айрим ясамалар эса муайян нутққа хослигича қолиши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам янги ясалган ясама матн учун ё номлаш вазифасида қўлланилган, ёки услубий вазифа бажаришга қаратилган бўлади.

Шунга кўра, бадиий асар лексикасининг ўзига хослигини белгилашда ёзувчининг янги сўзлар ясаши ва ундан унумли фойдаланишини ўрганишнинг аҳамияти катта. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст ҳам истеъдод соҳиби сифатида катта сўз санъаткорлари изидан бориб, янги сўзлар ясай олган ва уларни асарларида ўз ўрнида маҳорат билан ишлата олган. Адибнинг янги сўзлар ясашида тилда мавжуд бўлган сўз яшашнинг баъзи қолипларидан фойдаланганлик ҳолатларини кузатиш мумкин.

Ёзувчи ўз асарларида янги ясамалар ҳосил қилишда тилнинг ички имкониятларидан фойдалангани ҳолда, тилнинг сўз ясаш нормаларига ҳам қатъий риоя қилгани кузатилади. Шунинг учун ёзувчи асарларида учрайдиган янги ясамалар тилнинг табиатига мос ва табиийдир. Масалан, Э, каттаконинг билан қўшмозор бўл, деб ўйлайди Яхшибоев, бунақа асаббозликда соғайиб бўладими! (“*Лолазор*”) гапидаги асаббоз сўзининг ясаши ҳам мазмун моҳиятига кўра индивидуалдир. “*Асабнинг бузилиши*”, “*асабга тегиш*” маъносидаги ушбу сўз қўлланилиши жиҳатдан ўзига хос. Ёзувчи катта сўз санъаткори сифатида тилнинг имкониятларидан фойдаланган ҳолда сўз ҳосил қилишнинг фаол қолипларига таянади ва мавжуд сўз ясаш қолиплари асосида янги сўзлар яратади.

Асаббозлик сўзида -боз ва -лик сўз ясовчи қўшимчалари мавжуд бўлиб, икки марта сўз ясалган. -боз қўшимчаси маъно жиҳатдан нарса билан кўп шуғулланиш (дорбоз, қиморбоз) шунингдек, нарсага ўта берилганлик (маишатбоз, найрангбоз) маъносидаги отлар ясаш учун қўлланилади. Асаббоз сўзида эса бу маънолар унчалик

сезилмайди ва ёзувчи томонидан қўшимчанинг янги маъно ифодалаш имконияти яратилганлиги кузатилади. Бошқача айтганда, матндаги бу сўз - боз қўшимчаси ҳосил қиладиган асосий маъно, яъни нарса билан боғлиқ шугулланиш маъносида эмас, аксинча, "асабни боғлиқ" маъносида қўлланилган. Кўринадики, ушбу сўзнинг ҳосил қилишда ясама асоснинг анъанавий маъносида эмас, балки янги маъно ифодалаш имкониятларидан фойдаланилган ва тилдаги сўз яшаш имкониятининг қай даражада кенглиги намоён этилган. Ёзувчининг сўз қўллашдаги маҳоратини акс эттирувчи бундай учириталарни Мурод Муҳаммад Дўст ижодида кўплаб учратиш мумкин. Шундай индивидуал ясамалардан яна бири хабаркашлик сўзидир:

- Айтсам, хабаркашлик бўларди-да, домлажон, - дейди Чоршанбиев дув қизариб.

- Тўғри айтасан, майдакашлик қилмаганинг тузук. Сени биз бўримиз, Чоршанби болам, фингшимоқ нелигини билмаймиз ("Лолазор").

Хабаркашлик сўзи "хабар бериш" маъносида эмас, "гап етказиш" маъносида қўлланилган. Шу маъно ифодасига кўра бу сўз мутлақо янги. Ясалиш хусусиятига кўра ҳам бу сўз ўзига хос. Гарчанд у тилда мавжуд *от + каш* қолипи асосида ясалган бўлса ҳам, қўшимчанинг тилдаги "портмоқ" маъноси кучсизланиб, *етказмоқ* маъноси-нинг фаоллашуви янги сўз яшаш учун асос бўлган. *Сифат + каш* қолипи асосида ҳосил қилинган *майдакашлик* сўзида эса мутлақо бошқа ҳолатни кузатиш мумкин. Бу сўз ҳам ёзувчи услубига хос, окказионал характерга эга. Ушбу сўзнинг мазкур матнда ифодаладиган маъносининг тилдаги бошқа бир сўз билан ифодалаш имконияти мавжуд эмаслиги, ушбу луғавий воситанинг ҳам яратилиши-нинг ўзига хослигини кўрсатади. Матнда *майдакашлик* сўзи "бошқалардан устун турувчилик", "иғво-ғийбат билан шугулланмаслик", "майда-чуйда гапларни ташиб юрмаслик" каби маъноларни ифодалаш учун ишлатилган.

Шу билан бир қаторда, бу сўз семасида характер хусусият жиҳатдан яхшилик белгиларига эгалик маъноси ҳам ифодаланган. Ҳар иккала ясама асосида - *каш* қўшимчаси асосдан ифодаланган нарса билан шугулланиш, иш-ҳаракатнинг шу асос орқали бажарилиши маъносидаги шахс оти ҳосил қилган. Ясама асоси нуқтаи назаридан тилга тезлик билан сингиб кетиши мумкинлиги инобатга олинса, бу типдаги ясамалар тил учун янги маъно ифодалаш имкониятини яратувчи луғавий воситанинг пайдо бўлганлиги билан характерланади.

Ёзувчининг бу ҳилдаги сўз ясашларида ўзакдаги сўзнинг мазмунидан келиб чиқилганини кузатиш мумкин. Натيجанда янги ясамада ҳам ифода талқинида аниқлик, ҳаётийлик ўз аксини топган. *Хабаркашлик* сўзининг асоси хабар. Бироқ бу сўз бирор воқеа-ҳодиса ҳақида оддий хабарни ифодалайди. Ёзувчи ушбу сўз орқали ясалган янги ясамага услубийлик вазифасини юклайди. Яъни сўз шунчаки хабар етказиш маъносини эмас, балки "чақимчилик қилиш", "гап етказиш" маъноларида ишлатилганки, бу маъно янги ясама асоси ифодаладиган маънодан қисман узилган маъно эканлиги билан характерлидир. *Майдакашлик* сўзи ҳам маъно нозиклиги билан *хабаркашлик* сўзи билан ҳамоҳанг. Бу сўзларнинг матнда жуда ўринли қўлланилганлиги сезилиб туради.

Ёзувчи адабиёт жонкуяри бўлиши билан биргаликда тил воситаларини ҳам авайлаб ишлатадиган, тилдаги мавжуд имкониятлардан кенг фойдалана оладиган фидокор ижодкордир.

Ёзувчининг умумхалқ тилининг бой услубий бўёқдор воситаларига тез-тез мурожаат қилиши, шу воситалар орқали ўз асари тилининг жозибадорлигини таъминлаши унинг тилга бўлган муносабатини ёрқин гавдалантиради. Мурод Муҳаммад Дўст асарларида учрайдиган янги ясамаларда ҳам ана шундай услубий бўёқдорликни, тилда мавжуд бўлмаган янги маъноларнинг ифодаланиш ҳолатларини кузатиш мумкин.

Янги сўзларнинг ясалишида сўз ҳосил қилишнинг қонун-қоидаларига қатъий риоя қилинади. Бадиий ижодда янги сўзларнинг яратилиши табиий ва ижодкор эҳтиёжининг натижасидир. Бадиий тасвирнинг моҳияти унда кутилмаган, табиий бўлмаган янги ифодаларнинг кўплаб қўлланилишини талаб қиладики, бу ҳолат бадиий матнда янги сўзлар ясалиши учун имкон яратади.

Янги ясамалар дастлабки қўлланилган матнда қилиб кетиши ёки фаоллашиб умумхалқ тилига ўтиб кетиши сўз ясалиш асосининг умумхалқ тилида мавжудлиги ва янги ясама сўз маъносининг халқнинг турмуш тарзини қай даражада ифода эта олиши билан боғлиқ. Халқ ҳаётини ифодаловчи муайян тушунчаларни ифодалашда қулай, содда, тушунарли сўз бўлмаса ёки муайян тушунчани ифодаловчи сўз тилда мавжуд бўлмаса, ўша маънони ифодаловчи янги ясама тилда оммаллашиб боради. Шу жиҳатдан Мурод Муҳаммад Дўст асарларида учрайдиган бир қатор ясамалар характерли. Ёзувчи асарларида учрайдиган ясамаларнинг бир қисми муайян тушунчаларни ифода этувчи луғавий воситаларга маънодошлик вазифасини бажарса, айримлари мутлақо янги сўз сифатида намоён бўлганини кузатиш мумкин. Масалан:

– Касалхонами бу ёйинки карвонсарой? – деб сўроқлади.
– Илган қаланғи-қасанғи кириб келаверса-я? (“Лозор”) гапидаги сўроқлади сўзи ёзувчи индивидуал услубига хос сўз. Бу сўз маъносининг ифодачиси сифатида умумхалқ тилида сўради сўзи қўлланилади. Тилда муайян маънодан кўзда тутилган мақсад бўлади. Яъни муайян сўзнинг маъно ифодалаш даражаси ёзувчи ифодаламоқчи бўлган фикрни қай даражада ифода этиши ёки тилда бир хил ифодалардан сўзларни кўпайтириш асосида бир хил ифодалаш, чекиниш, нутқий ранг-барангликни таъминлаш, сўзга қўшимча маъно ифодалаш вазифасини юклаш, сўзни бутунлай янги маънода қўллаш нутқда янги ясамаларнинг вужудга келишига асос бўлади.

Юқоридаги матнда қўлланилган сўроқлади сўзига шу нуктаи назардан ёндашилса, сўради сўзига маънодош, бироқ айнан сўради сўзи сифатида ишлатилмаганини англаш мумкин. Матн бу сўзнинг “савол бермоқ” маъносида қўлланилганини изоҳлайди, шу маънода эса у янги сўз ва оригинал қўлланишидир. “Савол бермоқ” маъносида сўроқлади сўзининг қўлланилиши тилда янги сўз ҳосил қилиниши, луғавий жиҳатдан тилнинг бойитилишидир.

Кўринадикки, нутқда сўз қўллаш, айниқса, янги маъноли сўз қўллашдан кўзда тутиладиган муҳим жиҳат асосий маънога қўшимча ҳолда ифодаланадиган маъно қирраларини намоён этишдир. Мурод Муҳаммад Дўст ҳам ана шундай нозик маъноларни ифодалаш учун сўз танлайди ва янги сўзларни вужудга келтиради. *Ғайбаров* унинг ниятини пайқаб, бошини сараклади (“Ғалатепага қайтиш”) гапидаги сараклади сўзи “бош қимирлатмоқ” маъносидаги умумхалқ тилининг оддий сўзлашувдаги “бошини сарак-сарак қилди” маъносини ифодалаган янги сўз. Бошни сараклатиш инсоннинг турли ҳолатларини ифодалашнинг белгиси. Юқоридаги келтирилган гапда бу сўз ёрдамида суҳбатдошининг фикрларини маъқул топмаслик ҳолати ифодаланган. *Замира афсуслангандай* бошни сараклади, лабларини қаттиқ тишлаганча чуқурдан чиқиб кетди (“Ғалатепага қайтиш”) гапида эса бу сўз ёрдамида “норозилик” ҳолати ифодаланган. Сўзнинг ана шундай нозик маъноларни ифодалаш хусусиятлари ёзувчи учун бадиий фикр ифодалаш воситасига айланган. “Бош қимирлатмоқ” маъносидаги сараклади сўзини қўллаш орқали ижодкор фикрни олдин ифода этилмаган янги шаклда ифодалашга эришган.

Мурод Муҳаммад Дўст асарларида янги ифода шаклини вужудга келтириш, баъзан янги маъно ифодалаш мақсадида кўплаб тилда мавжуд бўлмаган янги сўз шаклларида фойдаланади. Масалан, “тугманиўтказмоқ” маъносидаги туғмалаб (*Ташқари чиқишди. Юзга совуқ урилди. Эломов бирпас тўхтаб, пальтосини туғмалаб олди.* “Ис-

теъфо”), тарих, археология фанлари билан шуғулланиш маъносида эскишунос (– Ким, у, Ғайбаров, юрган бир эскишунос-да. “Галатепага қайтиш”), “ишқий мазмундаги хатлар” маъносини ифодалашда ишқнома (Кундаликдаги одамни уялтирадиган нарсалар биргина ишқномалар эди. “Лолазор”), “савоб учун иш қилиш” маъносини ифодалашда савобталаб (Ўша фильмларнинг титрларида қандайдир савобталабу ҳожатбарор йигитларнинг исми-фамилиялари ҳам бўларди. “Лолазор”) сўзларини қўлласа, халқимизнинг энг яхши удумларидан бири бўлган, уйга нозик меҳмонлар келганда уларнинг ҳурмати учун қўни-қўшни ва қариндош-уруғлардан уйга одам чақиртириш оdatини ифодалашда меҳмон кўрсатар бирикмасини қўллайди. Иззатини жойига қўйишлари рост, егани олдига, емагани ортига, меҳмон кўрсатар қилиб бутун овулни йиғиб келишади (“Галатепага қайтиш”). Шунингдек, бадий услубига хос пишианг талаб (Панжаи ўғри одам бўлиб, белга белбоғ бойлагандан бери Очиш кучга ўхшаган ҳовлиқма пишианг талаб мардумни писанд қилган эмас. “Галатепага қайтиш”), таомтахта (Кўнглини уларнинг оҳанги чулғади ва Ғайбаров вагон деразаси ёнида ўтирган кўйи таомтахтага бош қўйди. “Галатепага қайтиш”), ҳашарлашиб (Ёру дўстлар билан ҳашарлашиб, салқинлатгичи, қулай кибинет, қулай мебель, қўш ромли қўш дераза, ҳар деразада биттадан салқинлатгич гувилаб ишлаб турибдики, қараб кўзларига ишонмади. “Истеъфо”), камюрим (Мустафо камюрим одам, жуда қистов бўлмаса, уйдан кўп жалимайди. “Мустафо”), шунингдек, “бўладиганимиз шу” маъносидан бўлганимиз (– Мен ўсмайман, – дейди Ҳамрақул. – Бўлган бўлганимиз шу, ака. “Мустафо”) ва “гапирмоқ” маъносини ифодалашда сўзланади (– Булар ҳали ҳам, Салимбой, – деб сўзланади у. – Кучи кўп, лекин ақли кам. “Мустафо”) каби муайян ҳудудга хосланган сўзлар ёзувчи мақсадини юзага чиқариш, фикрнинг нозик жиҳатларини ифодалаш учун қўлланилганки, уларга шунчаки сўз қўллаш

эмас, балки санъаткорона сўз қўлланилиши сифатида ёндашиш ёзувчининг тилдан фойдаланиш маҳоратини таҳлил қилишга ёрдам беради.

Мурод Муҳаммад Дўст бадий услубига хос муҳим хусусият ифодадаги баъзи жиҳатларга алоҳида урғу беришдир. Бундай ҳолатларда ёзувчи ифодадорлик, экспрессивликни кучайтириш мақсадида сўзларнинг маъно яқинлиги, маънодошлиги, салбий ёки ижобий маъноли эканлигидан фойдаланган ҳолда уларни кетма-кет келтириш асосида фикрнинг бадий таъсирчанлигини оширади. Ёзувчи ифоданинг ушбу шакли учун ҳам сўзларни танлайди. Фикрнинг бутун нозиклиги билан ифодалаш, айтилмоқчи бўлган фикрнинг тўғрилиги ва аниқлигини изоҳлаш учун уюшиб келувчи сўзлар қаторидан фойдаланиш ёзувчи асарларида кўплаб учрайди. Ифода жиҳатидан бир-бирини тўлдириб келувчи сўзларни кетма-кет қўллаш асосида фикрга тингловчининг диққати жалб этилади, айтилмоқчи бўлган фикрнинг муҳимлиги таъкидланади, фикрнинг бадий бўёқдорлиги таъминланади. Масалан, ... бу ўртоқ – замонга муносиб инсон, ҳалол, покиза, закий ва тадбиркор, мен бу ўртоқ билан ёнма-ён ишлаётганимдан бахтиёрман. (“Лолазор”) гапида замонга муносибликнинг белгиси сифатида шахснинг тўрт хусусияти: ҳалоллик, покизаллик, закий ва тадбиркорлик белгилари ажратилади. Шу белгиларни ифодалашда шахснинг яхши хислатларини намоён этувчи ҳалол, покиза, закий, тадбиркор сўзлари қўлланилади. Мазкур гапда шахснинг замонга муносиблигини акс эттириш учун юқорида келтирилган белгилардан биттаси келтирилиши мумкин эди. Бироқ ёзувчи замонга муносибликни шахсдаги битта ижобий хусусият билан белгиламайди, бундай шахсларда бир неча ижобий хусусиятлар мавжуд бўлишини таъкидлайди ва шу хусусиятларни билдирувчи сўзлар қаторини келтиради. Қўринадикки, бир-бирига умумий ифода жиҳатидан яқин бўлган сўзлар қатори ҳам ёзувчи учун фикрни

ёркин ифодалаш воситасидир. Матнда умумий маъноси жиҳатидан бир-бирига яқин бўлган сўзлар қўлланганда, уларнинг ҳар бири ифодалайдиган маъно алоҳида ажратиб кўрсатилади, натижада ифодадаги экспрессивлик яна кучаяди. Масалан, “*Лекин мағзи тўқ чигитлар четда қолиб, миллионлаб гектарларга айни тоғорачадан уруғ сепилди, сабабқи, тоғорачанинг эгалари бошиқалардан зўрроқ, нуфузлироқ, доғулироқ, қабиҳроқ, палидроқ, ифлосроқ...*” (“Лолазор”). Ушбу гапда китобхон диққатини жалб этишга қаратилган барча сўзлар мазмун жиҳатидан салбий муносабатни ифодалаган, ҳатто, аташ маъносига кўра ижобий бўёққа эга бўлган зўр, нуфузли сўзлари ҳам матнда салбий маъно касб этган, матнда бу сўзлар орқали “*айтганини қилдирадиган шахс*” маъноси ифодаланиб, сўзнинг салбий маъно касб этгани ҳам ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратини кўрсатади. Зеро, салбий маъноли сўзлар куршовида мазкур сўзлар ижобий маъно ифодалашини мумкин эмас. Уюшган бўлақлардан бир умумий маънонинг ифодаланиши тилнинг қонуниятидир. Ёзувчининг маҳоратини кўрсатувчи яна бир муҳим жиҳат, сўзлар қаторида сўз ифодасидаги белги даражанинг кучайиб боришидир. Бунинг ёрқин далили *доғулироқ – қабиҳроқ – палидроқ – ифлосроқ* сўзлар қаторидаги салбий бўёқнинг юқорилиги билан ажралиб турувчи сўз *ифлосроқ* сўзи эканлигидир. Ёзувчи ўз асарларида ифоданинг бу усулига алоҳида аҳамият қаратган, ўзига мақбул бўлган сўзга сўзлар кетма-кетлигида охирига олиб асосий маъно шу сўзга юкланган. Масалан, “*Шунинг учун ғул-ғул товуқнинг хўрозидай хурпайиб юрардим – жиддий, салобатли, виқорли!*” (“Истеъфо”). Ушбу гапда ғул-ғул товуқнинг хўрозидай юриши туб моҳияти билан ифодалайдиган сўз *виқорли* сўзи бўлганлиги учун ҳам у гап охирига олиниб, асосий маънони ифодалашга йўналтирилган. Матнда инсон хўрозга қиёсланган, бироқ инсонга хос жиддийлик, салобатлилик хўрозга хос бўлмаса-да, хўроз ва инсоннинг виқор билан юришида ўхшашлик мавжуд. Ана шу ҳолат

ижодкорнинг икки предметни қиёслаб бадиий-образли фикр ифодалашини учун асос бўлган.

Предметларни қиёслаш асосидаги бундай фикр ифодалашларда тил воситаларининг имкониятлари янада кенгаяди. Келтирилган гапдаги ҳар учала сўз ҳам асосан инсонга хосликнинг ифодачиси бўлса-да, мазкур матнда хўроздаги муайян ҳолатларни ҳам ифода этган ҳолда бадиийликка хизмат қилган. Бу ҳолат тилда бадиийликка хизмат қилувчи восита ва усуллар кўплигини кўрсатади. Ана шу хазинадан ҳар бир ижодкор ўз услубига хос ҳолда фойдаланиб, бадиий-таъсирчан фикр ифодалашини орқали ўз маҳоратини намоён этади.

Мурод Муҳаммад Дўст асарларига хос семантик жиҳатдан яқин бўлган сўзларни матнда кетма-кет қўллаш сўз қўллашдаги муҳим усуллардан биридир. Бу усул орқали таъкид кучайтирилиб, нарса, ҳодисадаги бир неча белги алоҳида ажратиб кўрсатилади. Масалан, “*Мурод амаки хотиралар тубидан тиниқиб чиққан, хотиранинг ўзи сингари азиз, соф ва содда эди*”, (“Талатепага қайтиш”) гапи ҳам сўз қўллашдаги маҳоратни кўрсатади. Аввало, унга шахсга хос бўлган хусусиятлар таъкидланган, шу орқали шахсга баҳо берилган. Иккинчидан, бу хусусиятлар фақат шахсга эмас, унинг хотираларига ҳам тегишлилиги, яъни инсоннинг хотиралари ҳам ўзи учун азиз, соф ва соддалиги ифодаланган. Кўринадики, ушбу матнда ҳам сўз икки томонлама маъно ифодалаш сари йўналтирилган. Биринчи ҳолатда инсонга нисбат берилганда тааллуқлик асосида денотатив функцияда намоён бўлган, иккинчи ҳолатда хотирага нисбат берилганда ёзувчи тафаккур тарзининг маҳсули сифатида коннотатив вазифа бажарган. Академик И.Қўчқортоев бадиий адабиётда сўз образ, манзара яратиш учун материал бўлиши ҳақида фикр юритар экан, ҳаётдаги маълум ҳаракат, манзара ва ҳолатни ёрқин ифодалайдиган сўзларни топиш ва уни асар ғояси, образ руҳи ва мантқиғига мослаб ишлатиш ёзувчининг маҳорати экан-

лигини қайд қилади⁴⁵. Б.Йўлдошев бадиий асарда тил воситаларининг уч муносабат бирлиги асосида намоён бўлишини қуйидагича изоҳлайди:

- а) воқеликдаги предмет ва ҳодисаларга муносабат;
- б) сўзловчининг, инсоннинг ўз орзу-интилишлари, ҳис-туйғулари, фикрларига муносабат;
- в) муайян предмет, воқеа-ҳодисани номлаш, кўрсатиш ва эстетик баҳолаш хусусиятига эгалик⁴⁶. Кўринадики, бадиий матнда қўлланиладиган сўзнинг нутқий вазифалари кўп бўлганидек, маъно ифодалаш имкониятлари ҳам кенг. Сўздаги бу имкониятлар маъно ифодалашда, образ яратишда намоён бўлар экан, бу ҳолат нутқдаги бошқа сўзлар таъсирида бўлади. Шумаънода Мурод Муҳаммад Дўст услубини белгиловчи бирига яқин маъноли сўзларнинг кўп қўлланилишини ёзувчининг мақсади, ғоясини юзага чиқаришнинг бир усули сифатида баҳолаш мумкин. Бу услуб ёзувчи учун ўзига хос бир бадиий оҳангни вужудга келтиради ва матннинг бадиий-эстетик моҳияти кучаяди. Масъулан, ... тепасида ёввойи одам турганмиш, маймунсифат, мўйдору бўйдор ҳайбатли ва ҳоказо ("Лолазор"). Матнда қўлланилган мўйдор, бўйдор, ҳайбатли сўзлари кўп изоҳлаш асосида кейинги сўзлар қўлланилиб, нутқнинг оҳангдорлигини таъминлаган, ҳолатнинг ифодачиси, сифатловчиси таъминлаган, образлиликни вужудга келтириб, нутқий таъсирчанлик кучайтирилган. Шунга кўра, ушбу сўз қўлланишини нутқ моҳиятига мос сўз танланиши, ёзувчининг сўздан фойдаланиш маҳорати сифатида баҳолаш лозим бўлади. Қуйидаги гапда ҳам ёзувчининг матннинг мазмунига мос ҳолда

⁴⁵ Кўчкортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – Б. 27.

⁴⁶ Йўлдошев Б. Бадиий асар тили ва услубини ўрганиш. Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. – Самарқанд, 1980. – Б. 49-50.

сўз танлаганини кузатиш мумкин. Кўринган одамларнинг барчаси осойиш, юзларида ҳадик йўқ, ариқнинг шовқини демасанг, ҳамма ёқ осуда, тинч, ғулусиз ("Лолазор"). Осуда, тинч, ғулусиз сўзлари осойишталикни изоҳлайди, шунинг учун одамларнинг юзларида ҳадик йўқ. Ушбу гапда ҳам сўзнинг нутқдаги бошқа сўзлар билан маъно ифодалаш жараёнидаги мутаносиблиги ўз ифодасини топган. Сўз қўллашдаги бу усул ёзувчининг фикр ифодалаш жараёнида муҳим ҳисобланган нарсага урғу бериш, фикрни жалб этиш мақсадида қўлланилганлиги кузатилади. Масалан, "Қўш йўриқли оила – оила эмас, дарз кетиб, чегаланган бир идиш, чегаларки, бошпана, рўзгор, даромад, харажат, фарзандларнинг ташвиши" ("Истеъфо"). Қўш йўриқли оиланинг чегаланган идишга қиёсланиши бадиий тафаккурнинг намунаси, ижодкор оилани бошқаришда белгиланган, тайин йўриғи (йўли) бўлмаган оилага нисбатан қўш йўриқли бирикмасини қўллаш ва бундай оилани дарз кетиб чегаланган идишга қиёслади. Бу чегалар: бошпана, рўзгор, даромад, харажат ва фарзандлар ташвиши, яъни инсон ҳаётининг ажралмас қисми. Ушбу кучли мантиққа эга бўлган фикрнинг моҳиятини тўла намоён қилиш учун ёзувчи маъно жиҳатдан бир-бирини тўлдирувчи сўзларни кетма-кет қўллаб, жозибадор ва таъсирчан фикр ифодалаган. Профессор М.Йўлдошев бадиий матннинг бадиий-эстетик бутунлик сифатида мураккаб ва серқатлам ҳодиса эканлигини изоҳлар экан, шундай ёзади: "Бадиий асарда мутлақо ўзига хос, гоҳ очик, гоҳ яширин, турли ишоралар, таг маънолар, коса тагида нимкосалар билан шамойил топган мазмуннинг маъносини тўғри англаш маънавий-маданий, ақлий-ҳиссий ва лисоний-эстетик фаолият натижасида мумкин бўлади"⁴⁷. Бу билан олим бадиий матнни идрок этишининг мураккаблигини, унда учрайдиган тил воси-

⁴⁷ Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент, 2008. – Б. 27.

талари маъноларининг очик ва яширин тарзда намоён бўлишини назарда тутлади. Чунки бадиий асарларда тил воситаларининг турли-туманлиги, кўчма маъноли ва кўп маъноли сўзларнинг қўлланилиши, синоним сўзлар асосида нозик маъно ифодаланиш ҳолатлари матннинг мазмуни кўпгина ҳолларда ботиний ҳолда бўлишини тақозо этади. Бу ҳолат матн мазмунини тўғри тушинишга ва унда қўлланилган сўз маъноларини тўлиқ англашга тўсқинлик қилади. Ёзувчи Мурад Муҳаммад Дўст асарлари тили умумхалқ тилига яқин бўлганлиги боис, унда ҳам тағ маъноли ифодалар мавжуд бўлса-да, соддалик, зоҳирийлик аломатлари сезилиб туради ва матнни тушуниш, ундаги фикрларнинг тил воситаларига алоҳида эътибор билан ёндашгани, сўзларнинг умумхалқ тилида мавжуд маъноларини қўлланилиши билан белгиланади. Ана шундай оддий сўзлар ёрдамида жозибадор фикрлар ифодаланиши эса ёзувчи маҳоратининг намунасидир. Бирдан *вуджудни қаҳр қамради. Лекин бу туйғуда куч йўқ эди, оқиб эди, ғариб эди, бенаво. Юраги ёмон бўлди.* ("Лолазор") ҳам шу ҳолни кўриш мумкин. Бу сўзларнинг кетма-кет қўлланилиши ҳам мавжуд ҳолатга диққатни жалб этиш, уни таъкидлаш мақсадидан келиб чиққан.

Умуман, ёзувчининг сўз танлаш ва уни қўллашда ўзига хос услуби мавжуд. Мазкур тадқиқотнинг барча қисмларида ёзувчининг сўз қўллаши ҳақида фикр юритилса-да, янги сўз ясалиши, умумий маънодошлик хусусиятига эга бўлган сўзларни кетма-кет ишлатиш асосида фикрнинг бадиий-эстетик моҳиятини кучайтириш ёзувчининг сўз қўллашдаги ўзига хос жиҳати эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

МУРОД МУҲАММАД ДЎСТ АСАРЛАРИДА СЎЗ ЁЗУВЧИ ИНДИВИДУАЛЛИГИНИ ТАЪМИНЛОВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

М.М.Дўст асарларида индивидуал нутқни
ифодаловчи воситалар

Тилшуносликда бадиий асар тилини тарихий-этимологик қатламларга, тилнинг ажратиш асосида ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кам учрайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор: Биринчидан, бадиий асар учун тилнинг луғавий қатламини таҳлил қилиш характеридаги тадқиқотлар аҳамиятли эмас.

Иккинчидан, бадиий асарда қўлланивчи сўз унинг қайси манбага тегишли эканлиги билан эмас, балки нутқ жараёнида бажарадиган вазифаси билан белгиланади. Шу боис ижодкорнинг сўздан фойдаланиш маҳоратини белгилашда, унинг қайси тиллардан сўз қўллаши эмас, балки уларни қай тарзда ўринли ишлатиши муҳим роль ўйнайди. Проф. А.И.Ефимов бадиий асар тилининг луғавий жиҳатдан бойлигини қуйидагича изоҳлайди ва уларни қуйидаги лексик гуруҳларга ажратиш мумкинлигини қайд қилади: а) публицистик лексика; б) бадиий-поэтик лексика; касбу хунарга оид ва техник терминлар; расмий ишга оид сўзлар⁴⁸.

Кўринадикки, бадиий асар тили луғавий жиҳатдан ранг-баранг, шу боисдан ҳам тилшуносликда асар тилини ўрганишнинг турли усуллари мавжуд. Жумладан, акад. В.Виноградов бадиий асарнинг луғавий хусусиятларини ўрганишда сўзларнинг нутқ жараёнида бажарадиган вазифасидан келиб чиққан ҳолда ёндашиш лозимлигини таъкидлаган⁴⁹. Бу типдаги таҳлилнинг бадиий

⁴⁸ Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. – М.: 1961. – С. 206.

⁴⁹ Виноградов В. О языке художественной литературы. – М., 1959. – С. 7.

асар тилини текширувчилар учун ўта муҳимлиги барча тадқиқотларда эътироф этиб ўтилади. Бироқ бадий асар тилини фақат услубий нуқтаи назардан таҳлил қилиш асардаги услубий вазифа бажармайдиган, бироқ бадийликни таъминловчи бошқа луғавий воситаларнинг ўрганилишини чеклаб қўяди. Шунга кўра, бадий асар тилини ўрганишда ундаги барча лингвистик воситаларнинг назарда тутган ҳолда қўлланилаётган тил воситасининг вазифасидан келиб чиқилган ҳолда ёндашилса, бадий асар тилининг бутун хусусиятларини очиб бериш эришилади. М.М.Дўст асарларининг тилини ўрганишда ҳам шу нуқтаи назардан ёндашилди ва ёзувчи асарларининг ўзига хос хусусиятларини намоён этиши таҳлил қилинди.

Маълумки, сўз нутқнинг, шунингдек, бадий асарнинг асосини ифода этувчи муҳим воситадир. Бинобарин, ёзувчилар сўзлардан фойдаланиш орқали образлар яратади, табиат манзараларини, қаҳрамонларнинг уларнинг ички хис-туйғуларини, кечинмаларини сўзлар ёрдамида ифода этади. Шундай экан, бадий асар учун энг муҳим қурол сўз ва ундан фойдаланиш ҳисобланади. Шунга кўра, ёзувчининг маҳорати ҳам асосан тилдан фойдаланиши билан белгиланади. Зеро, асарнинг бадий жиҳатдан бўёқдорлиги, таъсирчан, образлилиги тил воситаларидан маҳорат билан фойдаланиш асосида юзага келади.

Бадий асарда ҳаёт тарзи ифода этилади. Ҳаёт тарзи эса ҳар хил. Ҳаётда турли-туман, характер-хусусияти билан бир-бирга мутлақо ўхшамайдиган турли жойларда яшовчи одамлар мавжуд, улар бадий асарга олиб кирилади ва тасвирланади. Бу жараённинг ўта мураккаблиги шундаки, улар танланади, муштарак хусусиятлари асосида умумлаштирилади ва бадий асарга олиб кирилади. Бу ёзувчидан катта маҳоратни талаб қилади ва шундай ҳолатларда бадий асарда индиви-

дуал нутқ яратилади. Мурод Муҳаммад Дўст асарлари ана шундай индивидуал нутқ асосида қурилган бўлиб, ҳар бир қаҳрамоннинг ўзига хос нутқи вужудга келтирилган.

Масалан, асар қаҳрамонларидан бири Ҳотам Шўро қишлоқ шўросининг раиси, тараққиёт учун, янгиликнинг яратилиши учун бор кучини сарф қилган одам. У фақат тараққиёт учун жон куйдиради: Ҳотам Шўродаги бу хусусиятларни ифодалаш учун ёзувчи қуйидаги сўзлардан фойдаланади, халқпарвар, ватанпарвар, лекин дангал, қишлоқи муомалага одатланган, ўзига хос шахс. Шунинг учун ёзувчи Ҳотам Шўрони тасвирлашда унга эҳтиром билан ёндашади ва унга хос барча хусусиятларни ўз нутқи, сўзлари орқали баён этади: *Ҳотам Шўро бригадирларнинг ҳориган юзларига бир зум қараб турди, уларнинг ҳам бояги икки бўз йиғитга ўхшаб узоқ шаҳару яқин келажак сари олға кетмаганларига ачинди, недир яхши гаплар айтмоқчи, юпанчи бўлмоқчи бўлди-ю, лекин оғзидан бутунлай бошқа сўзлар чиқиб кетганини пайқамай қолди.* ("Лозор") Бу ифода орқали ёзувчи асар қаҳрамонларидан бири Ҳотам Шўрога хайрихоҳлигини ифодалаган. Ушбу жумладаги ачинмоқ, яхши гаплар, юпанчи бермоқ каби сўз ва сўз бирикмаларининг қўлланилиши асар қаҳрамонининг аслида яхши инсонлигидан далолат беради.

Матндаги яқин келажак сари олға кетмаганларига ачиниш жумласи характерли. Айнан шу ачиниш ҳолати Ҳотам Шўронинг кўнглидан ўтган фикрларини эмас, бошқа фикрларни тилига чиқариш учун сабаб бўлади. Чунки у истардики, ана шу ҳорғин кишилар ҳам ўз ҳаётининг, турмуш тарзининг яхшиланишига интилса, ўқиш учун шаҳарга кетган йиғитларга ўхшаб келажак учун интилса. Уларда шундай хоҳишларнинг йўқлигини сезган раиснинг кўнглидаги гаплар қолиб кетиб, тилига бошқа сўзлар келади:

- Раисни касал деб ўйлаб, ҳамманг қутуриб кетдинг!

Кўш ҳўкиз овора-ю, бир ботмон ер ҳайдамайсан! Тинининг бутига тиқилиб ётгунча, мундоқ далага дала туғиб бермаса, хотининг туққани ошдан ўлаётди номардлар! Норма қани? Нормани қаерингга тиқди? Норматбой? Сен-чи, энағар Эшмат, иштонбоғдай эшилиб ётгунча, далага сал эртароқ чиқмайсанми? Хамидов хаммангни энангни кўрсатаман ("Лолазор").

Хотам Шўро нутки берилган ушбу матн ҳақида сўзларидангина иборат. Унда қутириб кетмоқ, хотининг бутига тиқилмоқ, номардлар, нормани қаерингга тиқдинг, энағар, иштонбоғдай эшилиб ётмоқ, кўш вулгар сўз ва сўз бирикмалари қўлланилган. Матннинг дўқ-пўписа характеридаги мазмундан ташкил топган ушбу матн оддий сўзлашув нутки воситалари асосида қурилган. Ундаги сўзлар эмоционал-бўёққа эга бўлиб, матнининг бадий таъсирчанлигини таъминлаган. Бир қарашда ўта кўпол туюладиган ушбу жумлалар орқали кишига унчалик қаттиқ тегмайдиган, ҳаттоки тилини ловчини хафа ҳам қилмайдиган фикр ифода этилган. Бу ёзувчининг қахрамонларни танлашдаги, умумҳалқ сўзига хос тилини яратишидаги, шунингдек, уларнинг тилидан фойдаланишдаги маҳоратининг натижасидир. Зеро, Хотам Шўро аслида "шоиртабиат одам, гапирганда ҳам уйқашроқ қилиб, баайни кўшиқни тугатмайди, жўнроқ дostonчига ўхшаб гапирарди, ҳаттоки, брiяни дирларни ҳам оҳангдор қилиб сўкарди". Хотам Шўронинг шакл жиҳатидан кўпол нутқининг одамларга ёмон таъсир этмаслигининг сабаблари шу. У урушда бир оёғидан ажралган, халқни деб, одамлар ҳаётининг яқини билан ишланганини ўйлаб яшовчи инсон, шунинг учун унинг хамма ҳатто сўкиб гапирганда ҳам эъзозлайди. "Лолазор" романи тил хусусиятларининг ўзига хослигини белгилловчи ҳолатлардан бири унда вулгар сўзларнинг кўплаб қўлланилганидир. Романдаги сассиқ така, гўрингда тўнғиз кўнур, оқпадар, садқан мўйлов, мегалин, манжалақи, эр аталмиш ҳезалақ,

лаънати шоҳ, муғуздуру ғаддор, ландовур, анойи, анқов, юмшоқ супурги, ёсуман каби кўплаб ҳақорат ифодаловчи сўзлар қўлланилиб, кишиларга бўлган муносабатни ифодалаш вазифасини бажарган. Асар тили луғавий жиҳатдан умумҳалқ сўзлашув тилига яқин. Унда мураккаб, китобий тил воситалари жуда кам учрайди. Кўринадики, ёзувчи ўз бадий фикрини ифодалашда атайин халқ тили шаклидан фойдаланишга ҳаракат қилади ва асар тилининг тушунарли бўлиши, таъсирчанлигини таъминлашда айнан халқ тилининг оддий сўзлашув шаклини танлайди. Асар баёнига хос бу ҳолатни барча қахрамонлар нутқида учратиш мумкин.

Жумладан, асар персонажларидан бири Жонузоқ карвон характерини ёрқинлаштирувчи восита сифатида унинг нутқида учрайдиган қуйидаги оддий сўзлашувга оид сўзлар ишлатилган: *бале, чатоғ экан, мажбуриятим*. Бу тил воситалари унинг ўзига хос нутқини ифода этса, романдаги яна бир персонаж Симхо нутқи орқали эса унинг қайси миллатга мансублиги ўз ифодасини топган:

– Э Саидқул ака, минбаъд шундай гапирманг-э! – деди Симхо ранжаиб. – Назар ака эшитсалар, бисёр хафа мешад! – Аввал кўшилганлар, кейин баъдаз айро тушганлар! Лекин афторитётлари қолган! ("Лолазор")

Симхо нутқида келтирилган гапирманг-э, бисёр хафа мешад, баъдаз, афторитёт каби сўзлар асар тилининг жуда соддалигидан, уни айнан халқ тили шаклида ифодаланганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, асар тилига хос бўлган асосий хусусият тил жиҳатидан соддаликдир. Асардаги барча қахрамонлар нутқида ана шундай халқона ифодаларни, оддий сўзлашувга хос сўзларни учратиш мумкинки, ёзувчи бадий ифодада айнан шу шаклни бадий сербўёқликни таъминлаш мақсадида танлаган деб изоҳлаш мумкин. Зеро, асар қахрамонлари ҳам оддий, уларнинг айримларида ҳатто тўпорилик ҳам учрайди. Бундай хусусият асарнинг асо-

сий қахрамонлари Назар Яхшибоевда ҳам, Саидқул хам мавжудки, бу ҳолат ёзувчи ифодаси учун тилини оддий сўзлашув шаклини танланишига асос бўлади. Иккинчидан, шуни таъкидлаш лозимки, бадиий асар учун бадиий-китобий характердаги типдаги ливинг қўлланилиши асосий мезон, чунки бу типдаги ливинг вистик воситалар нутқнинг бадиий таъсирчанлигини оширувчи асосий луғавий бирликлар ҳисобланади. Бундай сўзлар, аввало, образлилиги билан ажралиб туради. Оддий сўзлашув нутқи элементлари нисбатан ҳам образлиликка бойлиги орқали бадиий бўёқдорликни таъминлашда бадиий-китобий сўзларга нисбатан ҳам кучлидир. Оддий сўзлашувга хос бўлган луғавий воситаларнинг шу хусусиятлари ёзувчи учун асосий воситабий қурол вазифасини бажарган.

Сўз қўллаш – ёзувчи бадиий маҳоратини белгиловчи муҳим омиллардан бири. Бироқ сўз қўллаш жараяни сўз ва унинг маънолари билан боғлиқ бўлган турли ҳолатларни ўз ичига қамраб олади. Зеро, сўз қўллашнинг маъно нозикликлари асос қилиб олиниши, бир тушунчани ифодаловчи бир неча сўзлардан фойдаланиб, сўзнинг образ яратиш имкониятларидан фойдаланиш, сўзларни кўчма маъноларда қўллаш каби қўплаб хусусиятлари ёзувчи кўз ўнгида бўлади ва ёзувчи ўз асарининг мазмунига мос сўз қўллаш ҳолатининг шаклланишида оддий сўзлашув нутқи элементларини устунлик қилади.

М.М. Дўст асарлари тилини лингвистик таҳлил қилишда тилшуносликда ҳозиргача бадиий адабиётнинг тил хусусиятлари тадқиқидаги анъаналарга таянилади. Шу билан бир қаторда, унинг асарларининг матний тузилишига ҳам эътибор қаратилди. Бунинг боиси М.М. Дўст асарларининг матний тузилиши, унда муаллиф ва персонаж нутқининг аралаш ҳолатда бўлиши, персонажлар нутқи бўлиб ўтган воқеалар ва тасаввур-

даги нарсаларни ўйлаш тарзида ифодаланиши айнан шу ёзувчининг ўзига хос услуби эканлигидадир. Бадиий асарни луғавий жиҳатдан ўрганишда бадиий асарда учрайдиган сўзларни таркибий нуқтаи назаридан текшириш, шунингдек, сўзларнинг нутқ жараёнида бажарилган вазифасини изоҳлаш асар тилини гавдалантиришнинг асосий омилдир. Маълумки, бадиий асарда бадиий нутқ учун хос бўлган воситалар билан бир қаторда, бадиий нутқ учун хос бўлмаган луғавий воситалар ҳам қўлланилади. Бу воситаларнинг ҳам матн жараёнидаги вазифаларини очиб бериш ушбу типдаги тадқиқотчилар олдидаги вазифалардан ҳисобланади.

Ёзувчининг асарларида синонимлар лингвопоэтикаси

Синонимлар ёзувчининг сўз қўллашдаги индивидуал хусусиятларини намоён этувчи муҳим луғавий бирликлардир. Синонимларнинг бадиий нутқ жараёнидаги ўрни тушунчани турли даражаларда ифодалаш билан белгиланади. Чунки синонимик қатордаги сўзлар тушунча белгисининг турли даража билан ифодаланиши, эмоционал бўёқдорлигига кўра ўзаро фаркланиши мумкин.⁵⁰ Бу хусусиятлар эса бадиий асарда фикрнинг ранг-баранг ифодалаш имконини беради.

Бадиий асарда ўринли қўлланилган синонимларнинг кўплиги асар тилининг бойлигидан далолат беради. Зеро, синонимлар бир хил тушунчани эмас, балки бир тушунчанинг турли даражасини ифодалаш билан бошқа сўзлардан ажралиб туради. Шу боисдан асарда синонимлар қай даражада ранг-баранг бўлса, асар тили ҳам шу даражада жозибадор бўлади. Синонимлардан тўғри фойдаланиш ёзувчига фикрни тўғри ва ифодали ёритиш имконини беради, зерикарли сўз такрорининг олдини олади.

⁵⁰ Хожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 4.

Ҳар қандай бадиий асар, аввало, синонимларга бойлиги билан характерланади. Чунки синоним сўзларнинг ҳар бирида ўзига хос маъно нозикликлари бўлиб, улар муайян вазиятда, нутқнинг йўналишига мос ҳолда қўлланилади. Шундай матнлар бўладики, унда қўлланилган сўзнинг бошқа синоними билан мутлақо алмаштириб бўлмайди, синанимларда эса янада ёркинроқ гавдаланади. Мурод Мухаммад Дўст асарларида синонимларни қўллашда алоҳида ўзига хосликни кузатиш мумкин. Ёзувчи асарларида асосан адабий тилдаги сўзнинг шевага хос синоними қўлланилган ҳолатлар кўп учрайди ва бундай қўлланишларда синонимлар нозик маъно қирраларини намоён қила олади. Масалан, “Аксинча. Гўё бўғзингизда маҳсус филтёр бордай, гўё жўнроқ сўзларни ушлаб олмайсиз” (“Лолазор”) гапидаги жўн ва содда сўзлари синонимлардир. Жўн сўзида оғзаки нутққа хос бўёқдорлик мавжуд. Жўнроқ сўзи орқали “айтиши мумкин бўлмаган сўзлар” тушунчаси ифодаланса, соддароқ сўзи орқали “ичингиздагини айтмайсиз” маъноси ифодаланган.

Аслида “содда” тушунчасини ифодаловчи бу синонимларнинг ушбу матндаги маъноси синонимик маъно эмас, поэтик маънодир.

Содда сўзининг оддий сўзлашувга хос синонимик маъно эса матнда баён этилаётган фикрни таъкидлаш мақсадида қўлланилган... “Биз туғилган замонлар ўзгача, одамлар ҳам ўзгача, Искандар замонидаги содда-лигу гўллик йўқ” (“Лолазор”) гапида эса шу сўзнинг яна бир синоними гўл сўзи қўлланилган.

Ёзувчи асарда нафақат тил учун хос бўлган синонимлардан унумли фойдаланган, балки сўзларга матний синонимларни ҳам яратган. Бундай индивидуал синонимларнинг қўлланилишида сўзнинг асл маъносидан узоқлашилмаган ҳолда кўчма маънода ишлатилиши натижасида эришилган.

Семиз сўзи предметнинг муайян белгисининг ортиқ эканлигини ифодалайди. Масалан, “Очиқ илдоо қилолмайди, қўрқади, ҳарна, семизгина ҳамёнинг бор”. (“Лолазор”) Шунга кўра, ушбу сўз кўп сўзи билан маънодошлик ҳосил қилади. Ёзувчи семиз сўзининг шу маъно нозиклигидан маҳорат билан фойдаланган ҳолда “кўп пул” маъносида семизгина (ҳамён) сўзини қўллаб, ўз индивидуал услубига хосликни таъминлаган. Бу ҳолат синонимларнинг маъно ифодалаш жараёнида алоҳида ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ва ижодкорлар ундан унумли фойдаланиши натижасида асар тилининг ранг-баранглигини таъминлаши мумкинлигини кўрсатади.

Ёзувчи “кўп пул” маъносида семиз ҳамёнга маънодош сифатида тўқ ҳамён бирикмасини қўлласа, унга зид маънони ифодалашда пуч ҳамён бирикмасини қўллайди. Натижада “пули кўп” маъносини ифодаловчи семиз ҳамён ва тўқ ҳамён маънодош бирикмалари ёзувчининг ижодкорлигидан дарак беради. Масалан, “Ҳамённи тўқроқ қилинг, керак бўп қолиши мумкин. Укангизнинг қабрига мрамартош оласиз. Ҳамёним пучроқ эди, хайриятки, хотин-невараларнинг кийим-сольди”. (“Лолазор”) Семиз, тўқ ва пуч сўзлари мазкур матнларда одатда ифодалайдиган денотатив маъносидан узилганини кузатиш мумкин. Бу сўзлар маъносидоги нарса-ҳодисалардаги мавжуд белгининг кўплиги, ортиқлиги, камлигини ифодалаш семасининг мавжудлиги уни ёзувчи томонидан “кўп ёки оз пул” маъносида қўллаш учун асос бўлган. Семиз сўзининг асосан боқилган уй хайвонларига нисбатан ишлатилиши ва унинг гавданинг тўлалагига нисбатланиши билан, кўп пул солиб қўйилган ҳамённинг кўриниши ўртасидаги боғлиқлик ушбу қўлланишда бадиий ифода мавжудлигини кўрсатади. Ёки тўқ ва пуч сўзларининг донга нисбатан ҳажман тўла ва кичик эканлиги билан ҳам тўқ ва

Ҳар қандай бадий асар, аввало, синонимларга бойлиги билан характерланади. Чунки синоним сўзларнинг ҳар бирида ўзига хос маъно нозикликлари бўлиб, улар муайян вазиятда, нутқнинг йўналишига мос ҳолда қўлланилади. Шундай матнлар бўладики, унда қўлланилган сўзнинг бошқа синоними билан мутлақо алмаштириб бўлмайди. Бу ҳолат сўзларга хос умумий хусусиятлардан бўлиб, синонимларда эса янада ёрқинроқ гавдаланади. Мурод Муҳаммад Дўст асарларида синонимларни қўллашда алоҳида ўзига хосликни кузатиш мумкин. Ёзувчи асарларида асосан адабий тилдаги сўзнинг шевага хос синоними қўлланилган ҳолатлар кўп учрайди ва бундай қўлланишларда синонимлар нозик маъно қирраларини намоён қила олади. Масалан, “Аксинча. Гўё бўғзингизда махсус филтр бордай, гўё жўнроқ сўзларни ушлаб қолади. Шалдиروқлари ўтиб кетаверади. Соддароқ гапира олмай-сиз” (“Лолазор”) гапидаги жўн ва содда сўзлари синонимлардир. Жўн сўзида оғзаки нутққа хос бўёқдорлик мавжуд. Жўнроқ сўзи орқали “айтиш мумкин бўлмаган сўзлар” тушунчаси ифодаланса, соддароқ сўзи орқали “ичингиздагини айтмайсиз” маъноси ифодаловчи бу синонимларнинг ушбу матндаги маъноси синонимик маъно эмас, поэтик маънодир.

Содда сўзининг оддий сўзлашувга хос синоними жўн сўзи эса матнда баён этилаётган фикрни таъкидлаш мақсадида қўлланилган... “Биз туғилган замонлар ўзгача, одамлар ҳам ўзгача, Искандар замонидаги соддалигу гўллик йўқ” (“Лолазор”) гапида эса шу сўзнинг яна бир синоними гўл сўзи қўлланилган.

Ёзувчи асарда нафақат тил учун хос бўлган синонимлардан унумли фойдаланган, балки сўзларга матний синонимларнинг қўлланилишида сўзнинг асл маъносидан узоклашилмаган ҳолда кўчма маънода ишлатилиши натижасида эришилган.

Семиз сўзи предметнинг муайян белгисининг ортиқ эканлигини ифодалайди. Масалан, “Очиқ илдоа қилолмайд, қўрқад, ҳарна, семизгина ҳамёнинг бор”. (“Лолазор”) Шунга кўра, ушбу сўз кўп сўзи билан маънодошлик ҳосил қилади. Ёзувчи семиз сўзининг шу маъно нозиклигидан маҳорат билан фойдаланган ҳолда “кўп пул” маъносида **семизгина (ҳамён)** сўзини қўллаб, ўз индивидуал услубига хосликни таъминлаган. Бу ҳолат синонимларнинг маъно ифодалаш жараёнида алоҳида ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини ва ижодкорлар ундан унумли фойдаланиши натижасида асар тилининг ранг-баранглигини таъминлаши мумкинлигини кўрсатади.

Ёзувчи “кўп пул” маъносида семиз ҳамёнга маънодош сифатида **тўқ ҳамён бирикмасини** қўлласа, унга зид маънони ифодалашда **пуч ҳамён бирикмасини** қўллайди. Натижада “пули кўп” маъносини ифода этувчи **семиз ҳамён** ва **тўқ ҳамён** маънодош бирикмалари ёзувчининг ижодкорлигидан дарак беради. Масалан, “Ҳамёни тўқроқ қилинг, керак бўп қолиши мумкин. Укангизнинг қабрига мрамартош оласиз. Ҳамёним пучроқ эди, хайриятки, хотин-невараларнинг кийимийимига деб қўйгани бор экан, ўшани ҳам чўнтагимга солди”. (“Лолазор”) Семиз, тўқ ва пуч сўзлари мазкур матнларда одатда ифодалайдиган денотатив маъносидан узилганини кузатиш мумкин. Бу сўзлар маъносидоги нарса-ҳодисалардаги мавжуд белгининг мавжудлиги, камлигини ифодалаш семасининг мавжудлиги уни ёзувчи томонидан “кўп ёки оз пул” маъносида қўллаш учун асос бўлган. Семиз сўзининг асосан боқилган уй хайвонларига нисбатан ишлатилиши ва унинг гавданинг тўлалагига нисбатланиши билан, кўп пул солиб қўйилган ҳамёнинг кўриниши ўртасидаги боғлиқлик ушбу қўлланишда бадий ифода мавжудлигини кўрсатади. Ёки **тўқ** ва **пуч** сўзларининг донга нисбатан ҳажман тўла ва кичик эканлиги билан ҳам тўқ ва

лиги, айёр умумнуткийлиги, доғули архаик-китобий нутққа хослиги билан фаркланади. Гарчанд бу сўзлар ёрдамида бир маъно “айёрлик” ифодаланган бўлса-да, бир хар сўз ўзига хос қўшимча маъно бўёғига эга. Бир нобарин, айёр сўзи салбий бўёққа эга бўлиб, шу маънони ифодаловчи қувлиги сўзида салбий бўёқ кучсизланганини, доғули сўзи эса ижобий маънода қўлланилган бўлиб, “эркалатиш” маъноси мавжудлигини кузатиш мумкин.

Синонимлардан маҳорат билан фойдаланиш синонимларнинг бадиий матнларда муҳим вазифа бажариб, нутқий ранг-барангликни таъминловчи воситага айланишини таъминлайди. Синонимлар нутқнинг бойлиги бўлиб, бир тушунчанинг турли даражасини ифодалаш билан характерланади. Синонимлар қаторидаги сўзлар ифодаладиган тушунча бадиий маънонинг шаклланиши учун замин яратади. Масалан, “Яхшибоевнинг гапини рад этолмадим. Қолаверса, ёмон бир қусурим бор, боғимни кўрсатиб мақтангим келади”, (“Лолазор”) гапида қўлланилган қусур сўзи айб, камчилик сўзлари билан умумий маънодошлик ҳосил қилади. Айб сўзида белгиланган қонун-қоидаларга қарши ҳаракат маъноси, камчилик сўзида эса белгиланган қонун-қоидаларга амал қилишнинг паст даражада эканлиги ифодаланади.

Кўринадики, ҳар иккала сўз маъносида ҳам салбий бўёқдорлик кучли. Шунинг учун ёзувчи унчалик айб ҳисобланмайдиган (яъни боғни кўрсатиб мақтаниш) одатини ифодалаш учун юқоридаги сўзларга нисбатан қўллайди. Чунки ҳар бир синоним сўз ифодасида нобаранга маъно билан биргаликда услубий бўёқдорлик ҳам мавжуд бўлади. Синоним сўзлардаги маънони ноликларининг мавжудлиги бадиий маънони шакллантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Зеро, қусур синоними орқали ифодаланган бадиий маъно сўзловчининг айбсизлигини ифодалаш орқали унинг муайян одат эгаси эканлигини кўрсатишидир.

Синонимлар маъно ифодалаш билан биргаликда матнда услубий восита вазифасини ҳам бажаради. Масалан, “Э, парво қилманг, деган қабилда сўз қотди, мен ўзим ҳам асалу бол эмасман, юмшоқ сунурги бўлишдан худо асрасин”, (“Лолазор”) гапидаги гапирди сўзининг сўз қотди синоними бадиий бўёқдорлиги билан фарқланиб, матнга бадиий руҳ берган бўлса, асал, бол синоним сўзларининг бир ўринда қўлланилиши фикрий таъкидни кучайтириш вазифасини бажарган.

Синонимлар нутқда бошқа сўзларга нисбатан кўп қўлланиладиган ва хилма-хил услубий имкониятларни вужудга келтирадиган луғавий воситалардир. Шунинг учун ҳам бадиий матнларда у ёки бу сўзнинг адабий бўлмаган синонимлари кўплаб учраб, турли услубий вазифаларни бажарганлигини кузатиш мумкин: “Мен таҳдид қилади, деб чўчиб турсам, булар менга дўстлик илкени чўзмоқда экан. Хурсанд бўлдим. Ўзимдан носир чиқаршига гумоним мўл эди...” (“Лолазор”) Ушбу гапда дўк сўзининг таҳдид, қўл сўзининг илки, ёзувчи сўзининг носир, кўп сўзининг мўл синонимлари қўлланилган. Бу сўзларнинг қўлланилиши сўзловчининг ўзига хос нутқини ифодалаш билан биргаликда, бадиий матннинг тантанаворлигини ҳам таъминлаган.

Синонимик қатордаги сўзлардан бирининг нутқнинг маълум турига хослиги синонимларга хос муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Мурод Муҳаммад Дўст асарларини кузатиш шуни кўрсатадики, унинг ижодида синонимларнинг оғзаки нутққа хос бўлган кўринишлари кўп қўлланилади ва муайян жойга хосликни, персонажларнинг индивидуал нутқини яратиш вазифасини бажаради.

– Майнанг бут, – деб мақтади Яхшибоев. – Ҳали сен зўр олим-полим бўп кетасан-ов. (“Лолазор”) Ушбу гап услубий жиҳатдан оддий сўзлашув нутқининг типик кўриниши. У эндигина қишлоқдан чиққан ўқимаган ўспириннинг гапи. Шу боисдан ёзувчи ўқимаган

қишлоқ ўспирини нуткида мцянг (бош) сўзининг оддий сўзлашувга хос майнанг синонимини, бутун сўзининг кискарган бут, бўлиб сўзининг бун вариантларини қўллайди ва унинг ўзига хос нутқини кўрсатиш билан бирга матида матний соддаликни ҳам таъминлайди.

Бадий матнларда сўз қўлланилиши бадий матннинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади. Бадий матннинг асосий вазифаси таъсирчанлик экан, албатта, унда таъсирчанликни уюштирувчи, бадий услубнинг лугавий ўзига хослигини таъминловчи воситалар кўп қўлланилади. Синонимлар доирасида эса синонимларнинг китобий нутқ учун хосланган бадий бўёқдор шакллари ана шундай нутқий табақаланганлиги билан ажралиб туради. Шунинг учун ёзувчи асарларида синоним сўзлардан баён қилмоқ, изҳор этмоқ (айтмоқ), ёрқин (аниқ), муфассал (тўла), адо этмоқ (бажармоқ), бахш этмоқ (бағишламоқ), баркамол (етук), мунаввар, чароғон, порлоқ (ёруғ) кўп қўлланилиб, бадий бўёқдорликни уюштирганлигини кузатиш мумкин. Зеро, бадий нутқда ҳар бир сўз ёзувчининг сўз қўллаш маҳоратини билан боғлиқ равишда бадийлик воситасига айланади. Бу ҳолат бир синонимик қатордаги сўзларнинг муайян матнда бир ўринда қўлланилишида янада ёрқинроқ кўринади. Яхшибоев зўр иштаҳа билан еди. Ошно одамдагидай чимхўрлик қилди. Қувончга тўйиб қолган эканми, икки-уч чимдиган бўлди-ю, сўнг четланиб, Яхшибоев овқатни наққос тушириб, тағидаги ёғини ҳам бармоқлари билан сидириб, нон суртиб тозалаб бўлди-да, секин дўстига гап қотди. ("Лолазор") Ушбу гапда "емоқ" тушунчасини ифодаловчи еди, чимдиган бўлди, тамадди қилиб, наққос туширмоқ, тозалаб бўлмоқ каби синонимлари қўлланилган. Ушбу синоним сўзларнинг таъсирчанлиги натижасида, аввало, матнда зерикарлик таъсирининг олди олинган. Шунинг-

дек, ҳар бир сўз ўзига хос маъно ва услубий бўёқдорлик касб этган.

Жумладан, чимдимок сўзи орқали "емоқ" тушунчасининг нормадагидан пастлик даражаси ифодаланган бўлса, тамадди қилиш сўзи орқали ижобий муносабат ифодалаган, наққос туширмоқ "овқатни қолдирмай емоқ" маъносини ифодалаган. Шу сўзга синоним сифатида тозалаб бўлмоқ сўзи ҳам ишлатилган. Бу сўзда ҳам "овқатни батамом емоқ" тушунчаси мавжуд бўлиб, ушбу маъно шу матнгагина хосдир. Бошқа матнда тозалаб бўлмоқ ушбу сўзларга синоним бўлмаслиги мумкин. Шунга кўра, ушбу сўз емоқ синонимик қатори билан матний маънодошдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бадий матннинг образли-бадийлигини уюштирувчи воситалар жуда кўп. Маълумки, бадий адабиёт тилининг сўз имкониятлари чексиз. Унда умумтил лексик қатламларининг барча кўринишлари учун хос бўлган сўзлар унумли қўлланилганидек, бадий образ хос бўлган жараёнида ҳам барча нутқ услублари учун хос бўлган сўзлардан кенг доирада фойдаланиш мумкин. Бадий адабиётда сўз ўз ва кўчма маъноларида кенг қўламда қўлланилганидек, синонимлар сўз вариантларининг қўлланилишида, турли сўз формалари ва ибораларнинг ишлатилишида ҳам бадий асар тилига хос бўлган умумий ҳолатни кузатиш мумкин. Сўзлар бадий адабиёт тилидагидек кенг ва эркин қўлланилиб, услубий функция бажарса, тил воситаларининг бу даражада эркин қўлланилиши ҳам бадий адабиёт учун хос бўлган муҳим хусусиятлардандир. Зеро, бир қатор сўзларнинг вужудга келиши бевосита бадий матн қаторининг бойлиб, улар тилда маънодош сўзлар қаторининг бойлишига олиб келади. Мурод Муҳаммад Дўст асарларида кўп қўлланилган юзланди сўзи шундай сўзлардан ҳисобланади. Аслида "қарамок" маъносини ифодаловчи юзланмоқ сўзи ёзувчи асарларида шунчаки "қараш"

маъносида эмас, балки юзнинг юзга тушиши маъносида қўлланилганини кўриш мумкин. Шу маънода бу сўз ёзувчи асарларида “қараш” тушунчасининг ўзига хос маъно нозикликда ифодаланиши, янги маъно ҳосил бўлишидир. “*Кейин Ҳалим деганимиз сени буткул унутиб, машинада ўтирган кўйи пинакка кетганида, Ошино менга юзландики, мен сал каттароқ гапириб қўйдим, ўртоқ Яхшибоев, энди, бу ёғига уялтириб қўймасиз. (“Лолазор”) Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, болам!* – дейди Муҳсина хоним Оллаёрга юзланиб”, (“Лолазор”) гапларида қўлланилган юзланиб сўзи юзга қараш маъносини ифодалаган. Қараш сўзида эса бу маъно умумий ҳолдаги ифодасига эга.

– Пул берганда одамнинг кўзига қараш керак, – деди чол. – Сен қарамабсан-да? (“Галатепага қайтиш”). Ёки ушбу тушунчани ифодалашда келтирилган сўзларга маънодош сифатида қўлланиладиган боқмоқ сўзида ҳам шу маъно умумий тарзда ифодаланади. Бу яна сарғайган қирларга боқди, кичик воҳа тубида ҳансираб ётган қишлоққа боқди, лекин кўнглида азалги андуҳни туймади. (“Лолазор”) Сўзнинг матнда қандай маъно ифодалаши ижодкор идроки билан, сўз қўллашдаги ўрни билан боғлиқ. Келтирилган маънодош сўзлар кин. Масалан, “*Ҳазил гап эмас, кимсан Раим оқсоқолнинг одам, азасида низо қилиб ўтириш яхшимас*”, (“Галатепага қайтиш”) гапида эса қаратган сўзи асл маъносида эмас, кўчма маънода “*халқ ўртасида сўзи ўтганлик*” тушунчасини ифодалаган ҳолда қўлланилган.

Синонимлар сўз маъносида ланиши ёки бирор таниши ифодалаган ҳолда, рақиб таниши, рақиб таниши маъно

нарсаларини жойлаб бўлди чоғи, бу тарафга мўралади”, (“Лолазор”) гапида бу сўз “*сездирмасдан қараш*”, “*яширин қараш*” маъносини ифодалаган.

Нутқда қўлланилган маънодош сўзлар бир хил маънони ифодалаб, эмоционал-бўёқдорлик жиҳатидан фарқланмаса, маънони янги шаклларда ифодалаш вазифасини бажаради ва шаклий жиҳатдан нутқнинг ранг-баранглигини таъминлайди. Бундай сўз қўлланиши айни бир сўзни такрорламаслик, зерикарли, сийқа нутқ тузишдан сақлайди.

– Фикр тарзинг жўнроқ, Тошўлат, – деди Самад. – Соддароқ фикрлайсан, ўртоқ, – (“Галатепага қайтиш”) гапидаги жўн ва содда сўзлари бир хил маънони бир хил даражада ифодалайди. Сўзларнинг бири оддий сўзлашувга, иккинчиси эса адабий тилга хослиги, матнда ўз ўрнида қўлланилганлиги нутқий оҳангдорликни, жозибаторликни вужудга келтирган, матнда бу сўзларнинг ўрни алмаштирилиши ифода мазмунига таъсир қилмаса-да, оҳанг йўқолишига олиб келади.

Мурод Муҳаммад Дўст маънодош сўзлардан фойдаланишда ёки бирор сўзни бошқа бир сўзга маънодош сифатида қўллашда нутқнинг равонлиги, жозибаторлигининг таъминланишини ҳам назардан соқит қилмайди. “*Гапирмоқ*” маъносидаги сўзланди сўзининг қўлланилиши шу жиҳатдан характерли.

Муҳсина хоним сергакланди, эрига андак ҳайрат билан боқди, илжайди, сўнг гўё ҳеч нарса бўлмагандай, гўё эшикка чиқиб, кўчада кўриб келганларини гапирётгандай, жўнгина сўзланди:

– Ёшлик экан-да, эштиқод борасида ҳеч кимни аяб ўтирмасдик. Ушбу матн маънодош сўзлар танланиши-ни намоён қилувчи матндир. Унда учрайдиган андак, ёдлари тилда ўз маънодошлари жиҳатидан маъно

бузилишига олиб келади. Бу ҳол ушбу сўзлар ўз ўрнида қўлланилган, шу нутқ учун мос сўзлар эканлигини кўрсатади. "Тапирмоқ" маъносидаги сўзланди сўзи қўлланилишида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Бу сўз ўрнида деди сўзи қўлланилиши ҳам мумкин. Ёзувчи атайин сўзланди сўзини ишлатади. Чунки бу сўз деди сўзидан фарқли равишда тугалланмаган фикрни ифодалаши билан фарқланади, деди сўзи асосан тугалланган фикрни ифодалашда қўлланилади. Сўзланди сўзи орқали ёзувчи ҳали айтилмаган, айтилиши лозим бўлган фикр ифодаланишини назарда тутаяди. Шу жихатдан ушбу сўзни ҳам маъно ифодасига кўра янги сўз дейиш жоиздир. Ушбу сўзга маънодош сифатида қўлланиладиган сўзлади сўзида эса бўлиб ўтган бирор воқеа, ҳодиса ҳақида хабар бериш маъноси мавжудлиги ҳар иккаласини алоҳида, мустақил сўзлар эканлигини кўрсатади.

Ёзувчи нутқда муайян сўзнинг бирор маънодошини қўллашда унинг матнга мос тушишига, матннинг эмоционал-бўёқдорлигига таъсир этишига алоҳида эътибор қаратади. Масалан, "Умуман хотин зотининг бемаъни юмушлари кўп, улар айни юмушларни азбаройи ихлос ёки эҳтиёж туфайли эмас, балки эркакларнинг ландаурликларини таъкидлаш учунгина бажарадилар", ("Лолазор") гапидаги юмуш сўзи иш сўзининг синоними бўлиб, "Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати"да бу сўзга қуйидагича изоҳ берилган. "Юмушлар асосан жонли сўзлашувда ва катта ёшдаги кишилар тилида қўлланади, шунда ҳам асосан шахсий иш ва уй ишларига нисбатан қўлланади"⁵¹. Иш ва юмуш сўзларининг маъно жихатидан фарқи кенг ва тор тушунчаларни ифодалаш, юмуш сўзида "майда-чуйда, арзимас ишлар" маъноси мавжудлигидир. Ёзувчи ифо-

⁵¹ Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. - Ташкент, 1974. - Б. 111.

да этмоқчи бўлган матнда худди шундай ишлар ҳақида фикр юритилаётганлиги учун юмуш сўзи ишлатилган. Ифода этилмоқчи бўлган фикрни аниқ ифода этганлигига кўра бу сўз ҳам ушбу нутқ учун мос ва лингвопоэтик қимматга эга.

Ёзувчи муайян нутқ жараёнида маънодош сўзлардан фойдаланганда мазмун жихатдан мосликка ҳам алоҳида эътибор беради. Масалан, "Сезаманки, бу юрт жуда кенг, бу юртнинг водийлари жуда кўп, водийларини ўраган тоғлари ҳам, тоғлари бағрида қорайиб кўринадиган қишлоқлари ҳам беҳисоб", ("Лолазор") гапида келтирилган кўп ва беҳисоб сўзлари маънодош беҳисоб сўзида белги ортик, қишлоқлар беҳисоб бўлган жойда водийлар, тоғлар ҳам беҳисоб, бу тушунчани кўп сўзи орқали ифодалаш торлик қилади, шунинг учун бу сўз олдидан жуда сўзини қўллаб, сўзларни мазмун жихатдан бир-бирига яқинлаштириб, нутққа фикрий мутаносибликни таъминлайди.

Мурод Муҳаммад Дўст сўзларнинг кўпмаънолилигидан унумли фойдаланган ҳолда синонимик муносабатларни ҳосил қилади. Чунончи, сийрак сўзи ғалла экинининг униб чиқишига нисбатан, "камлик" тушунчасини ифодаловчи сўз. Ёзувчи шу маъно нозиклигидан фойдаланган ҳолда бу сўзни кам сўзига синоним сифатида қўллаб фикрий ифоданинг таъсирчанлигини таъминлаган. Вақти келиб, Раши оқсоқол ёлғизланиб қолади, энди унинг ёнига бошлиқлар келмайди, маслаҳат сўрайдиганлар ҳам сийрак... ("Тала-ўтмиши, бир-иккита ҳангоматалаб чоллар... ("Тала-тепага қайтиш") Умуман, сийрак сўзининг инсонга, инсон ҳаракатига нисбатан ишлатилишида бадийлик маъжуд, зеро, бу сўз ҳолатни бошқа бир ҳолатга қиёсланиши асосида янги маъно ҳосил қилган. Ёзувчи асарларида синонимлар нутқнинг моҳияти, йўналишга кўра танлаб қўлланилганини қуйидаги мисоллар орқали кўриш мумкин. Бу ғоят шартли чегара, кўзга

синча, ёзувчи асарлари луғавий жиҳатдан кенг истеъмо­ л ва оғзаки нутққа хосланган сўзларга асосланган. Ёзувчи асарларининг луғавий жиҳатдан бундай ўзига хослигини куйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ёзувчи асар­ ларида воқеа баёни асосан асар қаҳрамонлари тилидан баён қилинган. Асар қаҳрамонлари эса асосан халқнинг оддий вакиллари бўлиб, бадий-китобий сўзлар улар­ нинг нутқи учун хос бирликлар эмас, шунинг учун ки­ тобий нутққа оид сўзлар кўпинча муаллиф нутқида қўлланилган.

Айтилган муддатда Ошно қўнғироқ қиларини се­ зарди. Кўнғилдаги фахру ғурур сабаб, юраги безовтароқ урганига ҳам нарво қилмади. Умуман, у Ошно қўнғироқ қилган кезларда қувонарди, лекин бу галгиси... минг­ минг чақирим наридан неча баҳру неча уммонлар оша қилинадиган қўнғироқ... ("Полазор") Бў гапдаги фахр, ғурур, кезларда, қувонарди, баҳр, уммон сўзлари кито­ бий услубга хос бўлиб, муаллиф нутқида қўлланилган. Иккинчидан, ёзувчи асарлари қаҳрамонлари бирор касб-хунар билан шуғулланувчи бирор соҳа вакилла­ ри бўлмаганлиги учун ҳам касб-хунар сўзлари ва соҳа атамалари ҳам ёзувчи ижодида жуда кам учрайди. Учинчидан, ёзувчининг барча асарларининг луғавий жиҳатдан бир-биринга ҳамоҳанглиги умумхалқ тили асосида қурилганлиги, фикрнинг оддий ва содда ифо­ даларда берилиши тил воситаларидан фойдаланиш­ даги бу усул ёзувчи танлаган индивидуал услуб деган хулосага олиб келади.

Кенг истеъмо­ л сўзлари тил луғат таркибининг муҳим қисмини ташкил қилади. Кенг истеъмо­ л сўзлари кундалик турмушда кенг қўлланиладиган сўзлари учун тушунарли бўлган ва услубий жиҳатдан кўпчилик билан характерланувчи сўзлар нейтраллиги билан характерланувчи сўзлар ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари

⁵⁴ Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – Б.

фикр юритар экан, Э.Бегматов бу луғавий қатламнинг ўрганилмаганлигини ҳақли равишда эътироф этган⁵⁵.

Ушбу луғавий қатлам тилшуносликда кундалик тур­ мушда ишлатиладиган, ҳамма учун тушунарли бўлган сўзлар⁵⁶ умумнутқ қатламига хос луғавий бирликлар⁵⁷, умумистеъмо­ лдаги лексика⁵⁸, қўлланиш доираси че­ гараланмаган лексика⁵⁹ номлари билан аталиб ке­ линган. Ушбу луғавий бирликларга нисбатан нейтрал сўзлар сифатида каралиши натижасида бадий нутқ тадқиқотчилари бу луғавий воситаларнинг бадий нутқ жараёнидаги вазифаларини ўрганишга унча эъти­ бор беришмаган. Шу боисдан бадий нутқ таҳлиliga сўзларининг нутқий вазифалари таҳлил қилинганини кўриш мумкин. Жумладан, С.Бобоева "Ҳамид Олим­ мавзусидаги тадқиқотининг биринчи бобида шоир­ нинг умумистеъмо­ л сўзларидан услубий мақсадда фойдаланганлигини таҳлил қилса⁶⁰, С.Турсунов "Алпо­ миш" дostonи лексик хусусиятларини ўрганишда умум­ истеъмо­ л сўзларининг бадий нутқ, хусусан, фольк­ лор асарларида бадийликни таъминловчи муҳим воситалар эканлигига алоҳида эътибор қаратади⁶¹. Б.Умурқулов "Бадий адабиёда сўз" номли моногра­

⁵⁵ Бегматов Э. Шу асар. – Б. 11

⁵⁶ Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – Б. 32.

⁵⁷ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 62.

⁵⁸ Шоабдураҳмонов Ш., Асқарова А., Ҳожиёв А., Расулов И., До­ ниёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. – Б. 127.

⁵⁹ Ўзбек тили лексикологияси. – Тошкент: Фан, 1981. – Б. 11-16.

⁶⁰ Бабаева С. Лексико-стилистические особенности поэзии Ха­ мида Алимджана. Автореф. ...дисс. канд. филол. наук. – Тошкент: 1989. – С. 17.

⁶¹ Турсунов С. Лексические особенности дастана "Алпамыш". – Тошкент: 1990. – С. 7.

фиясида ушбу луғавий бирликларни бадий нутқнинг муҳим луғавий бирликлари сифатида талқин қилган.

Чунончи, умумистеъмол сўзлари бадий нутқ жараёнида, биринчидан, барча қатламларга онд сўзларни бирлаштириб туради, иккинчидан, бошқа қатламдаги сўзларга нисбатан маъно ифодалаш даражаси кенг, кўпмаъноли⁶². Умумистеъмол сўзларидаги кўпмаънолилиқ тегмоқ сўзининг 18 маънода, кўймоқ феълининг эса 13 маънода қўлланилганлиги акс этган мисоллар орқали таҳлил қилиб берилган⁶³. Олим умумистеъмол сўзларининг бадий нутқ жараёнидаги вазифасини таҳлил қилиш асосида қуйидаги хулосаларга келган. “Умумистеъмол сўзлари ҳар қандай бадий асарнинг асосий лексик қатламини ташкил қилади. Умумистеъмол сўзлари бадий асарларда учрайдиган тасвирий воситаларнинг катта қисми вужудга келиши учун асос бўлганидек, образли, таъсирчан фикрлар ифодалаш учун ҳам асос бўлади”⁶⁴.

Мазкур тадқиқот учун объект сифатида ўрганилаётган Мурод Муҳаммад Дўст асарлари кенг истеъмол сўзларининг услубий хусусиятларини тўлиқ намоён этувчи манбадир.

Кенг истеъмол сўзлари ҳам бошқа луғавий воситалар сингари нутқнинг барча турларида фаол қўлланиладиган сўзлар бўлиб, бадий асарларда бу луғавий бирликлар асосан персонажлар нутқи орқали намоён бўлади. Кенг истеъмол сўзлари асосан матнда маъно ифодалаш воситаси сифатида ишлатилади, бироқ улар ҳам бадий-китобий, кўчма маъноли сўзлар сингари фикрий бўёқдорликни таъминлаш хусусиятларига эгаки, уларни нутқ жараёнига мос қўллаш натижасида бу тип сўзларнинг нутқий

59. ⁶² Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. — Тошкент: Фан, 1993. — Б. 59.

⁶³ Умурқулов Б. Кўрсатилган асар. — Б. 65–67.

⁶⁴ Умурқулов Б. Кўрсатилган асар. — Б. 72.

ранг-барангликни таъминлаш хусусиятлари очилади. Кенг истеъмол сўзлари бадий асарда бошқа қатламлардаги сўзларга нисбатан бир неча баробар кўп қўлланиладиган луғавий бирликлардир. Масалан, “Индамадим. Рости, бир мuddат иккиланган пайтими ҳам бўлди. Ишонмоққа мойиллик туғилди. Лекин яна бир истиҳола борки, мен ҳам унга ўхшаган банда бўлсам, менда ҳам иссиқ жон, бировнинг маъракасини бўйинга олмоқ азбаройи манманлик эмасми, деб ўйладим”. (“Лоззор”)

Бу матн бадий ифодага, таъсирчанликка эга бўлган матн бўлиб, сўз қўлланилиши жиҳатидан асосан кенг истеъмол сўзларидан иборат. Матндаги таъсирчанлик фикр ифодалаш жараёнида сўздан маҳорат билан фойдаланиш асосида вужудга келган. Индамадим, ишонмоқ, мойиллик, истиҳола, манманлик каби сўзларнинг маҳорат билан ишлатилиши матнга бадий бўёқ берган. Ушбу матн бадий нутқда кенг истеъмол сўзлари воситасида бадий бўёқдор фикр ифодалаш имконияти чексиз эканлигини кўрсатади. Зеро, кенг истеъмол сўзлари нутқий таъсирчанликни таъминловчи муҳим луғавий қатламлардан бири бўлиб, бадий асар луғатининг ҳам асосини ташкил этади.

Кенг истеъмол сўзларининг бадий нутқ доирасидаги вазифаси бир талай. Бинобарин, бу қатламдаги луғавий воситалар бадий матнларда ишлатилган бошқа сўзларга нисбатан маъно ифодалаш жиҳатидан эркинлиги, кўчма маъноларда қўлланилиш даражасининг кенглиги ва кўп маънолилиқ хусусиятларига эга эканлиги билан характерланувчи луғавий бирликларнинг

Бадиий матннинг муҳим хусусияти унда сўзларнинг бадиийликни таъминлаш учун хизмат қилишидадир. Кенг истеъмол сўзларининг ҳам бадий нутқдаги ўрни бадииятни, таъсирчанликни вужудга келтириши билан белгиланади. Шужихатдан қараганда, Мурод Муҳаммад Дўст асарлари тилининг бадий бўёқдорлигини улоштиришда, таъсирчанликни таъминлашда кенг истеъ-

мол сўзлари таянч луғавий бирликлар вазифасини бажарганлиги кузатилди.

– Телевизор, – деб маслаҳат берди Муҳсина хоним. – Баландроқ кўйсангиз, қарға овози эшитилмайди.

– Қарғалар кўнгилда бўлса-чи? – деди Яхшибоев зорланиброқ. – Кўнгилда қағшлаб турса-чи?

– Кўйинг-э, нафасни иссиқроқ қилинг, دادаси! (“Лолазор”)

Келтирилган матн ҳам кенг истеъмол сўзлари воқеасида тузилган, ундаги қарға сўзининг кўчма маънода қўлланилиши, қағшлаб турса сўз бирикмасининг “ваҳимага тушмоқ” маъноларида қўлланилиши натижасида “кўнгил нотинчлиги, нимадандир хавотирга тушмоқлик” маъноларининг ифодаланиши матннинг сербўёклигини таъминлаб, таъсирчан фикр ифодаланишига олиб келган. Шунингдек, баландроқ зорланиброқ, иссиқроқ сўзларида -роқ кўшимчасининг кўшиб ишлатилиши натижасида шу сўзлар нозик маъно ифодалай олган.

Матнга бадий бўёқ берувчи иккинчи ҳолат фикрнинг такрорланиши. Келтирилган парчада фикр айнан такрорланмаса-да, мантқиқий такрор мавжуд. Бу ҳолат кўнгил сўзининг такрор ишлатилиши асосида ҳосил бўлган, кўнгилда бўлса-чи, кўнгилда қағшлаб турса-чи? такрорлари моҳияти жиҳатидан ифода этилмоқчи бўлган “хавотирлик” маъносини кучайтирган.

Ушбу матн таҳлили шуни кўрсатадики, бадий асарда сўз нафақат маъно ифодалайди, балки поэтик образ яратиш учун ҳам хизмат қилади. Сўзлар орқали образлиқнинг, бадий таъсирнинг кучайтириши, келиши матннинг бадий таъсирини кучайтиришда зоҳир бўладиганлигини кўрсатади. Шунингдек, тасвирнинг ифодаланиши, шунингдек, тас-

ридан фойдаланади. Романда жуда кўплаб сўзларга -роқ кўшимчасини кўшиб қўллаш ҳам шундай усуллардан биридир. – Бизники чатоқроқ, – деди Яхшибоев, сўнг назарида ёмонроқ туюлган дардни ўйлаб топди, ичида кулди. – Ўлкада каттакон доғ бор эмиш. Бу ўриндаги чатоқроқ, ёмонроқ сўзларини -роқ кўшимчасисиз ҳам ишлатиш мумкин ва маънога таъсир этмайди. Бироқ ёзувчи ана шу кўшимча ёрдамида ифода этмоқчи бўлган мазмунни ифодаловчи шакл танлайди ва бу шакл ёзувчининг ўзига хос ифода услубини ярата олганини кўрсатади. Ёзувчи асарлари тилининг ёрқин гавдалантирувчи муҳим воситаларидан бири ҳам -роқ кўшимчали сўзларнинг кўплаб қўлланилиши ва нозик маъно ифодалаш вазифасини бажаришидир. Масалан, “Шу китобча тўфайли йўлим очилди, каттароқ бўлмаса ҳам, мундайроқ қаторга қўшилдим.

Баландроқ тепалар яссироқ тоғларга туташиб кетади. Жонузоқ араб сал гуштироқ ва бетисандроқ одам эди”. (“Лолазор”) Келтирилган ушбу матнлар ёзувчининг -роқ кўшимчали сўзларни муайян услубий имкониятларни вужудга келтиришини назарда тутган ҳолда кўплаб қўллаганидан далолат беради.

Бадий нутқнинг асосий хусусияти инсоннинг феъл-атворини, ички дунёсини, инсондаги ўзгаришлар, турли руҳий ҳолатларини, воқеа-ҳодисаларни, табиат тасвирларини, асарда тасвирланаётган воқеа-ҳодиса рўй берган жойни бутун тафсилоти билан ифодалаш имкониятининг кенглигидадир. Бу жараёнда бадий нутқ тасвирийлик ва эмоционаллик хусусиятларини намоён этиб боради. Шу боисдан бадий нутқда ёзувчи асарнинг эстетик таъсирчанлигини кучайтириш мақсадида ифодалаш қирраларидан фойдаланиши, шунингдек, тас-

ловчи лингвистик воситаларни танлаб, уни нутқ жараёнига мос ҳолатда қўллай олишидадир.

“Сўз қўллашнинг санъат даражасида ёки санъат даражасида эмаслигини баҳолаш учун, – деб ёзади проф. М.Йўлдошев, – энг аввало, сўз, унинг маъноси ва бу маънонинг тузилишини аниқ тасаввур этиш лозим. Албатта, сўзнинг қўлланиши билан боғлиқ ҳолда юзага чиқадиган қўшимча маъно нозикликлари, мазмун ўзгачаликлари турли тасвир усуллари ва воситалари орқали реаллашуви мумкин”⁶⁵.

Олим ўз фикрини давом эттириб, бундай қўшимча маъно нозикликларини сўз маъно қўшилишининг имконияти сифатида мавжудлигини ҳам кўрсатади. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўстнинг сўзларга кўпгина ўринларда –роқ қўшимчасини қўшган ҳолда қўллаганини ҳам шу нуқтаи назардан изоҳлаш мумкин.

Бу қўшимча тилда белги билдирувчи сўзларга қўшилган ҳолда ишлатилади. Бироқ ёзувчи асарларида кўплаб феъл туркумига оид сўзларга қўшилган ҳолда қўлланилганини кузатиш мумкин. Масалан, “У Ғайбаровнинг оғзига ургандай бўлди. Йигит унга хушламайроқ қаради”. (“Талатепага қайтиш”) “Ғарчи кўп йиллардан бери таниш бўлсак-да, ҳанузгача ундан ҳайиқиброқ турардим”. (“Лолазор”)

Келтирилган гапларда –роқ қўшимчаси феъл туркумидаги сўзларга қўшилган сўз маъноси орқали ифодадаланаётган ҳаракат-ҳолатнинг одатдагидан пастроқ даражада эканлиги маъноси мавжуд. Аслида ана шу маъно нозиклигининг мавжудлиги ёзувчига таъсирчан фикр баён этиши учун асос бўлган.

Бадий матн таъсирчанлигини белгиловчи воситалардан яна бири асарда янги ифода шаклининг яратилишидир. Янги ифода шакли яратилиши тил воситаларининг янги шакллари топиш ва уни нутққа мос

⁶⁵ Йўлдошев М. Бадий матн ва асослари. – Тошкент: Фан, 2007, – Б. 49.

ҳолда қўллаш билан, шунингдек, олдиндан тилда мавжуд бўлган сўзларни ишлатишда сўз қўллаш маҳоратини намоён этиш билан белгиланади. “Лолазор” романи янги ифода шакллариининг яратилганлиги билан диққатни жалб этувчи асардир. Асардаги ҳар бир персонаж нутқи ўзининг ифода шаклига эга. Масалан, “Яхшибоев ётган жойида ғимирлаб қўйди. Бекор гап, ҳали кўзғалса бўлади, ҳамма аъзолари жойида. Яхшибоев жалмайди, ҳеч боккиси йўқ, демоқчи бўлди, қайтага дардимни кўтардингиз”. Бу фикрларни гўё Яхшибоев айтгандай туюлади, лекин у ай-тилмаган, балки Яхшибоев томонидан ўйланган. Асарда, айниқса, Яхшибоев ҳаёти билан боғлиқ воқеалар тасвирида кўпгина ўринларда унинг ўйлари ифода этилган ва асар услубининг ўзига хослигини уюштирган.

Бундан ташқари, ўйлар асосида яратилган матнлар, гарчанд уларнинг асосий қисми кенг истеъмол сўзлари асосида қурилган, тасвирий воситалари бўлмаса-да, сезиларли ҳиссий таъсир кучига эга. Бу ҳол, шубҳасиз, мазмунга мос ифода шаклининг танланиши асосида мавжудга келган.

Тил луғат таркибидаги барча сўзлар сингари, Мурод Муҳаммад Дўст ижодида кенг истеъмол сўзлари ҳам бадий бўёқдорликни таъминлашда муҳим вазифалар бажарган. Кенг истеъмол сўзлари ёрдамида образлар, бадий бўёқдорлик вужудга келганидек, бу луғавий воситалар кўплаб тасвирий воситаларнинг вужудга келиши учун асос бўлган.

Кенг истеъмол сўзларига хос муҳим хусусиятлардан бири уларнинг тематик жиҳатдан хилма-хиллигидир. Бинобарин, бу қатлам сўзлари ёрдамида ҳаракат ва ҳолатнинг номлари, нарса ва ҳодисаларнинг номлари, инсон ҳис-туйғулари ва ҳолатнинг ифодаланиши, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг ифодаланиши, киши аъзоларининг номлари, ҳуллас, инсоннинг фикр ифодаланиши учун лозим бўладиган барча маънодаги сўзлар мавжуд. Бу ҳолат кенг истеъмол сўзларининг

қўлланилгани бу сўз ёрдамида ҳам бир қатор кўпгина нозик маъно ифодалаш имкониятларининг мавжудлигини кўрсатади. Кенг истеъмол сўзларидаги бу хилдаги маъно нозикликларидан маҳорат билан фойдаланилганлигини кўйидаги сўзларнинг қўлланилишида ҳам кўриш мумкин. Масалан, очиқ сўзи асл луғавий маъносидан ташқари “Тоza ҳаво” (Очиқ ҳавога чиққанлари заҳоти Ғайбаров тағин кўнглида муҳаббат туйди, кўкси ёрилиб кетгудай бўлди. “Галатепага қайтиш”), “булутсиз, яхши кун” (- Ҳаво очиқ. - Бу ёққа ҳар кун қатнай олдириш шарт эмас), “ош-кора айтмаслик” (очиқ иддао қилолмайди, кўрқади, ҳарна семизгина ҳамёним бор. “Лолазор”) “Эркин гаплашмоқ” (- Дўст бўлгандан кейин... - деб чайналди Ғайбаров. - Очикроқ гаплашгинг келса нима қиласан?.. “Галатепага қайтиш”) каби маъноларни ифодалаган ҳолда қўлланилгани кенг истеъмол сўзларининг кўпмаънолилигидан далолат беради.

Ёзувчининг оғзаки нутқ воситаларидан фойдаланиш маҳорати

Оғзаки нутқ воситалари нутқнинг оғзаки шакли учун қўлланиладиган луғавий воситалар бўлиб, А.В.Калинин бу тил воситаларининг нутқнинг оғзаки шаклларида қўлланувчи, ёзма шаклида қўлланилмайдиган воситалар эканлигини эътироф этар экан, ёзма нутқ ҳақида гапирганда бадиий адабиёт бунга киритилмаслиги, бадиий адабиёт услубий ранг-баранг, шу боисдан бадиий асар услубий нейтрал, оғзаки нутққа хос, шунингдек, юксак услубга оид сўзларни ҳам қамраб олишини таъкидлайди⁶⁶. Бадиий матнлар луғавий таркибининг катта қисмини оғзаки нутқ воситалари ташкил қилади. Оғзаки нутқ воситаларининг бадиий матнларда қўлланилишини кўйидагилар билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, бу нутқ воситаларининг образлилик ва таъсирчанликни таъминлаш имконияти кенг, иккинчидан, оғзаки нутқ во-

⁶⁶ Калинин А.В. Лексика русского языка. - М.: Московский университет, 1978. - С. 175.

ситалари эмоционал-экспрессивлик жиҳатидан бўёқдор бўлиб, нейтрал синонимларига нисбатан сўз маъносидаги белги-даражанинг жуда кучлилиги билан фаркланади. Бу ҳолат фикрни бутун нозиклиги билан ифодалаш учун қўл келади. Учинчидан, бадиий асарда оддий халқ ҳаёти тасвирланади. Ундаги қаҳрамонлар оддий халқ вакиллари бўлганлиги учун, уларнинг нутқида халқнинг оддий сўзлашув нутқи учун хос бўлган луғавий воситаларнинг қўлланилиши табиийдир.

Тилшунос Б.Ўринбоев бадиий асарлардан олинган сўзлашув нутқи кўринишларида уч хил элементни ажратади.

1. Адабий тил нормаларига мос келувчи лексик ва грамматик элементлар.
2. Оғзаки тил ва талаффуз хусусиятини ифода этувчи сўз шакллари ва грамматик форма кўринишлари.
3. Диалектизм ва маҳаллий шева элементлари.
4. Олим асар персонажлари нутқида учрайдиган бу тил воситаларидан иккинчи ва учинчисининг қўлланилиши ёзувчининг маҳорати билан боғлиқлигини, улар қаҳрамон нутқининг ўзига хослигини таъминлаш мақсадида қўлланилишини кўрсатиб ўтади⁶⁷. Тадқиқотчи сўзлашув нутқи лексикасида кучли эмоционал ва образлиликка бой бўлган маҳсул сус эмоционал-образли сўзлар мавжудлигини қайд этади⁶⁸. Оғзаки нутқ воситалари сўзлашув нутқи элементларининг Б.Ўринбоев таснифидаги иккинчидан кўриниши бўлиб, бошқа сўзлашув нутқи воситаларидан умумистеъмолда мавжуд эмаслиги, индивидуал қўлланишга хослиги ва эмоционал-бўёқдорлиги билан ажралиб туради. Оғзаки нутқ воситаларининг бадиий нутқдаги ўрни масалалари ўзбек тилшунослигида етарлича таҳлил қилинмаган. Айрим манбаларда оғзаки нутқ воситаларининг бадиий

⁶⁷ Ўринбоев Б. Ўғзаки нутқ воситалари. - Тошкент, 1978.

ҳақида мулоҳазалар билдирилган. Проф. С.Каримов оғзаки сўзлашув услубига хос диалектизмларнинг бадиий асарларда қўлланилиши персонажлар бериш, индивидуаллаштириш, маҳаллий колоритни бериш, эстетик вазифа бажаришидан келиб чиққанлигини таъкидлайди⁶⁹.

5. Б.Умурқулов оғзаки нутқ воситаларини бадиий асар тилининг бой манбаларидан эканлигини ва уларнинг бадиий матнларда кўп қўлланилишини қуйидагича изоҳлайди. "Оғзаки нутқ образли, эмоционал-экспрессив воситаларга бой бўлиб, шу жиҳатдан бадиий адабиёт тилининг моҳиятига мос келади ва оғзаки нутқ воситалари нутқнинг бу турида ҳам бадиий-таъсирчан фикр ифодалаш учун хизмат қилади"⁷⁰. Б.Умурқулов бадиий нутқда турли нутқ кўринишларига хос бўлган сўзларнинг қўлланилишини бадиий адабиёт тили халқ тилининг бадиий асарда акс этган ва бадиий бўёққа эга бўлган шакли эканлиги билан изоҳлайди. Унинг фикрича, оғзаки нутққа хос сўзлардаги эмоционал-экспрессивлик, ифодадорлик бадиий нутқда қўлланилганда ҳам ўз кучини йўқотмайди. Шунинг учун оғзаки нутққа хос воситалар бадиий нутқ лексикасининг таркибий қисми ҳисобланади⁷¹.

6. Оғзаки нутқ воситаларининг бадиий нутқдаги ўрни ҳақида фикр юритар экан, Р.Нормуродов бадиий асар персонажлари турли табақага мансублигини, ҳар бир ижтимоий гуруҳга мансублик белгилари оғзаки нутққа хос лексик воситалар орқали ҳам акс эттирилишини кўрсатиб ўтади⁷².

7. Адабиётшунос Г.Имомова бадиий асар тили ҳақида фикр юритар экан, бадиий асар тили шакл ва

⁶⁹ Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зафаршон, 1992, – Б. 122.

⁷⁰ Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Тошкент: Фан, 1993. – Б. 106.

⁷¹ Умурқулов Б. Кўрсатилган асар. – Б. 106-107.

⁷² Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий услуби. – Тошкент: 2003. – Б. 82.

мазмун мослигини талаб қилиши, индивидуаллаштириш қонунларига бўйсунлиши бадиий эстетик сифати билан адабий тил ва жонли сўзлашув тилининг барча кўринишларини қамраб олишини таъкидлайди⁷³.

8. Келтирилган фикрлар оғзаки нутқ воситаларининг бадиий нутқда қўлланилишининг мустаҳкам асослари борлигини кўрсатади. Бинобарин, ўз ўрни билан нутққа пардоз бериш, ёзувчи асарлари тилини халқ тилига яқинлаштириш, соддалигини таъминлаш, асар тилини луғавий жиҳатдан бойитиш каби кўплаб вазифаларни ҳам бажарадики, бу хусусиятлар ҳам мазкур воситаларнинг бадиий нутқда фаол қўлланилишини таъминлайди. Бадиий асар қаҳрамонлари оддий халқ вакиллари бўлганлиги учун, уларнинг нутқда халқнинг оддий сўзлашув нутқида хос бўлган луғавий воситаларнинг қўлланилиши табиийдир. Бадиий нутқнинг моҳиятини намоён қилувчи муҳим жиҳати унда турли шакллари учун хос бўлган луғавий воситалар қўлланилиб, услубий имкониятларни вужудга келтиришидир. Шу маънода оғзаки нутқ воситаларининг моҳияти бадиий нутқда услубийликни таъминлаш билан белгиланади.

Нутқнинг эстетик таъсирчанлиги, ифодадорлиги бадиий нутқнинг муҳим белгиси экан, таъсирчан ва ифодали воситаларга бой бўлган луғавий бирликлар нутқнинг бу шакли учун турли услубий имкониятларни вужудга келтириш мақсадида танланган, сараланган ҳолда қўлланилади. Оғзаки нутқ воситалари шу жиҳатдан ҳам бошқалуғавий бирликлардан алоҳида ажратилиб туради. Чунки оғзаки нутқ воситалари матндан ташқарида ҳам эмоционал-экспрессив бўёқдорлиги билан ажралиб туради, матнда эса бу ҳолат янада бўртиб кўриниб туради. Масалан, "Кўринишим кўр-кўрга ёқмаса, сизга ёқмаслиги аниқ, – деди Яхшибоев кулиб. Матндаги кўр-кўр сўзи оғзаки нутққа хос. Бу сўз, агар

⁷³ Имомова Г. Миллийлик ва бадиий нутқ.

ло, кўчма маънода қўлланилганлиги билан характерли. Зеро, инсоннинг кўринишини кўр киши кўролмайди, кўролмагандан кейин унинг ёқиш-ёқмаслиги тушунчаси ҳам мавҳумлигича қолаверади. Кўринадики, бу сўз "кўр" маъносида эмас, балки "бефарқ, фаросатсиз киши" маъносида қўлланилган ва шу маъно асосида эмоционал-экспрессивликни таъминлаган.

Мурод Муҳаммад Дўст асарлари оғзаки нутқ воситаларига бой, унда ёзувчининг индивидуал услуби билан боғлиқ равишда сўзларни такрорлаш асосида қўлланилган оғзаки нутққа хос луғавий бирликлар ҳам кўплаб учрайди.

Сиз мени, телевизор-пелевизорда кўриб юрган-у, энди келиб ёпишяпти деб ўйламанг, домлажон. ("Лолазор") "Ашур-пашурингни кўй, Чоршанби болам, ўзинг аниқлаб кўр", ("Лолазор") гапларидаги телевизор-пелевизор, Ашур-пашур сўзлари иккинчи қисмининг қўлланилиши асосида оғзаки нутққа хосликни таъминлаган.

Асарда сўзларнинг бундай ҳолатда қўлланиши орқали қахрамоннинг оддий халқ вакили эканлиги ифодаланган ва шу орқали асар тилининг соддалиги, уни халқ тилига яқинлиги таъминланган.

Асарда қўлланилган қайрағоч-пайрағоч (*Қайдан, – деб елка қисди Яхшибоев. – Бизга қайрағоч-пайрағоч бўлиш насиб этсаям майлийди*). Локин-покин (*Ишончингиз – кўп улуг! – деб хитоб қилди Қулоқ. – Локин – покинга ҳожат ҳам қолмайди*). Маркес – Паркес (*...эмшики, бизлардан ўша чангалзор-сельваларни ёзган маркес-паркеслар зўрроқ эмши!* "Лолазор") каби сўзнинг иккинчи қисмида қайтариш орқали оғзаки нутққа мослаштирилган ҳолатда қўлланилиши ёзувчи асарларида кўплаб учрайди.

Оғзаки нутқ воситалари таркиби жиҳатидан ранг-баранг. Унда оғзаки адабий нутққа хос сўзлар, оддий сўзлашувга хос сўзлар, дағал сўзлашувга хос сўзлар мавжуд бўлганидек, сўзларнинг диалектал шакл қўлланилиши ҳам оғзаки нутққа мансубликни таъмин

лайди. Бу нутқ воситаларининг муҳим хусусиятларидан бири сўзлардаги эмоционал-бўёқдорликнинг кучлилиги, шунинг учун ҳам бундай сўзлар ёрдамида ҳис-туйғунинг кучли даражада ифодаланиши таъминланади. Масалан, "Анови, мегажин, манжалақи, эр аталмиши мўйловли ҳезалакни эргаштириб, культурний бўлиб, ўзи талоқ олган хонадонга яна кириб келса-я!" ("Лолазор") гапи асосан оғзаки нутққа хос сўзлардан ташкил топган. Мегажин, манжалақи, ҳезалак, культурний каби сўзлар сўзловчининг нафратини ифодалаш учун қўлланилган. Ушбу сўзлар дағал сўзлашув воситалари бўлиб, уларнинг маъносида "ҳақорат қилиш", "сўкиш" оттенкаси кучли, шунга кўра "нафрат"ни ифодалашда шу луғавий воситалардан фойдаланилган.

Мазкур матнда қўлланилган оғзаки нутқ воситалари орқали шуни кўриш мумкинки, оғзаки нутққа хос сўзлар матнда ҳам номлаш вазифасини бажаради, ҳам услубий имкониятларни вужудга келтиради. Бундай хусусиятлар, айниқса, дағал сўзлашувга хос бўлган оғзаки нутқ воситаларида кучлироқ намоён бўлади. Асарда учрайдиган мушукдай миёвлаганларим (*...Мушукдай миёвлаганларим-чи?.. Тўғри, кейинчалик Муҳсинанинг кўнглидаги ўт сўнди*), гўрингда тўнғиз кўпгур (*Билмайдики, гўрингда тўнғиз кўпгур Яхшибоев у пайтларда кўп покиза эди*), сассиқ така (*...анави сассиқ така ўлганидан кейин ҳам бировлар китобити ўқирмикан?*), лаънати шоҳ, муғуздуру ғаддор (*...Лаънати шоҳ, муғуздуру ғаддор, кўп ақлли бўлган...*) каби луғавий воситалар салбий бўёқдорликнинг кучлилиги асосида ижодкорнинг индивидуал сўз қўллаш маҳоратини ёрқин гавдалантира олган воситалардир.

Ёзувчи асарларида қўлланилиб, турли маъно нозикликлари билан фарқланиб турган қуйидаги оғзаки нутққа хос луғавий воситалар ҳам ўзига хос маъно нозикликларига эга бўлиши, эмоционал-экспрессив бўёқдорлик хусусияти билан ажралиб туради. Масалан, "Мамашокировнинг овозида андак пишине сезилди. Эмо-

новнинг хуноби ошади, учтаси билан эмас, биттаси билан чиқишолмаянман, қолган иккови дуруст"; ("Истеъфо") гапидаги андак, чиқишолмаянман, дуруст", сўзлари оғзаки нутққа хос. Улардан андак, дуруст сўзлари денотатив маънода қўлланилган ҳолда асар қахрамонининг оддий халқ вакили эканлигини англатса, чиқишолмаянман сўзи орқали шу сўзнинг оғзаки нутққа хос "келишолмаслик" маъносининг ифодаланиши бу воситаларнинг бадий нутқ жараёнидаги муҳим луғавий бирлик эканлигидан далолат беради. "...Хайбатулла домла, ландавур Хайбатулла домла, анойи, анқов, азбаройи шўри курумаса, анови безориларга тенг бўлармиди!" ("Лолазор") гапидаги ландавур, анойи, анқов сўзларида "бўли", "ҳеч нарсаи удалаёлмаслик" маъносининг юқори даражада эканлиги ифодаланса, э, парво қилманг, деган қабилда сўз қотди, мен ўзим ҳам асалу бол эмасман, юмишқ супурги бўлишдан худо асрасин ("Лолазор") гапидаги юмишқ супурги сўз бирикмаси орқали "лаганбардорлик қилувчи" маъноси кучли эмоционал-бўёқдорликда ифодаланган.

Бадий асар тилининг эмоционал-экспрессив воситаларга бойлиги ҳақида фикр юритар экан, Б.Умуркулов бадий адабиётда оғзаки нутққа хос эмоционал-экспрессив воситалар, биринчи навбатда, персонажларни характерлаш, ёзувчининг муносабатини ифодалаш ва ўқувчида персонажга бўлган ижобий ёки салбий муносабатларни шакллантириш вазифасини бажаришини, шунга кўра, бадий адабиёт тилини оғзаки нутқнинг эмоционал-экспрессив воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлайди⁷⁴. Кўпгина оғзаки нутқ воситаларида эмоционал-бўёқдорлик маънонинг турли даражаларда ифодаланиши билан боғлиқ. Шунингдек, оғзаки нутқда учраб, бирор маъно ифодаловчи муайян сўз нутқнинг бошқа турларида, жумладан, умумистеъмомда ҳам мавжуд эмаслиги оғзаки нутқ тилда рангбарангликни таъминловчи манба эканлигини кўра

⁷⁴ Умуркулов Б. Бадий адабиётда сўз. – Тошкент: Фан, 199.

Мурод Муҳаммад Дўст асарлари лингвопоэтикаси

Масалан, "Чорианби зўр йиғит, шини дўндиради, нотариҳ чолнинг ёнида дўхтири ҳам бўлади..." ("Лолазор") гапидаги дўндиради сўзининг адабий тилда, умумистеъмомда мавжуд эмаслиги унинг оғзаки нутқ воситаси эканлигидан далолат беради. Асосан оддий сўзлашувда қўлланилиб, бадий нутққа кўчган бу сўз "бирор шини маъридан ҳам юқори даражада бажариш" маъносини ифодаланишига кўра характерли. Кўпгина оғзаки нутқ воситалари ана шу хусусиятларига кўра тилда мавжуд маънодошларидан фарқланиш асосида эмоционал-экспрессивликка эга бўлади ва шу хусусиятга мослашади. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асарларида нозик маъно ифодалаш хусусиятларига эга бўлган оғзаки нутқ воситалари кўп учрайди. Масалан, "Яхшибоев ош дамлаб, оқсоқол келтирган ноз неъматлару бизнинг ўзимиздан чиққанларини дастурхонга чош этиб, гурунгни гуллатиб юбордик", гапидаги гурунгни гуллатмоқ; "Гап бундай, ўртоқ Яхшибоев, биз бу масалаишодни гуллатаверинг", ("Лолазор") гапидаги ишодни гуллатаверинг бирикмаларида гуллатмоқ ишодни гуллатмоқ характерни юқори даражада бажариш маъносини ифодалайди. Оғзаки нутқ воситаларининг муҳим жиҳатларидан бири тилдаги бирор восита билан мисолдошлик гуллатмоқ касб этиши ҳамдир. Келтирилган фарқланади. Куйидаги сўзи ҳам адабий тилда мавжуд фарқланади. Куйидаги шаклдошдан ифода жиҳатидан бўлиб, оғзаки нутқдаги гапдаги оляпти сўзида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин. ...бир ёндан артист халқи қаршилашиб ашулани оляпти, фарғонача, хоразмча, фузулийча. ("Лолазор"). Бу матндаги оляпти сўзи "олмоқ" маъносини эмас, "ашуланни яхши айтмоқ" маъносини ифодалаб, ифодасига баъдий эмоционал-экспрессив хусусият сўзларда яна баъдий матнларда кўп маъноли сўзларда яна асосида янги маъно ифодаланиши билан баъдий воситалари бадий

муҳим манбалардан ҳисобланади. Чунки бу воситаларда кўп маънолилиқ, кўчма маъно ифодалаш хусусиятлари кучли. Ёзувчи асарларида оғзаки нутқ воситаларининг бир неча маъноларни ифодалаган, кўчма маънода қўлланилган ҳолатлари кўп учрайди. Маълумки, тил воситалари янги маъно ифодаладимиз, у янги сўзга айланган ва нутқий ранг-барангликни таъминлаш хусусиятига эга бўлади. Масалан, “*Ҳар не бўлсаям, Пириқул бир қориндан талашиб тушган укаси, Саломат келин, бегона эмас. Мана, томирлигига бориб, ўзлари келишиди, розилиқ сўрашяпти. Яхши-да, ахир, томиринг бўлгани яхши*”, (“Мустафо”) гапидаги оғзаки нутққа хос томир сўзи шу жиҳатдан характерли. Ака-ука маъносини ифодалашта кўра, бу сўз тилни ва бадиий нутқни луғавий жиҳатдан бойитиб, нутқий ранг-барангликни вужудга келтирган. Муайян маънони ифодалаш учун хизмат қиладиган бир неча луғавий воситанинг мавжудлиги тилнинг бойлиги эканлиги, айниқса, бадиий нутқда ёрқин гавдаланади. Бу ҳолат сўзнинг кўпмаънолилиги асосида ва кўчма маъноларда қўлланилганида яққол кўринади. Масалан, *қўнмоқ* сўзи умумхалқ тилида қушларнинг учиш ҳаракатини тугатганлигига нисбатан ишлатилади. Ёзувчи ижодида умумий ҳолатда шу маъно билан боғлиқ турли маъноларда қўлланилгани кузатиладик, бу ифодаларга кўра адабий тилда ушбу сўзнинг мавжуд эмаслиги, унинг оғзаки нутққа хослигини кўрсатади. “*Тулқинов ўнг қўли рулда чапи билан дўпписини ўриндиққа олиб қўйди. Ярғоқ бошини қашлади, сўнг дўппини бошига қўндирди*”, (“Истеъфо”) гапида қўндирди сўзи “*қўймоқ*” маъносини ифодаласа, “*Излаб келиб, бозордаги чойхонага қўнибди*”, (“Галатепага қайтиш”) гапида “*жойлашибди*” маъносини қўлланилган. Кўчма маънолилиқ ҳам оғзаки нутқ воситаларига хос муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асарларида кўчма маъноларда қўлланилган оғзаки нутқ воситалари кўп учрайди. Масалан:

– Гапинг мунча совуқ, – деди у. – Акамнинг кунни кўп ҳали, (“Мустафо”) гапидаги совуқ сўзи “*ёмон гап*”, кунни кўп “*кўп яшайди*” маъноларида матнда бадиий бўёқдорликни вужудга келтирган. Оғзаки нутқ воситаларининг кўчма маъно ифодалаш асосида сербўёқликни таъминлаганликни қуйидаги мисолларда ҳам кузатиш мумкин. *Оғзида қаратган* (Ҳазил гап эмас, кимсан Раим оқсоқолнинг маъракаси... Галатепани элик йил оғзига қаратган одам, азда низо қилиб ўтириши яхшимас. “Галатепага қайтиш”), *гап қочган* (Эҳтимолки, мен билмаган совишу илшилар ҳам бўлгандир, ораларидан гап ҳам қочгандир, лекин бунақа нарсаларни сиртларига чиқаришмаган. “Лолазор”), *оқ қорани таниган* (Махсум оқ-қорани таниган-у, лекин охи-ратни бўйнига олмаган одам, бир қарасанг – меров, яна бир қарасанг шайтонга дарс беради. “Галатепага қайтиш”), *тўлиб кетмоқ* (Парво қилмай юрасан-у, бир кун қарабсанки, тўлиб кетибсан, кўнгишни бўшатмаса бўлмайди. “Галатепага қайтиш”), *омочга ярамай қолмоқ* “*қариб қолганлик*” маъносини (Кимнинг ерини ҳайдаганимни энди тушундим, энди, омочга ярамай қолганимда. “Истеъфо”), *сайрамоқ* “*гапирмоқ*” маъносини (– Сайрайман, – деди кампир. – Нима, урасанми? “Мустафо”), *кўзи очиқ* “*тириклик*” маъносини (Отаси билан онасининг кўзи очиклигида ҳаммаси иноқ эди. “Мустафо”).

Оғзаки нутқ воситаларига хос хусусиятлардан бири кўпгина луғавий бирликларнинг адабий тилда синоними мавжудлигидир. Чунончи, адабий тилдаги яхши сўзининг дуруст, истамоқ сўзининг тусаб каби оғзаки нутққа хос шакллари персонажлар нутқини характерловчи воситалар сифатида ёзувчи асарларида учрайди. Масалан, “*Бугун Ибодулло махсумнинг келгани дуруст бўлди, Эломов нов усиз ҳам қишлоқни тусаб юривди*”. (“Истеъфо”) Ёзувчи асарларида адабий тилда синоними мавжуд бўлган (ҳеч гап, ҳеч нарса), андак (бир оз), дўст (кўриниш), чўкмоқ (ўтирма)

каби қўшлаб оғзаки нутқ воситалари қўлланилиб, нутқий ўзига хосликни вужудга келтирган.

Оғзаки нутқ воситалари турли-туман. Стилистик бўёқдорлиги, адабий тилга муносабати нуқтаи назаридан А.В.Калинин оғзаки нутқ воситаларини сўзлашув лексикаси ва оддий сўзлашув (просторечно)лексикасига ажратиб, уларнинг фарқли жиҳатлари сифатидан сўзлашув лексикасининг оғзаки нутқнинг бошқа турларига нисбатан нейтрал эканлиги, оддий сўзлашув лексикасининг эса адабий тил нормасидан ташқарида эканлигини кўрсатади⁷⁵.

Б.Умурқулов ҳам оғзаки нутқ воситаларини адабий тилга муносабати нуқтаи назаридан адабий норма доирасидаги ёки адабий нормага яқин оғзаки нутқ лексикаси ва адабий тил учун нормада бўлмаган, адабий тилда қўлланилганда нормани бузувчи оғзаки нутқ воситалари каби икки турга бўлади⁷⁶. Оғзаки нутқ воситаларининг барча турлари, ҳатто дағал, кўпол, сўкиншиш ва қарғиш ифодаловчи сўзлар ҳам бадиий нутқда қўлланилиб, услубий вазифа бажаришга қаратилган бўлади. Бу жиҳатдан диалектал характердаги оғзаки нутқ воситалари алоҳида ажралиб туради.

Ёзувчининг диалектизмлардан фойдаланиш маҳорати

Оғзаки нутқнинг муҳим қисмини диалект ва шевага хос сўзлар ташкил этади. Диалектизмлар худудий сўзлар бўлиб, ўзи мансуб диалектдан ташқаридаги уларнинг қўлланиш манбаи бадиий адабиётдир. Бадиий асарларда диалектизмлар, асосан, персонажлар нутқини индивидуаллаштириш, муайян жойга хосликни акс эттириш мақсадларида қўлланилади. Бадиий диалектизмларнинг бадиий вазифаси шу билан бағаланиб қолмайди.

⁷⁵ Калинин А.В. Кўрсатилган асар. – Б. 157–159.

⁷⁶ Умурқулов Б. Кўрсатилган асар. – Б. 110–111.

Диалектизмлар умумхалқ тилининг ажратмас қисми бўлиб, бадиий асарларда учрайдиган диалектизмлар шу халқ вакилининг жонли сўзлашув нутқи воситаларидир. Бадиий асар қахрамонлари ана шундай оддий халқ вакили экан, уларнинг нутқида бу воситалардан фойдаланмаслик, асар персонажларини сунъийлаштиришга, асарда замон, макон тамойилларининг бузилишига олиб келади. Кўринадики, бадиий асарларда диалектизмлардан фойдаланиш зарурат тақозосидир. Диалектизмлар персонажлар нутқи учун хос бўлган луғавий воситалар бўлиб, адабий тил луғавий бойлигини ошириб борувчи муҳим манбадир. У бадиий асарларда луғавий рангбарангликни уюштирувчи восита, улар ёрдамида бадиий асар тили бойиб боради ва асарнинг халқчилиги таъминланади. Шу боисдан ҳам, ёзувчилар диалектизмлардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишади. Ёзувчилардан Мурод Муҳаммад Дўст ҳам ўз асарларида диалектизмлардан унумли фойдаланган ижодкордир. Ёзувчи асарларида диалектизмлар, аввало, асар персонажининг оддий халқ вакили эканлигини кўрсатиш учун қўлланилганини кузатиш мумкин. Бу ҳол диалектизмларнинг бадиий вазифаси кенглигини кўрсатади. Масалан, “Мундайлик-стафо”) гапида қўлланилган мундайлик, соб диалектал сўзлари сўзловчининг оддий халқ вакили эканлигини кўрсатади. Чунки “бундай юришда” маъносигади мундайликда ва “тамом бўлмоқ” маъносигади соб диалектал сўзлари айнан муайян худудга хосликни эмас, балки асар персонажининг қандай киши эканлигини кўрсатиш учун қўлланилган. Зеро, бу диалектал сўзлар маълум бир худудга хос бўлмай, бир неча худудда қўлланиладиган сўзлардир. – Дарров хизматдан келасан-а, Саидбой. Ё хужуматнинг одами жўнроқ гапиролмайдими? – (“Истафо”) гапидаги жўн диалектизми бадиий асардан маконнинг белгиси сифатидан бағаланиб қолмайди, шуни кўрсатадики, бадиий асарларда диалектизмларнинг фойдаланиши асарнинг маъносини бағаланиб қолмайди.

кўп функциялидир. Чунончи, диалектизмлар бадий нутқнинг луғавий жиҳатдан хилма-хиллигини таъминлаб, адабий тилдаги муайян сўзнинг маънодоши сифатида қўлланилади. Бундай сўзлар ифодаланмоқчи бўлган маънони янги шаклда бериш вазифасини бажаради. – *Уэр, Саидмурод Замонович, – деди. – Чакки гапирдим, сирадини айтганда, сиз гўзалликни соғинибсиз экан, – (“Истеъфо”)* гапидаги *чакки* диалектал сўзи адабий тилдаги кўллаб, ифода учун янги шакл танлаган. Бинобарин, диалектизмлар кўлланилишининг туб асоси маъно ифодалаш воситаси эканлигидир.

Мурод Муҳаммад Дўст асарларида учрайдиган диалектизмлар бир қатор хусусиятларга эга бўлса-да, кўпгина диалектал сўзларни бирор маънони ифодалаш учун қўлланилганини кузатиш мумкин. Масалан: – *Тек ўтир-эй, жанқарча мулланинг боласи... дея ўдағайлади Маҳанбой. – Одам, менгзашиням эплаши керак-да! (“Тала-тепага қайтиш”); “Яхши кунга ҳамма ярайди, ёмон кунга – хеш” (“Истеъфо”); “Ҳазиллашсам, ўзимга яраша бўйинсам бор, нима, эсимни ебманми?!” (“Истеъфо”); – “Хуш келиб-сиз, – деди Эломонов, бу дали-ғули йигитчага кўнгли ийиб, – (“Истеъфо”)* гапларидаги *тек, менгзаш, хеш, бўйинса, ийиб* каби диалектал сўзлар матнда биринчи навбатда маъно ифодалаш воситаси сифатида қўлланилган. Шунингдек, ёзувчи асарларида учрайдиган диалектизмларнинг бир неча маъноларни ифодалаган, шунингдек, услубий хосланган ҳолатларда қўлланилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Чунончи, *ундайчикин (...бундай деманг, домла, – деди йигитча, дув қизариб. Мен... мен ундайчикин деб ўйламайман.), гурунг (Вақт топиб, бизнинг палатага деб ўйламайман.), бинойидай (Карвонсарой эга...*

ин фонетик жиҳатдан бузиб, оғзаки нутққа мослаштириб шевага хос ҳолда ишлатилган сўзлар ҳам анчагина учрайди. Масалан, “*Ўзинг диружурлик қиласанми, директор болам, деб сўрайди*”, (“Лолазор”) гапидаги *диружёр* сўзи Яхшибоев нутқида атайин бузилган ҳолда *диружур* шаклида берилган ва қахрамон нутқини ёркинлантирган. Луғавий жиҳатдан асосан кенг истеъмол сўзлари ва оғзаки нутқ воситаларига таянилганлик ёзувчи асарларини тил жиҳатдан содда, халқона, ифодали ва жозибадор бўлишини ҳам таъминлаган. Шу мақсадда ёзувчи асарларида сўзларнинг оғзаки нутққа хос диалектал вариантлари яратилганлигини ҳам кузатиш мумкин. Масалан, “*Йиғламсираб гапирди, овози салобатли ва вазнига ярашиқсиз чийиллаб чиқди*”, (“Истеъфо”) гапида *ярашиқсиз* сўзи тилдаги *ярашмай* вариантига нисбатан мазкур нутқ учун мос ва шунга кўра ижодкор томонидан мақсадли равишда қўлланилганликни кўрсатади. Шунингдек, “*Лекин машқ асносида ҳолдан тойган, куларга ҳоли келмади*”, Ушбу матнда қўлланилган *куларга* сўзи матнда аслидагидек тилдаги вариантыни қўллаш ҳам мумкин эди. Бироқ ёзувчи тилда мавжуд шаклни қўлламастан янги шакл яратади. Ёзувчи томонидан ҳосил қилинган янги куларга сўзи қуйидаги хусусиятларга эга. Маъно ифодаси жиҳатидан *кулишга* сўзига маънодош, ҳар иккала сўзда ҳам маъно нуқтани назаридан услубий бўёқдорлик сезилмайди. Қўлланиш хусусияти жиҳатидангина янги ясамага оғзаки, оддий сўзлашувга хос бўёқ берилганлиги кузатилади. Шунга асосан бу сўзнинг матндаги ўзига хослиги, аввало, оддий сўзлашувга хос бўёқдорлиги билан, шунингдек, шаклан бошқа сўзлиги билан баҳоланади.

Оддий сўзлашув нутқи хусусиятларини ўзида акс эттирган ёзувчи индивидуаллигини намоён этувчи яна бир диалектал сўз *ўтинқирамади* сўзидир. Масалан, “*Овозида таъна сезилгандай бўлди, шуниси Яхшибоевга ўтинқирамади. – Хафа қилиб кўринг-чи! – деб трубкани зарда билан жойига ташлади*”. (“Лолазор”)

ширди қўшма сўзини ҳам ишлатиш мумкин эди. Бу ҳол матндан англашиладиган умумий маънога таъсир этмайди. Ёзувчининг шу икки лингвистик воситадан бирини танлашига эътибор қаратишини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Биринчидан, ёлғонлади сўзи орқали маъно олдин ифодаланмаган шаклда ифода этилиб, нутқнинг тил воситаларига бойлиги таъминланади. Иккинчидан, бу сўз нутқнинг ихчам тарзда тузиш имконини яратади ва ўз маънодошига нисбатан шаклан жозибадорлиги билан фаркланади. Сўздан санъаткорона фойдаланадиган ёзувчилар сўз қўллашда сўзнинг маъносидан тортиб, нутқдаги бошқа сўзлар билан боғланишигача, шунингдек, сўзнинг шаклий, эшитилиш жиҳатидан қабул қилувчилар руҳиятига мос келишигача бўлган ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда сўз қўллайди. Сўзнинг бундай қўлланилиши ёзувчининг асосий мақсадини рўёбга чиқариш гаровидир. Профессор Н. Маҳмудов А. Қаҳҳорнинг сўз қўллаш маҳорати ҳақида фикр юритар экан, ёзувчи қўллаган сўзларда сўзнинг асосий маъносидан ташқари унинг барча маъно қирралари, нозикликлари аниқ ва тиник кўриниб туришини, сўзнинг маъно қирралари умумий воқеа, ҳолат, ёзувчи позицияси, ҳикоянинг яхлит интонациясига тўлиғича ёпишиб туришини нарса сўзи ўрнида *Олим мато* сўзининг қўлланилиши асосида кўрсатиб ўтган. Қирраси мавжудлиги сабабли ёзувчи томонидан танланиш асосида қўлланилганлигини таъкидлаб ўтади⁷⁷. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш лозимки, Мурод Муҳаммад Дўст асарлари луғавий жиҳатдан бой лексик сўзлари, оғзаки нутқ воситалари ва диалектизмлар ёзувчи асарларида муҳим луғавий восита сифатида алоҳида ажралаб туради.

⁷⁷ Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикаси сита доир // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 1989, 4-сон. – Б.

ПАРЕМАЛАРНИНГ ЛИНГВОПОЭТИК ТАБИАТИ

Ёзувчи асарларида қўлланилган идиомаларнинг семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари

Идиомалар инсон тафаккур тарзининг маҳсули сифатида майдонга келадиган образли лингвистик воситалардир. Идиомаларнинг манбаларда фразеологик бирликларнинг бир кўриниши сифатида галқин қилинганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, француз тилшуноси Ш.Балли идиомаларга семантик жиҳатдан асл маъносини йўқотган сўзлар қўшилиши асосида бир бутунлик ҳосил қилган фразеологик бирликлар сифатида қараса⁷⁸, О.С.Ахманова идиомани (юн. *Idioma* – ларга айнан таржима қилинмайдиган тил бирликлари сифатида изоҳлайди⁷⁹. Ўзбек тили лингвистик терминларининг изоҳли луғатларида ҳам идиомага шу маъно мундаги изоҳлар берилган.

Идиома (юн. ўзига хос ифода, ибора). Шаклан мангикдаланиши. Улар маълум тилгагина хос бўлиб, бошқа тилларга сўзма-сўз таржима қилиб бўлмайди⁸⁰.

Манбаларда идиома ва иборалар кўчма маъно ифодадалаш асосида вужудга келадиган тил бирликлари сифатида қаралса-да, уларнинг фарқли жиҳатлари лингвистик терминларнинг изоҳли луғатларида маъно кўчганга сини топган. Идиомалар ифодасида маъно кўчма маъноли ўхшаб турса ҳам, аслида идиомалар кўчма маъноли

⁷⁸ Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Иностранная литература, 1961. – С. 344.

⁷⁹ Ахманова О. С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – С. 165.

⁸⁰ Mahkamov N. Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Toshkent: Fan, 2013. – B.47.

нинг ифодачиси сифатида кўпинча бадий услубда қўлланилади. Кўринадики, идиомалар муайян маънони янги шаклда ифодалаш воситаси, шу жиҳатдан улар тилдаги бирор луғавий бирликнинг маънодоши. Маънодош сўзларнинг муҳим жиҳатлари сўз орқали ифодаланмоқчи бўлган маънонинг турли даражадалигини англатишидир. Идиомаларнинг лингвопоэтик қиммати маънонинг турли даражаларда ифодаланиши ушбу маъноларни билдирувчи янги восита эканлиги билан ўлчанади. Келтирилган мисолдаги тилимнинг тушови ечилди, шунчаки гапирмоқчи эмас, “тинимсиз гапирмоқ” маъносини англатишга кўра тилга тушов тушмоқ эса “мушлақо жим бўлиб қолиш” маъноларини англатишига кўра шу маънони билдирувчи тилдаги маънодошларидан фарқланади ва ифода хусусиятига кўра лингвопоэтик моҳият касб этади. Ёзувчи асарларида “гапирмоқ” ва “гапирмаслик” маъноларини ифодалашда *тили қичмоқ*, *тилни тиймоқ* идиоматик бирикмалари ҳам қўлланилган бўлиб, бу идиомаларда ҳам нозик маъно ифода этилганлиги кўринади. *Ушанда ёмон тилим қичиди. Айтгим келдики, Э, Ошино, Мойрани тезлаган мен ўзим бўламан, деб! Тилни тийдим, тийиб тўғри қилганимни кейинроқ сездим.* (“Лолазор”) Матнда *тилим қичиди* идиомаси “*айтмоқчи бўлдим*”, *тилни тиймоқ* “*айтмадим, гапирмадим*” асармаъноларда қўлланилган. Кўринадики, ёзувчи асарларида қўлланилган *тилинг тушови*, *тили қичмоқ*, *тилни тиймоқ*, *тилим бормади* (...*Кўшиқлар гапимни рўйроқ эшитишди, лаб-лунжлари осилиб кетди, лекин узр сўрашга тилим бормади.* “Лолазор”) идиомалари бир маънони турли даражаларда ифодалаш учун қўлланилган. Бу ҳолат ёзувчининг тил бирикларидан турли мақсадларда фойдаланишдаги маҳоратининг намунасидир.

Идиомаларнинг муҳим жиҳати тил тизимида стандарт ҳолатда мавжуд эмаслиги, нутққа хослигидир.

Шунга кўра, идиомаларнинг ҳосил бўлиши шахснинг фаолияти билан боғлиқ бўлиб, муайян ёзувчи асарларида идиомаларнинг кўп учраши ижодкорнинг сўз ҳосил қилиш маҳоратининг юқориликдан далолат беради. Чунки идиомалар тил нормалари учун ғайриқонуний тарзда вужудга келадиган, тузилиш жиҳатидан ўзида янгиликни содир этадиган луғавий бириклар. Улар тузилиши жиҳатидан адабий тил нормаларига мувофиқ келмайди, эксплицит (очик) ифодага эга эмас. Шунга кўра, идиомаларни имплицит (яширин) ифодали тил бириклари дейиш мумкин.

Идиомалар сўз бирикмаси тарзида шаклланади, уларнинг шаклланиши синтактик жиҳатдан адабий тил нормаларига мос келади, луғавий жиҳатдан таҳлил қилинганда эса икки сўзнинг бирикуви бирор аниқ луғавий маънони ифода этмайди. Чунки идиомалар таркибидаги сўзлардан, шу сўзлар англатадиган луғавий маъно билан боғлиқ бўлган маъно келиб чиқмайди. Идиомалар ифодалайдиган маъно шу восита қўлланилган матн билан узвий боғлиқ бўлиб, матн мазмуни билан алоқадор ҳолда идиоманинг ҳам маъноси реаллашади.

Ўзбек тилида идиомаларнинг манбаи оғзаки ва бадий нутқ бўлиб, бадий матнларда учрайдиган бир катор идиомаларнинг оғзаки нутқда, оддий сўзлашувда мавжудлиги сезилади. Бундай бирикларнинг ўзига хос хусусиятларга эгаллиги уларни бадий матнларга олиб кирилиши учун замин яратади. Масалан, “*Избосаров зўр йигит, – деди. – Тутган жойини қўймайди*”, (“Истеъфо”) гапидаги *тутган жойини қўймайди* бирикмасидаги маъно бирикма таркибидаги сўзларнинг луғавий маъноси асосида шакллантирилса, бирор аниқ тушунчага эга бўлинмайди. Чунки ушбу идиома таркибидаги сўзларнинг маъносидан бутунлай узилган ҳолда *бажараман деган ишни бажаради, айтганини қилади* маънолари ифодаланганки, бу маъно мазкур

идиомада матн билан боғлиқ ҳолда инплицит ифодага эга. Ёки “*Менинг оғзим куйганроқ, ширин сўзга шиошишим қийин*”, (“Истеъфо”) гапидаги *оғзим куйган* идиомаси ушбу матнда *жабр кўрганлик* маъносини ифодалаган бўлса, бошқа бир матнда *оғзи куйган* бирикмаси тўғри маънода қўлланилиши, идиома бўлмаслиги ҳам мумкин, зеро, *оғзи куйган* бирикмаси орқали бирор иссиқ таомни истеъмом қилиш орқали оғзини куйдириш ифодаланганда, ушбу ифода бирикма компонентларининг умумий маъносига тўғри келади. *Оғзи куйган* бирикмаси орқали “*оғзининг куйиши*”, ва “*жабр кўриши*” маъноларининг ифода этилиши нутқда унинг сўз бирикмаси ва идиоматик бирикма шаклида ҳам мавжудлигидан далолатдир. Идиоманинг вужудга келиши фикрнинг образли ва бадиий таъсирчан ифодалаш эҳтиёжи мавжудлиги билан боғлиқ. Чунки идиома асли атамаси бўлмаган нарса-ҳодисани, ҳаракат-ҳолатнинг бошқа бир нарса-ҳодисанинг, ҳаракат-ҳолатнинг ўхшаш жиҳатларини англаш асосида қиёслаган ҳолда номлайди. Бундай тил бирликларининг бошқа сўзларга нисбатан тасвирлаш, таърифлаш хусусиятлари кучли бўлади. Натижада ушбу воситалар орқали ифодаланган фикр бадиий-таъсирчанлик касб эта олади. Масалан, “*Эломонов хаёлини жиловлаб, нонуштага банд бўлди*”, (“Истеъфо”) гапидаги *хаёлини жиловлаб* идиомаси бирикувидаги *жиловлаб* сўзи хаёлга хос эмас. Ушбу идиоманинг вужудга келиши, фикрни образли ифодалаш билан боғлиқ бўлиб, тасаввурдаги тушунчалар асосида яратилган. Идиоманинг яратилиши учун инсон хаёлининг чегара билмаслиги, кенлиги чопқир отнинг ҳаракатига қиёсланади. Чопқир отни тўхтатиш учун жиловланган бўлиши лозим. Моҳиятан идиомалар аслида ноаниқ, унинг маъноси бошқа нарсаларга нисбатлангандагина аниқлашади, чунончи, *хаёлини жиловлаб* бирикмаси ҳам аниқ маъно ифодаламайди, унинг маъноси қиёсланганлик ҳолатида реаллашади.

идиомаларнинг сиртдан қараганда кўзга таътанмай диган муҳим тил бирликлари сифатида ўзига хослигини кўрсатади. Бинобарин, идиома орқали ифодалана диган маъно оддий ҳолатдаги ифодага нисбатан кенг бўлади. Чунки идиомаларнинг маънолари асл луғавий маъно эмас, яширин маъно, яъни ижодкорнинг образли тафаккури асосида, асарнинг бадиий таъсирчанлигини уюштириш мақсадида ифода этиладиган янги маънодир. Идиомалар орқали муайян маънонинг хосил қилиниши мутлақо нисбий ҳодиса бўлиб, ижодкорнинг дунёни идрок этиш қобилияти, оламнинг таъриф ва тавсиф этишдаги лингвистик маҳоратига боғлиқ. Идиомалар шаклланиши ва ифодаси жиҳатидан ўзига хос муҳим хусусиятлар касб эта олади. Идиомаларнинг яратилиши ва бадиий нутқда кўп қўлланилиши нозик маъно ифода эта олиши ва янги ифода воситаси эканлиги билан боғлиқ.

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст бошқа луғавий бирликлар сингари идиомалардан ҳам мақсадга мувофиқ фойдаланган ижодкор. Ёзувчи ижодида учрайдиган идиомаларни анъанавий ва индивидуал идиомаларга ажратиш мумкин. Анъанавий идиомалар нутқда мавжуд бўлган, кўпчиликка маълум бирликлар, уларнинг нутқда қўлланилиши семантикасида образлиликнинг мавжудлиги билан белгиланади. Масалан, инсоннинг хафачилик ҳолатини ифодалашда *қовоғини солмоқ*, *қовоғини уймоқ*, *қил сиғмай (кўнглига)* каби идиомалар оғзаки нутқда фаол қўлланилади. Ёзувчи асарларида ҳам бу иборалар турли ҳолатларни ифодалашда қўлланилиб нозик маъно билдирган ҳолатлар учрайди. Одатда *қовоғини солмоқ*, *қовоғини уймоқ* бирор нарсадан хафа бўлган кишининг юзидаги сўлғинлик, қовоқнинг осилиб қолиши ҳолатларига қиёсан хосил бўлганликлардир. Шунга кўра, бу луғавий аламга гирифтор бўлганда

ҳолатни тилдаги *хафа*, *жуда хафа* сўзлари орқали ҳам ифодалаш мумкин, бироқ унда инсон тасвирланмайди, унинг хафачилик белгилари киши кўз ўнгидан намоён бўлмайди. Шу жиҳатдан ушбу идиомаларнинг нутқий хусусиятлари намоён бўлади. Кўринадики, ушбу идиомаларнинг яратилиши бевосита, нарсаларни қиёслаш, шу асосда тавсифлаш, тасвирлаш натижасида фикрга бадий бўёқ бериш билан боғлиқ. Шунингдек, идиомалар семантикасида баъзан маъно яширинган ҳолатда ҳам мавжуд бўлади. Мурод Муҳаммад Дўст асарларида бу идиомалар ғам-кулфатдан хафалик маъносида эмас, ўзини шу ҳолатга солганлик маъносида қўлланилган. Масалан, “*Ўқиганман, – деди Яхшибоев баттар қовоғини солиб, сўнг маҳмадонага танбеҳ берди. – Ўшани ўқимасдан ҳам ёзса бўлади*”, (“Лолазор”) гапида суҳбатдошининг гапидан норозилигини ифодалаш қовоғини солмоқ идиомаси орқали берилган. Бу ўринда *хафа* бўлганлик ҳолати сезилмайди, бироқ суҳбатдошнинг фикридан норозилик ҳолати мавжуд. – *Йўқ, худди шунақаман, – деди Ғайбаров қовоғини солиб, – (“Галатепага қайтиш”)* гапида эса ўзининг табиий равишда тундлиги, характерининг оғирлигини кўрсатишда бу идиомадан фойдаланилган. “*Яхшибоев ҳам қовоғини уйди, бошини эгди, гўё чексиз ғамга гирифтор бўлгандай*”, (“Лолазор”) гапида эса ўзини ғамгин қилиб кўрсатиш ҳолатини ифодалашда қовоғини уйди идиомаси қўлланилган. Инсондаги шу руҳий ҳолатни ифодалашда *кўнглига қил сиғмайди* идиомаси ҳам қўлланилади. Бу луғавий бирлик ҳам анъанавий қўлланиладиган, оғзаки нутқда, бадий матнларда кўп учрайди. Ифода жиҳатидан юқорида келтирилган луғавий воситаларга тенг, яъни ўта хафалик ҳолатларини ифодалайди. *Гарчи, кўнглига қил сиғмай юрган эса-да, шу гапни эшитиб, Эломон кулиб юборди. (“Истеъфо”)* “*Хафачилик*”ни ифодалашда маънодош бўлган *қовоғи осилмоқ, қовоғини уймоқ, кўнглига қил сиғмай* бирикмалари идиомалар

маънодошлик хусусияти мавжудлигини тасдиқлайди. Ёзувчи асарларида анъанавий қўлланишга хос бўлган юзга оёқ қўймоқ, гапни қочмоқ, боши кетмоқ, алмамнинг бузоғи, энсаси қотмоқ, кўзи тушмоқ, тахта бўтмоқ, кўзга чалинмоқ, оғзи ёмон, тили узун, қўли калта, кўзи ўткир каби кўплаб идиомалар муайян маъноларни ноанъанавий тарзда ифодалашга кўра бадий тавсирчанликни таъминлаган. Бу идиомаларнинг синтактик структура жиҳатидан одатий бирикмаларга мос келмаслиги, бирикма таркибидаги сўзлардан бирининг асл маъносини ифодаласлиги бадий фикр ифодаланишига асос бўлади. Масалан, *тахта* бўлмоқ идиомаси таркибидаги сўзлар матнда асл маъноси асосида ҳеч нарсани аңлатмайди.

Идиоманинг маъно аңлатишида ҳолатнинг бошқа бир нарсага, ҳолатга қиёсланиши муҳим. “*Бишафша хон неки балони кутган бўлса кутган, лекин бунақасини ўйламаган экан, тахта бўлиб қолди*”, (“Истеъфо”) гапида персонажнинг ҳолати тахтага қиёсланиши асосида тасвирланган. Шу маънони ифодалашда *қотиб қолди* идиомасидан ҳам фойдаланилади ва инсоннинг муайян пайтдаги ўзгармас, турғун ҳолатининг предметга ва бошқа бир ҳолатга қиёсланиши идиомалар хосил бўлишига олиб келган.

Идиомалар гарчанд тилда мавжуд икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикувидан ташкил топса-да, таркибидаги сўзлардан батамом фарқли бўлган янги сўзлардир. Масалан, *қўли калта* бирикмаси шу бирикма таркибидаги сўзларнинг асл маъносига нисбатан маъно аңлатади. *қўли узун* бирикмасининг айнан шу маънони эмас, балки, “*камбағал*”, “*кўп нарсага шложетмайдиган*” маъноларда қўлланилиши унинг бошқа луғавий бирлик эканлигини, ўлчовни билдирадиган қўли калта бирикмаси билан шаклдошлик муноса-

батига эгаллигини кўрсатади. Тилда муайян луғавий бирликнинг яратилиши, тилнинг умумий грамматик хусусиятларига таянилган ҳолда рўй беради. Бунда луғавий воситанинг инсон онги, хаёлидаги маънони ифода этиш жараёнига алоҳида эътибор қаратилади. Кўпгина луғавий воситалар яратилишида оламни образли идрок қилиш, нарса-ҳодиса ҳақидаги хабарларни кишиларга таъсирли тарзда баён этиш ётганлиги шубҳасиздир. Идиомалар шундай тил бирликлари бўлиб, идиомаларнинг халқ донолигининг, халқнинг тафаккур дунёсининг бойлиги асосида яратилишидан далолатдир. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст ўз асарларида ана шундай халқ донишмандлиги намуналаридан маҳорат билан фойдаланган ва ўзи ҳам янги идиомалар ярата олган ижодкордир. Ёзувчи асарларида халқ анъанасининг маҳсули бўлиб, индивидуал маҳорат асосида қўлланилган ва нозик маъно ифодалаш хусусияти билан лингвопоэтик моҳият касб эта олган кўплаб идиомаларни учратиш мумкин. *Ўғил Раим оқсоқолнинг ўғли эди, ётиғи билан, лекин ростини айтди: энди, ота, қиз боланинг тупроғи бўшироқ келади-да.* (“Талатепатга қайтиш”) Инсонга нисбатан берилган ҳолда ишлатилган тупроғи бўш идиомаси компонентда маъно жиҳатидан инсонга хос хусусиятни ифодалашга хизмат қиладиган сўз мавжуд. Чунончи, бўш сўзи маъносида инсон характерини изоҳлаш семасининг мавжудлиги, ушбу идиоманинг ҳосил бўлиши учун асос бўлган бўлиши мумкин. Шакл нуқтаи назаридан инсонга нисбат бериш ғализ туюладиган бирикма таркибидаги сўзларнинг асл маъносига кўра адабий тилнинг сўз бириктириш қолипига мос келмайдиган бу хилдаги идиомалар ифода жиҳатидан эмоционалликни таъминловчи воситалар эканлиги шубҳасиз. Идиома маъносини шакллантирувчи муҳим сўз бўш сўзидир. Бу сўз орқали аёл характер-хусусиятидаги белгилар мулозимлик, кишининг меҳрибонлиги, ишонувчанлиги, ҳамма

ҳам қарор чиқаришда мустақил фикрланшга эҳтиёж сезмасликка ишора мавжуд. Ушбу тушунчани ифодаловчи луғавий бирлик тилда мавжуд эмас. Шунга кўра тупроғи бўш идиомаси мазкур тушунчани ифодаловчи муҳим луғавий бирлик сифатида диққатни жалб этади. Кўпгина идиомаларнинг нутқий тизимдаги вазифаси ифода хусусияти билан белгиланади, зеро, идиомалар кўпинча тилда ифодаловчиси бўлмаган тушунчаларни ифодалаш воситаси бўлади. Маълумки, тил бирликларини аташ маъносида қўлланилиши умумистеъмолга хос бўлиб, бадийий матнларда турли маъноларни ифодалайдиган шаклларни танлаш на-тижасида тил луғавий жиҳатдан бойиб боради, бундай воситаларнинг асосий қисми нутқий хосланганлиги билан фарқланади ва турли услубий имкониятларни вужудга келтиради. Шунинг учун бу типдаги луғавий бирликларга нутқий бирликлар сифатида қаралади ва уларнинг асосий вазифаси нутққа хосланганлиги билан белгиланади. Идиомалар ҳам шундай нутқий бирликлар бўлиб, турли нутқий имкониятларни вужудга келтириши, уларнинг яратилишига тўртки бўлади. *Масалан, кулгисини йиғиштирмоқ (Лекин хона бурчагида, сервант ёнида юмушини тугатиб, энди нима қиларини билмай гарангсиб турган Кўкламовга кўзи тушди-ю, кулгисини йиғиштирди. “Лолазор”)* тил нуқтаи назаридан ноодатий ифода. Зеро йиғиштирмоқ сўзи кулгисини сўзи билан валентликка эга эмас, йиғиштирмоқ аниқ предмет номлари билан қўлланилганда тил меъёрларига мос маъно ифодалайди: *уйни йиғиштирмоқ, нарсаларини йиғиштирмоқ каби.* Шунга кўра, кулгисини йиғиштирмоқ бирикмасидаги йиғиштирмоқ сўзи луғавий маъносидан узоклашган ҳолда кулги сўзи билан боғланган ва ўзининг хафаҳол кўрсатмоқ маъносини билдирган. Бу ушбу луғавий воситанинг янги маъно ифодаланишини кўрсатади. Бу ҳол идиомалар нутқ жа-раёнида янги маъно ҳосил қилиш воситаларидан экан-

таркибидаги сўзлар шаклланиши ўзининг тил нуктаи назаридан янгилиги билан бадиий матн талабларига мос келади. Масалан, *гап қочган* идиомаси шаклланиши ноанъанавий бўлганлиги учун ҳам кишида янгилик бўлиб туюлади, чунки қочганлик белгиси гапга хос хусусият эмас, бироқ шу идиома маъносининг шаклланишида *қочмоқ* сўзи муҳим. Бу идиоманинг келишолмай қолганлик маъносини ифодалаши асосида келишмайдиган кишиларнинг бир-бири билан муносабатда бўлмаслиги, гаплашмаслиги тушунчаси мавжуд. Ана шу тушунча *гап қочган* идиомасининг ҳосил бўлишига замин ҳозирлаган. (... *Наим амаки ўртадан гап қочганини сезди. "Галатепа-га қайтиш"*) ёки *гап ётадиган (Раҳматли онаси ичида гап ётадиган аёллардан эмасди, бўлган гапни ўша заҳоти қизига етказган. "Галатепага қайтиш")* идиомаси шаклланишида ҳам кишиларнинг эшитган, билган нарсаларини жоиз-ножоиз бўлса ҳам айттавериши, айримларда эса бу ҳолатнинг тескариси мавжудлиги ҳолатларидан келиб чиқилган. *Ичида гап ётмас* идиомаси маъносининг ҳосил бўлишида *ётмоқ* сўзининг "сақламоқ" маъносини ифодалаш учун йўналтирилгани муҳим асос бўлган. Бу идиоматик бирикма тилдаги *сир сақламоқ* бирикмаси билан маънодош бўлиб, шу маънонинг янги шаклда ифода этилганлиги, эмоционал-экспрессивлиги жиҳатидан аҳамиятлидир. Мавжуд материаллар таҳлили шуни кўрсатадики, идиомаларнинг ҳосил бўлишида идиома компонентдаги сўзларнинг асл маъноси ифодаланмаса ҳам, таркибидаги бирор-та сўзнинг асл маъноси орқали, шу маъно асосида уни бошқа нарсаларга қиёслаш натижасида янги маъно ҳосил бўлади. "*Бинафшахон ёмон башорат қилган экан, пайти келиб, Эломонунинг бошига ҳам гап айланиб қолди*", ("*Истеъфо*") гапидаги *гап айланмоқ* идиомаси таркибидаги *айланмоқ* сўзи орқали ифодаланадиган маънонинг юзага чиқиши учун асос бўлган.

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асарларида учрайдиган идиомаларнинг маъно ифодасида бу ҳолат етакчилик қилган. Ёзувчининг гап сўзи билан боғлиқ ҳолатда идиоматик маъно ифодалаган *гап ётмас, гап қочган, гап айланиб қолган* идиомаларида *ётмас, қочган, айланиб қолган* сўзларининг луғавий маъноси идиомада ифодаланмаган бўлса ҳам, бу сўзлар идиома маъносини ҳосил қилувчилар ҳисобланади. Чунки шу сўзларнинг маъноси орқали бошқа ҳолатга нисбат берилади. – *Сиз ёлғонни кўп гапирасиз, – деди Бинафшахон, эрининг сўзларини ишиб олиб, – ("Истеъфо") гапидаги ишиб олиб бирикмаси таркибидаги ишиб умумистеъмомда икки маънога эга. Биринчи, ишиб оғзаки нутқда "тез" маъносини ифодалайди, шунга кўра "тез олмоқ", иккинчидан, улоқтирилган нарсани ерга тунширмасдан олмоқ маъносида қўлланилади. Умуман, ушбу бирикманинг асосий маъноси "олмоқ" бўлиб, маъно шу сўз орқали намоён бўлади. Сўзларини ишиб олмоқ идиомаси ифодасида ҳам маъно ифодалаш учун муҳим бўлган сўз олмоқ сўзидир. Идиома "*гапиргани кўймади*", "*гапиртирмади*" маъносини ифодалаган бўлиб, *гапирмоқчи бўлган гапни олиб кўйиб, ўзи гапирди* тушунчасини англатган. Идиоманинг муҳим жиҳатларидан бири, идиома маъносини англаб олишнинг мураккаблигидир. Бу идиоматик бирикмаларнинг маъноси таркибидаги сўзлар маъносига боғлиқ эмаслиги билан белгиланади ва идиоманинг маъносини таркибидаги сўзлар ифодалайдиган маънода тушуниш мантиқсизлик. Чунки ҳаётда айнан шундай ҳолат бўлмайди. Бироқ, баъзи хатги-ҳаракатлар шу ҳолатга қиёсланади, натижада маъно янада кучайтирилади. Масалан, "*Акалари менга гап қайтармаса ҳам бир нави эди, лекин улар юзимга оёқ кўйди*", ("*Галатепага қайтиш*") гапидаги *юзимга оёқ кўйди* идиоматик бирикмаси "*менсиди, беписанд қилди*" маъноларини ифодалаган, матнда идиоманинг қўлланилиши маънонинг бўрттирилиши билан, шу орқали фикрнинг бадиий-бўёқдорлиги таъ-*

минланиши билан белгиланади. Ёки “Эломонов ҳаёлини жаловлаб, нонуштага банд бўлди”, (“Истеъфо”) гапидаги ҳаёлини жаловлаб идиомаси маъносини ҳаёлини жамлаб бирикмаси орқали ифодалаш мумкин эди. Бироқ ҳаёлини жамлаб оддий ифода шакли бўлса, ҳаёлини жаловлаб қиёслаш асосидаги ифода бўлиб, фикрга бадий руҳ бера олади. Идиомалар луғавий бирлик сифатида нутқни фикрнинг бадий-образлилигини таъминлаш воситаси эканлиги билан характерлидир. Масалан, “Эломонвнинг ўзи, ҳали мансабда турган маҳали юлдузи ёруғроқ кўринган бир-икки баъмани йигитнинг бошини силаган бўлиб, меҳмонликка айтди”, (“Истеъфо”) гапида “келажаги бор” маъносини ифодалашда юлдузи ёруғроқ идиоматик бирикмасининг қўлланилиши фикрнинг таъсирчан қабул қилиниши учун муҳим восита бўлган.

Умуман, идиомалар тузилиши ноанъанавийлиги ва таркибидаги луғавий воситалар маъносининг идиома ифодаладиган янги маъно билан боғлиқлиги жиҳатидан мураккаб тил бирликлари бўлиб, уларнинг яратилиши оламдаги нарса-ҳодисалар, ҳолатларни бошқа нарса-ҳодисаларга таққослаш, тафаккурдаги нарсаларни образли тасвирлаш орқали вужудга келади. Мохият идиомаларни ўзига хос алоҳида бирликлар сифатида шаклланишига асос бўлиб, уларнинг яратилиши ва нутқнинг муайян турларида қўлланилиши учун замин яратган. Идиомаларнинг асосий манбаларидан бири бадий нутқ бўлиб, бадий асарларда кўплаб индивидуал идиомалар қўлланилиб, асар бадийлигини кучайтирганини, образли бадийликни таъминлаганини кўриш мумкин. Шундай ижодкорлардан бири ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст бўлиб, унинг асарларида барча лингвистик воситалар каби идиомалардан ҳам мақсадга мувофиқ фойдаланилгани бу луғавий бирликларнинг ҳам нутқий жараёнда муҳим ўрни борлигини кўрсатади.

Ёзувчи асарларидаги халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари

Мақоллар халқ донолигининг намунаси бўлиб, мақолларда халқнинг кузатишлари, тўплаган бой тажрибалари ўз ифодасини топган бўлади. Шоир ва ёзувчи, нотик ва фасих, қари ва ёш борки, айтилаётган фикрни асосламоқчи ёки мустахкамламоқчи бўлса, албатта, мақолга мурожаат қилади. Мақол воситасида ифодаланган фикр, берилган жавобни тилнинг ҳеч бир воситаси алмаштира олмайди ёки мақол даражасида асосланган беролмайди⁶³. Мақолларнинг яратилиши, ҳаётни таъсирчан тушуниш асосида нарса-предметларни баҳолаш, воқеа-ҳодисаларни ўзаро қиёслаш натижасида хулосалар чиқариш билан боғлиқ. Шунга кўра, мақоллар юксак тарзнинг муҳим намунаси бўлиб, уларда ибратомуз тафаккур тарзининг тарзда ифодаланган бўлади. Мақолларнинг муҳим хусусияти халқ ҳаёти, халқнинг турмуш тарзи, урф-одатлари, орзу-ниятлари, маънавий оламнинг тажрибаларга таянган ҳолда ахлоқ-одоб бериш руҳида ифода этилишидир. Ҳар бир халқ мақолида ўз ифодасини топади. Мақоллар шу жиҳатдан халқ руҳининг ифодачиси сифатида намоён бўлади. Халқ мақолларининг мавзу доираси кенг ва ранг-баранг, зеро барча жабҳалари ўз ифодасини топган бўлади. Мақоллар фикрни ихчам, образли, бадий бўёқларда ифодалаш воситаси бўлиб, тингловчига фикрни таъсирчан тарзда етказиш учун мўлжалланган ифода шаклидир. Мақолга “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да куйидагича изоҳ берилган. Ҳаётнинг тажриба асосида халқ томонидан яратилган, одатда панд-насиҳат мазмунига эга бўлган, ихчам, образли, тугал маъноли ва ҳикматли

⁶³ Жураева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари. – Тошкент: Akademi nashr, 2019. – Б. 3.

ибора, гап⁸⁴. Мақолларнинг халқнинг ҳаётий тажрибасидан келиб чиққан бадиий-образли мулоҳазалардан иборат бўлган панднома характеридаги фикр-мулоҳазалар эканлиги мақол тадқиқотчилари томонидан эътироф этиб ўтилган. Жумладан, “Ҳикматнома” – “Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати”да мақоллар шундай таърифланади. “Мақолларни “ҳаёт қомуси”, оғзаки энциклопедия, ўзига хос бир бадиий тарихий солнома дейиш мумкин. Улар кишиларнинг ақлини ўткирлаштиради, нутқини равон ва таъсирчан қилади, ҳаётда тўғри йўлни танлай билишга, ҳаётий жумбоқ ва муаммоларни тўғри ечишга ўргатади, турмушнинг жамики катта-кичик масалалари хусусида маслаҳат беради⁸⁵. Мақоллар тил таркибида барқарор ҳолда мавжуд бўлиб, асосан кўчма маъно ифодаланиши мақолнинг муҳим хусусиятларидан ҳисобланади. Мақоллар грамматик жиҳатдан тугалланган фикр ифодаладиган тайёр ҳолдаги синтактик қурилмалар, шу жиҳатдан гапга тенг келади. Мақоллар барқарор бирикма ҳолида мавжуд бўлиб, нутқда тайёр ҳолда қўлланувчи, бадиий матнларда ишлатилганда ҳам асосан ўзгартирилмасдан фойдаланиладиган тил бирликларидир. Бу ҳол мақолларнинг ҳаммага маълумлигидан, анъанавий тарзда қўлланилишидан далолат беради. Бадиий матнларда мақолларнинг қўлланилиши уларнинг нутқий вазифалари билан боғлиқ. Ўзбек мумтоз асарларида мақоллардан бирор мақсадни кўзда тутган ҳолда фойдаланиш санъати ирсолли масал дейилган. Мумтоз шеър санъати асосчиларидан Атоуллоҳ Ҳусайний ирсолли масал ҳақида шундай ёзади: “Машҳур қавлға кўра бир байтга бир масал киритмактур. Бу икки йўл била бўла олур. Биринчи ва афзали улдурким, масалнинг сўз ва тартибини

⁸⁴ Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006. – Б. 569.

⁸⁵ Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Тошкент: 1990. Б. 8.

ўзгартирмай бергайлар, иккинчи йўли улдирки, масалда ўзгариш юз берур”⁸⁶.

Мақоллар нутқда кўп вазифали, улардан ўрни билан коммуникатив мақсадда, шунингдек, бадиий-эстетик восита вазифасида фойдаланилади. Чунки мақоллар халқ бадиий тафаккурининг маҳсули сифатида яратилади, уларда инсоннинг табиат ва жамият ҳаётидан олган билимлари умумлаштирилган ҳолда ихчам шаклда ифода этилади. Мақолларнинг яшовчанлиги, барча даврлар учун бирдек мос келишининг боиси ҳам шунда. Бадиий асарларда мақоллардан фойдаланиш ҳам анъанавий бўлиб, Гулҳанийнинг “Зарбулмасал” асари мақоллар билан зийнатланган асар сифатида машҳур⁸⁷. Мақоллар бадиий асарларда фикр ифодалаш воситаси бўлиб қолмайди, балки асарнинг таъсирчанлигини, фикрнинг бадиий-образлилигини таъминлаб, бадиий-эстетик даражасини оширади, ўқувчига завқ-шавқ уйғотади. Мақолларнинг лингвопоэтик моҳияти шу жиҳатлари билан белгиланади.

Мақоллар ижодкор учун ўз ғоясини амалга ошириш воситаси, фикрларини асослашга эришиш, бадиий-таъсирчанликни вужудга келтириш йўлидир. Мақолларнинг бадиий нутқда қўлланилиши нутқий вазият талабидан келиб чиқади ва ижодкор айтилмоқчи бўлган фикрни далиллаш, исботлаш, кўргазмалиликни вужудга келтириш учун халқ томонидан яратилган панд-насиҳат манбаси бўлган мақолдан фойдаланиб, фикрга бадиий бўёқ беради. Гарчанд, мақолнинг асоси денотативликка таянса ҳам, таркибидаги айрим сўзларнинг кўчма маъноларда қўлланилиши, мақолни кўчма маънода тушунилиши нарса-предметлар билан қиёсланиш асосида фикр ифодаланиши, бошқа нарса-ҳодисаларга бўлган

⁸⁶ Атоуллоҳ Ҳусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1981. – Б. 135.

⁸⁷ <http://www.ziyouz.com> kutubxonasi. Гулҳаний “Зарбулмасал”. – Toshkent, “Oqituvchi nashriyoti” 1997.

ишоралар, кўргазмалилик ҳолатининг вужудга келтирилиши, бундай луғавий воситаларнинг коннотатив маъно томон силжишига замин яратади. Шунинг учун ҳам бадий асарларда халқ мақолларидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратадиган ижодкорлар мавжуд. Мақолларнинг семантик, структурал хусусиятлари билан махсус шуғулланган олим П.Бакиров мақолларни бошқа паремиологик бирликлардан фарқланувчи 10 та асосий белгисини кўрсатиб ўтади⁸⁸. Бу белгилар орасида мақолларнинг бадий нутқ учун хосланганлигини кўрсатувчи қуйидаги хусусиятларини алоҳида қайд қилиш лозим. Мақоллар халқчил, келиб чиқиши жихатидан қадимий, қўлланилишига кўра муҳим, метафориклиги, кўпмаънолилиги ва умумлаштирувчанлиги, структур-семантик жихатдан тугалланганлик, образли, поэтиклик каби жихатлари мақолларнинг бадий нутқ талабларига мослигини таъминлайди ва шу хусусиятларни ўзида мужассам этган бадий нутқ учун мақоллардан фойдаланишга эҳтиёж туғилади. Мақоллар бадий нутқда кўргазмалилик вазифасини бажарувчи паремиологик бирликлар. Зеро, бадий матнларда қўлланиладиган мақоллар мақолдан англашиладиган маънога эътибор қаратишга йўналтирилади. Халқ мақолларидан фойдаланилганликни барча ижодкорлар асарларида кузатиш мумкин, бироқ ўз асарларида мақоллардан фойдаланиш ва мақолларнинг турли вариантларини яратишда ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст ижоди алоҳида ажралиб туради. Ёзувчи асарларида мақоллар бир неча вазифаларни бажарган ҳолда қўлланилганини кузатиш мумкин. – *Ҳеч-да, устоз шогирдга оғирлик қилган пайтини эшитганим йўқ. Боз айтибдиларки, қари билганни пари билмас*, – (“Лолазор”) гапида келтирилган *қари билганни пари билмас* синтактик қурилмаси ўз маъносида қари кишининг кўп нарсаларни билиши ҳақида

⁸⁸ Бакиров П.У. Семантика и структура номинацентрических пословиц. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 15. 22.

фикр юритилган. Шу маънонинг ифодаланиши асосида қари кишининг кўп йил яшаганлиги, ҳаётда кўп нарсаларнинг гувоҳи бўлган, тажрибаларга таянилган ҳолда фикр юритишига ишора қилинади. Ушбу синтактик қурилмада қари кишининг теонимик асосга эга бўлган парига қиёсланиши хосил қилишга қаратилган. Матнда ушбу мақолнинг қўлланилиши айтилмоқчи бўлган фикрга далил келтириш вазифасини бажарган. Яъни, устознинг ўғитларини қабул қилиш, айтганларини бажариш лозимлиги уқтирилганда фикр-парни далил сифатида кекса кишининг билимдонлигини пари тимсоли орқали кучайтирилиши мазкур ифодада образли идрок мавжудлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам ижодкорлар бундай лингвистик воситалардан бадий-таъсирчанликни таъминлаш воситаси сифатида фойдаланади. Тилда мавжуд шаклан ва мазмунан бади-таларни нутқда қўллаш, уларнинг танланиши, нутқнинг мазмун-моҳиятига мос келиши билан боғлиқ. Аксинча, шаклан бадийлик бўёғига эга бўлган воситалар нутқда ўз ўрнида қўлланилмаса, нутқни бузади, мантиқий боғланмаган фикрларнинг вужудга келишига олиб келади. Бу ҳолат, аввало, паремаларда, жумладан, мақол ва маталларнинг қўлланилишида кузатилади. Мақоллар, эга бўлган луғавий бирликлар, таъсирчанликка кўчма маъно ифодаланиши асосида вужудга келса, маталларда панд-насихат характериға эгалиги, уларнинг булиши, нарсаларнинг қиёслаш асосида мулоҳаза зарда тутган ҳолда ишлатилиши орқали намоён бўлади. Шунга кўра, парема турларининг бадий матнларда қўлланилиши уларнинг услубий имкониятларидан келиб чиқади. *Вақтида ман, кейин бола-чақани*

– оғири энди елкага тушаяпти. Йўқ, бу гапим бемаъни бўлди. Ўнта бўлса – ўрни бошқа, юзта бўлса – йўриғи. (“Лолазор”) Халқимизнинг фарзандни эъзозлаши, уларга бўлган меҳр-муҳаббатни ифодалаш руҳида яратилган бу матал-мақол тўғри маънода тушунилади. Бироқ унинг яратилиш замирида халқимизнинг болажон халқ эканлиги ифодаланиши билан биргаликда, ҳар бир кишининг ҳаётда ўз ўрни борлигига эътибор қаратилиши маъноларининг мавжудлиги мақолнинг асосий моҳиятини белгилайди. Яъни ҳар бир фарзанд ўз характери, хулқ-атвори, ташқи белгиларига кўра ўзига хос бўлганидек, ақл-фаросати, туриш-турмуши билан ҳам бир-биридан фарқланади. Мақол мазмунида ана шу ҳаётий ҳақиқат ўз ифодасини топган. Ушбу матнда мақолнинг қўлланилиши болаларни кўнайтирибмиз – оғири энди елкага тушаяпти дейилган фикр билан боғлиқ. Ушбу фикрнинг нотўғрилигини далиллаш учун ҳар бир шахснинг ўз ҳаёт йўлига эга эканлиги ҳақидаги ушбу мақол қўлланилган. Фарзанд ҳақида фикр юритилмайдиган ўринларда эса ушбу мақолни ишлатиш моҳиятга мос келмайди. Кўринадики, матнда бирор лингвистик воситадан фойдаланишда, ифодаланмоқчи бўлган фикрни ёрқинлаштириш ҳам назарда тутилди. Келтирилган матн ушбу мақолсиз ҳам тугалланган мазмунга эга. Бироқ мақолдан англашилган маъно шу воситанинг қўлланилиши асосида матн мазмунига сингиб, унга қўшимча маъно берган. Бу мақолларнинг бир пайтнинг ўзиде матнда бир неча вазифаларни бажара олишидан далолатдир. Келтирилган мақол тўғри маъносига кўра динотатив функция бажарган бўлса, мақол структурасидаги муносабат, далиллаш маъноларининг мавжудлиги фикр эмоционал-бўёқдорлигининг таъминланишига хизмат қилган.

Бошқа лингвистик воситалар сингари мақоллар ҳам коммуникатив, суҳбатдош билан бўлган алоқа-арабандув жараёнида предмет, нарса-ҳодисани номлайди.

маъно асосида нарса-ҳодисанинг образли ифодаси бўла олиши бадий-эстетик вазифа бажаришини таъминлайди. – Ҳа, энди эшагига яраша тушови-да, ука, мен бир кетадиган одам бўлсам... – (“Истеъфо”) гапида қўлланилган мақол суҳбатдош билан фикр алмашиш жараёни билдиришига кўра коммуникатив, оддий киши ҳақида маълумот берилиши, ахборот узатилишига кўра номинатив, маъно кўчиши асосида баҳолаш маъносини билдириши, шу маънони қиёслаш асосида ифодаланиши жиҳатидан бадий-эстетик қимматга эга. Бадий матнларда мақол қўллашда мақолнинг матн мазмунига мослиги бадий фикр ифодаланиши учун муҳим асос ҳисобланилади. Келтирилган матнда вазифасидан ажралиб қолган шахснинг ҳолати ва мавқеи жиҳатидан мақолдаги предметга қиёсланиши мақол ва матн мазмунининг мослиги асосида юз берган. Гап мазмунидан англашилган раҳбарга, раҳбарларга, оддий кишига эса ўзига яраша муносабатда бўлиш маъноси эшагига яраша тушови мақолининг қўлланилиши асосида изоҳланган. Кўринадики, мақол мазмунидан матн мазмуни билан ҳамоҳанг ҳолда ифодаланмоқчи бўлган фикрнинг ёрқинлигини таъминлаган. Ундаги маъно кўчиши, мақолдаги фикрнинг эксплицит тарзда ифодаланиши, бир турда бўлмаган предметларнинг қиёсланиши бадий-таъсирчанликни кучайтирган. Бадий матнларда лингвистик воситалардан бадий мақсадларда фойдаланилар экан, унинг нутқ йўналишига мослигига алоҳида аҳамият қаратилади. Мақоллар қўлланилишида эса бу ҳол яна ҳам яққол кузатилади. Чунки мақолларнинг коммуникатив ва бадий-эстетик вазифалари доирасида мақолдан келиб чиқадиган мазмун ва матн маъносининг бир-бирига мослиги, ёзувчи ифодаламоқчи бўлган ғояни ёрқин тавдалантириши каби нутқий имкониятлар ҳам муҳим самланган бўлади. Бу ҳолат, ўз навбатида, мақоллардан бадий матнларда фойдаланишда мураккабликлар

туғдиради. Шу сабаб мақоллар ёрдамида фикрлар ва тасвирлар яратиб, бадиий фикр ифодалаш ҳолатлари бадиий асарларда ҳам кўп учрайвермайди.

Мурод Муҳаммад Дўст асарларида мақоллардан қуйидаги мақсадларда фойдаланилганлигини кузатиш мумкин.

а) биргаликда, ҳамжихатликда иш олиб бориш мақсадида шу фаолиятнинг афзаллигини кўрсатиш маъносида. *Келинлар, улуғ келажакни биргаликда қурайлик. Бўлинганни бўри ер деб айтишади, орамизда бўлинганлар ҳам, бўрилар ҳам бўлмасин, ҳамжихат бўлайлик.* (“Лолазор”) Бу гапда якка тартибдаги фаолиятга нисбатан ҳамжихатликда олиб бориладиган фаолиятнинг афзаллигини кўрсатишда мақолдан фойдаланилган. Харақтерли томони шундаки, мақол бу ўринда ифода воситаси эмас, балки кўргазмалиликни ҳам вужудга келтирган. Бўри тимсоли орқали бўлинган одамнинг аҳволи қай даражада бўлишининг кўрсатилиши, бирлашиш, ҳамжихатликнинг тарғиб қилиниши ушбу мақолдан бадиий ғояни амалга ошириш учун фойдаланишга замин яратган.

б) насихат бериш, муаммоларни ечиш, тўғри йўлни кўрсатиш мазмунидаги фикрларни баён қилиш мақсади кўзда тутилган матнларда ҳам мақоллардан фойдаланилган.

Масалан, “Тўғри қиласиз, Эломонов ака. Бир бошда бир ўлим, қўрқмаслик керак”, (“Истеъфо”) гапидаги бир бошда бир ўлим мақоли персонажни қўрқмасдан фаолият кўрсатишга, ўз ишини бажаришга ундайди. Мақол мазмунидан келиб чиқадиган асосий ғоя бир ўлим бўлса, барчанинг бошида бор. Шунинг учун инсон уни ўйламасдан, ўз ҳаётининг фаровонлиги учун курашмоғи лозим. *Воҳа раҳбарларини йиғиб олиб, ҳосилдан ташвиш-даман, деб айтди, пахтакорларимиз ғайрат қилишлари керак, ваъдага вафо марднинг иши.* (“Лолазор”) Бу мақол топшириқни бажарамиз деб берилган ваъдага ишора

сифатида қўлланилган. Мақол мазмуни панд-насихат харақтерига эга бўлиб, кишини тўғрисўзликка, айтган гапининг устидан чиқиши лозимлигига ундайди.

в) ҳаётий ҳақиқатларни баён этиш орқали кишини тўғри йўлга солиш, хулосалар чиқаришга ундаш мақсадида ҳам мақоллардан фойдаланилган. – *Туяга янтоқ керак бўлса, ўзи бўйинини чўзади, болам. Директорга шунини айтсанг бас,* – (“Лолазор”) мақолини келтириш орқали яшаш учун ҳар ким ўзи ҳаракат қилиши лозимлиги таъкидланган. Мақол ҳаётий ҳақиқат асосида ҳосил бўлган. Дарҳақиқат, туянинг емиш учун бўйинини чўзиши мақолдан англашиладиган денотатив маъно. Мақолнинг муҳим хусусияти шундаки, бу ҳолат инсоннинг фаолиятига қиёсланган ва инсон яшаши учун ўзи ҳаракат қилиши лозимлиги туянинг ҳаракатига қиёсланиши асосида коннататив маъно намоён бўлган. Кўринадики, мақолларда икки ёқлама маъно ифодаланган, ифодаланмаган мазмун мужассамланган бўлади. Бадиий матнларда ижодкор маҳоратининг натижаси ўлароқ, мақолларнинг ранг-баранг хусусиятлари бадиий шаклда намоён бўлади.

г) мақоллар персонажлар нутқида қўлланилганда персонажнинг воқеа-ҳодисага муносабатини ифодалаш вазифасини бажарган. *“Газетачилик қўлимдан келмайди. Чумчуқ сўйса ҳам, қассобнинг ўзи сўйсин”,* (“Истеъфо”) гапида сўзловчининг газетачилик қўлидан келмаслиги, унинг шу соҳа мутахассиси эмаслигини билдиради. Келтирилган мақол ҳар ким ўзининг қўлидан келадиган ишини қилиши кераклигига ишора қилади. *“Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман, болам, – дейди Муҳсина хоним Оллаёрга юзланиб”,* (“Лолазор”) гапида келтирилган мақол Муҳсина хонимнинг номаълум сабабларга кўра ишдан бўшатилишига нисбатан муносабатни ифода-лаш воситаси бўлган.

Маълум бирор нарса-ҳодисага муносабат билдирилганда, шахсни баҳолашда фикрни тасдиқлаш, нарса-

ифодаланган маънога диққат жалб этилган. “Сиз амалдан кетсангиз, менда не айб? Бургага аччиқ қилиб кўрпани куйдирасизми?” (“Истеъфо”) мақоли қўлланилишида ҳам мақолдаги морфемик ўзгариш персонаж нутқида мақолни ўз сўзи сифатида қўллаганлиги натижасидир. Ўзгартирилган ҳолда қўлланилган мақоллар ҳолатни таъкидлаш, мақолдан англашилган маънони кучайтириш мақсадида ҳам қўлланилган. Масалан, “Сув келтирган хор-у, кўза синдирган азиз! Нега мени бўшаттиди? Шунча йиллик хизматларим бекор экан-да?” (“Лолазор”) гапида келтирилган мақол у юкламаси қўшилган ҳолда қўлланилган. Ушбу мақол синтактик структураси жиҳатидан икки пропозицияга эга бўлиб, зид маънолик асосида қурилган. Пропозициядаги белгиларнинг хосланиш асосидаги номувофиқлиги мақол моҳиятини ташкил этган ва кўчма маънода “тўғри юрган хор, ножўя юрган азиз” тушунчасини сув келтирган ва кўза синдирган тимсолида ифодалаш орқали бадий-эстетик қимматга эга. Чунки унда ҳаётда доимо ҳам яхшилар – яхши, ёмонлар – ёмон сифатида баҳоланмайди, баҳолашда кўпинча номувофиқликлар мавжудлиги ҳақидаги ҳаётий ҳақиқат ифодаланиб, бу ҳолатга диққат жалб этилган, хулосалар чиқаришга ишора қилинган.

Кўринадики, мақолларда мақолнинг умумий маъносига қўшимча тарзда таъкидлаш маъноси ҳам мужассам бўлади. Ёзувчи томонидан қўшиб ишлатилган -у юкламаси таъкид маъносини кучайтириб, унга алоҳида диққатни жалб этиш вазифасини бажарган. Шу тариқа ижодкор мақолнинг бадий-эстетик моҳиятини янада оширган. Умуман, мақолларда -у юкламасини қўшиш орқали мақол мазмунига диққатни жалб эттириш, унинг маъносини кучайтириш Мурод Муҳаммад Дўст асарларига хос жиҳатлардан биридир. Бу ҳолни қуйидаги мақоллар қўлланилишида ҳам кузатиш мумкин.

– Ў, бошимиз кал-у, кўнглимиз нозик! – деди Бинафшахон. (“Истеъфо”) Майли, ука, зоримиз бор-у, зўримиз

йўқ. (“Лолазор”) Мақол таркибида айрим қўшимчаларни қўшиб ишлатиш орқали мақолдан англашиладиган маъно таъкидланади, кучайтирилади. Шу билан биргаликда айрим ҳолларда нозик маъно ифодалаш ҳам кўзда тутилади. Масалан, ...овозида озгина ялинчоқлик ҳам бор эди, умид оҳангичи, бир бор туз еган жойда қирқ кунлик салом... (“Лолазор”) Ушбу мақолнинг қўлланилиши ҳам ёзувчининг индивидуал ифода услуби билан ҳамоханг. Мақол асар қаҳрамонининг ички нутқи тарзидаги ифодага эга бўлиб, кун сўзига -лик қўшимчаси қўшилиб, мақолнинг ўзгартирилиши ҳаёлда ифодаланмоқчи бўлган фикрга мақол мазмуни асос бўлган, яъни қаҳрамон олдинлари шу хонадонда бўлган шахсдан нон-туз ҳурмати учун нажот кутаётганлиги мақолни ўз нутқи воситаси сифатида ўзгартириб қўлланиши асосида намоён бўлган.

Ёзувчи асарларида халқ мақолида ифодаланган асосий мазмун сақланган ҳолда шакли ўзгартирилганлари ҳам учрайди.

– Ўзга юртда султон бўлма, ўз юртингда ултон бўл!.. (“Лолазор”) гапида қўлланилган мақол асосан коммуникатив асосга эга. Бироқ мақолнинг асар қаҳрамони нутқида учраши, қаҳрамоннинг эса оддий халқ вакили эканлиги, мақолдан нутқнинг индивидуаллаштириш мақсадида фойдаланилганидан далолат беради. Зотан, халқ мақолларини ўз нутқида ўзгартириб ишлатиш, оддий халқ вакиллари учун табиий, улар мақолни яратувчилар, бирор мақол мазмунига мос ҳолда бошқа мақоллар яратилаверади. Келтирилган мақол ўзга юртда шоҳ бўлгандан, ўз юртингда гадо бўл мақолига ўхшатма сифатида вужудга келганлигини англаш мумкин. Ёзувчининг халқ ҳаётий жараёнида фаолиятини кузатуви ва таҳлил қилиши асосида мақолнинг қаҳрамон нутқи орқали ўзгартирилган ҳолда берилиши ҳам тил воситаларидан фойдаланишдаги мақоратнинг намунасидир. Зеро, мақоллар бадий матнларда ижодкор ифодаламоқчи бўлган фикрларни ёрқин гавдалантириш воситаларидан ҳисоблангани

Истеъдодли ёзувчилар халқ мақолларидан фойдаланиш билан бир қаторда ўзи ҳам мазмунан ва шаклан халқ мақолларига мос келадиган мақоллар тузади ва ёзувчининг ғоясини очиб бериш сари йўналтиради. Масалан, *пиринг шайтон бўлса, мазҳабинг маълум* мақолини қўллаш билан ёзувчи айёр, *нокас инсон йўл-йўриғи билан иш олиб борилса, нотўғри йўлдан юрилиши* ғоясини илгари суради. Шу билан биргаликда, бундай мақоллар кимга нисбатан ишлатилган бўлса, шу шахсга бўлган сўзловчининг субъектив баҳосини ҳам билдиради. *Ғўзашунос эндиликда шунчалар қудратлики, агар Африкада бирор давлат тўнтариши рўй берса, энг аввал, бу ишда Александр Шаймардоновичнинг қўли йўқмикан, деб сўралади. Пиринг шайтон бўлса, мазҳабинг маълум.* (“Лолазор”) Мақол мазмунан чуқур мантиқий асосга эга бўлиб, унга ўзининг хийлакорлиги орқали раҳбарга сўзини ўтказиб, ёмон ишларга қўл ураётган шахсга нисбатан муносабат билдирилган. Ана шундай мантиқий мулоҳазаларга асосланилган ҳолда яратилган мақоллардан бири ёзувчи томонидан қаноат қилиб ҳаёт кечириш, ўз меҳнати самарасидан баҳраманд бўлиш, меҳнатсиз роҳат қилиш йўлини тутганларга ибрат бўларлик ҳолда қўлланилган *топиб туриб емаганни ҳам ур тишига, топмай туриб еганнинг ҳам ур тишига* (– *Айтинг, чидасин! Ҳамма замон бир замон эмас-да, Эломонов ака! Топиб туриб емаганнинг ҳам ур тишига, топмай туриб еганнинг ҳам ур тишига.* “Истеъфо”) мақолидир. Бу мақолни ёзувчи бориға қаноат қилмайдиган меҳнат қилмасдан тўкин-сочин яшашга ҳирс қўйган шахсларга ибрат сифатида келтиради ва бундай шахсларга нисбатан муносабатни мақол мазмуни асосида ифодалайди. Ёки қаҳрамоннинг ички нутқи орқали ифодаланган (*Раим Ғайбаров ҳақ чиқди – бировнинг ақли ақлик қилмайди, оқу қорани ўзинг ажратиб олмасанг, қийин.* “Истеъфо”) мақоли ўз ақли билан иш кўрмасдан бировларнинг кўрсатмаси асосида иш олиб боришнинг оқибатлари ҳақидаги ёзувчи ғоясини ифода этиш учун келтирилган. Қиёслаш харак

ридаги мақоллар баҳолаш вазифасини ҳам бажаради. Бунда кўпинча сўзловчининг тингловчига бўлган муносабати ифодаланган бўлади. – *Бе, – деди Эломонов танида ширин бир оғриқ жамирлаб, – ўлган қайтиб тирилармиди, Буюкжон! – Туянинг ўлиги – сичқоннинг тириги!* “Истеъфо”. Асар персонажи нутқи орқали ифода этилган бу мақол ҳам суҳбатдошга бўлган муносабатни ифодалайди. Унда катта тажрибага эга бўлган шахс тажрибага эга бўлмаган кишига қиёсланиши орқали тажрибали-тажрибасизлик, катта-кичик антиномияси асосида ёзувчи ўз ғоясини асослашга ҳаракат қилади. Ёзувчининг индивидуал услубига хос ҳолда қўлланилган *шарт деганда шарм йўқ* (*Муҳсина хонимнинг тилла узугу тилла балдоқлари бисёр эди, лекин шарт деганда шарм йўқ. Яхшибоев яна битта тилла узук олиб берди.* “Лолазор”) мақоли ҳам характерлидир. Бу мақолда шарт қўювчи *“ҳар қандай шарт қўйиши мумкин”* деган маъно ифода этилади. Шу жиҳатдан асар қаҳрамонининг ҳам шарти ўринли, шу туфайли у бажарилади. Ёзувчи ўз асарида мақолни қўллаш орқали ҳаётда, инсонлар муносабати жараёнида ҳар қандай ҳолат вужудга келиши мумкинлигини, шундай ҳолларда халқ мақолларида ифодаланган чуқур мазмунга эга бўлган ғоялар инсоннинг тўғри йўл тутиши учун ёрдам бериши мумкинлигини ҳам назарда тутди.

Кўринадики, халқ мақоллари бадий матнларда нафақат бадий таъсирчанликни таъминловчи, эстетик қимматга эга бўлган лингвистик воситалар, балки бадий матннинг муҳим қисми сифатида ўқувчи томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган ахлоқ-одоб намунаси ҳамдир. Ёзувчилар китобхоннинг мақолдан хулоса чиқариб, шу хулосалар асосида ҳаётга ўзгартиришлар киритишини таъминлаш мақсадида ҳам мақоллардан фойдаланади. Бу мақолларнинг бадий матн таркибида кўп функцияли эканлигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Бадиий матнда тил воситаларидан маҳорат билан фойдаланиш масаласи бадиий матн таҳлилидаги муҳим жараён бўлиб, жаҳон тилшунослигида бадиий асар тилини ўрганишда асос бўлиб келмоқда. Шу боисдан ҳам бадиий асарда тил воситаларининг мақсадга мувофиқ равишда қўлланилишини ўрганиш ва таҳлил қилиш умумфилологик масала, зеро бадиий адабиёт адабий тил тараққиёти учун муҳим, адабий тил раванқини белгиловчи асосий восита бўлганидек, ижодкорнинг баъздан фойдаланиш, ҳаётни бадиий талқин этиш, бадиий-таъсирчан фикр ифодалаш маҳоратини намоён этувчи манбадир. Ижодкорга баҳо унинг асари асосида берилади. Ҳар бир ижодкор ўзининг теран тафаккури, ҳаётдаги бошқалар илғамаган нарсаларни бадиий тасвирлаб бериши орқали ҳаётни бадиий акс эттиради, кишиларда эстетик ҳис уйғотади, луғавий воситаларнинг турли хусусиятларидан фойдаланиб бадиий бўёқлар, образлар, ташбеҳлар яратади.

Мурод Муҳаммад Дўст тил воситаларига бўлган сезгирлиги билан ажралиб турадиган, ўз асарларида халқ тилининг бой имкониятларидан, айниқса, тилнинг оддий сўзлашув шакли воситаларидан маҳорат билан фойдалана олган ёзувчидир. Ёзувчи асарлари тили жимжимадор тасвиру тавсифлардан холи бўлган, бироқ ифода жараёнининг ўзига хослиги билан, баёндаги содда ва жозибадорлик асосида ўқувчини ўзига жалб этадиган асарлардир. Ёзувчи асарларида бошқа **ижодкорларда** деярли учрамайдиган услуб фикрнинг **сўзловчи** ҳаёлида гавдаланиши мавжуд. Фикр ифодалашдаги бу услуб ва маъноларнинг тилида мавжуд бўлган

барча воситалардан ўз ўрнида фойдаланиш ёзувчи асарларида ўзига хос жозибали ва ширали бир тил майдонга келишини таъминлаган.

Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асарларини лингвопоэтик жиҳатдан таҳлил қилиш қуйидагича хулосалар чиқаришга олиб келди.

1. Ўзбек тилшунослигида бадиий асар тили таҳлилига бағишланган кўпгина илмий тадқиқотлар мавжуд бўлса-да, катта тарихга эга, маҳоратли ижодкорлари ва етук асарлари мавжуд бўлган ўзбек бадиий адабиёти тилини ўрганишга бағишланган мавжуд тадқиқотларни етарли деб бўлмайди. Лингвистик жиҳатдан ўрганилиши лозим бўлган ижодкорлар ва бадиий асарлар ўзбек адабиётида етарлича мавжуд.

2. Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг матний тўзилиши унда тил воситаларининг танланиши учун асос бўлган. Ёзувчи асарларида муаллиф ва персонаж нутқининг аралаш ҳолда бўлиши, персонажлар нутқи орқали бўлиб ўтган воқеалар ва тасаввурдаги нарсаларни ўйлаш тарзида ифодаланиши ёзувчининг ўзига хос ифода услубини намоён этади.

3. Мурод Муҳаммад Дўст сўз танлаш ва уни нутқда қўллашда ўзига хос ижодкор. У, аввало, ифодаланмоқчи бўлган фикрнинг моҳиятига мос келадиган, маънони аниқ, тушунарли тарзда ифода этадиган, бадиий бўёқдорлик хусусиятлари билан алоҳида ажралиб турадиган сўзларни танлайди ва нутқ моҳиятига мос ҳолда қўлайди.

4. Мурод Муҳаммад Дўст асарлари луғавий жиҳатдан бой лексик таркибни қамраб олган. Кенг истеъмол сўзлари, оғзаки нутқ воситаларининг қўлланилиши жиҳатидан ёзувчи асарларидаги муҳим луғавий бирликлар эканлигини эътироф этиш лозим. Ёзувчи бу луғавий воситаларнинг нафақат маънолари, услубий имкониятларидан фойдаланган, балки уларнинг халқоналик белгиларини ҳам назарда тутган ҳолда ён-

дашган. Натижада бу воситалар орқали ёзувчи асарлари тили халқ тилига яқинлаштирилган, асарнинг тушунарлилиги, соддалиги уюштирилган.

5. Ёзувчи асарларини тил нуқтаи назардан характерловчи асосий белги унинг оддий сўзлашувга хос бўлган луғавий воситалар асосида шаклланганлигидир.

6. Бадиий матннинг бадиий-эстетик қимматини белгилашда синонимлар муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Синонимлардаги маънонинг турли даражаларининг ифодаланиши, сўз маъносидаги эмоционал бўёқдорлик ёзувчи учун кенг имкониятдир. Мурод Муҳаммад Дўст шу имкониятдан маҳорат билан фойдаланган ижодкор. Айниқса, ёзувчи ижодида адабий тилдаги сўзнинг оғзаки нутқда мавжуд синонимларининг топиб қўлланилиши асар халқчиллигини таъминлаш, персонажлар нутқини характерлаш вазифаларини бажарган. Синонимлар ёзувчи асарларида ўз жилдорлигини кўрсата олган. Маънонинг турли бўёқларда ифодаланиши орқали бадиий матнга бадиий бўёқ, кўтаринкилик, безак бериш мақсадида ҳам синонимлардан фойдаланилган.

7. Адабий тил сўз санъаткорлари томонидан ишланган тил сифатида талқин қилинар экан, бунда ижодкорларнинг тил тараққиётига қўшган ҳиссаси назарда тутилади. Бу жиҳатдан ҳам Мурод Муҳаммад Дўст ижоди характерлидир. У халқ тилида мавжуд луғавий воситаларни ўз асарларида қўллаш орқали уларни фаоллаштириш билан бир қаторда ўзи ҳам тилнинг сўз ясаш қолиплари асосида янги сўзлар ясаган.

8. Мурод Муҳаммад Дўст асарларида фаол қўлланилган луғавий birlikлар қаторида идиомаларни алоҳида ажратиш мумкин. Идиомалар тузилиши, ноанъанавийлиги, таркибидаги луғавий воситалар маъносининг идиома ифодаляйдиган янги маъно билан боғлиқлиги жиҳатидан мураккаб тил бирлиги

бўлиб, уларнинг яратилиши оламдаги нарса-ҳодисалар, ҳолатларни бошқа нарса-ҳодисаларга таққослаш, тафаккурдаги нарсаларни образли тасвирлашга асосланади. Мурод Муҳаммад Дўст асарларидаги кўпгина идиомалар окказионал характерда бўлиб, ёзувчининг индивидуал услубига хос.

9. Халқ мақоллари бадиий асар таркибидаги муҳим луғавий воситалар бўлиб, улардан турли мақсадларда, жумладан, кўргазмалилик воситаси сифатида фойдаланилади. Ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст асарлари ҳам халқ мақоллари билан зийнатланган асарлардир. Ёзувчи асарларида учрайдиган мақоллар қўлланилишига кўра, халқ варианты ҳолатидаги, ўзгартирилган вариантдаги ва ёзувчи индивидуал услубига хос мақоллар каби гуруҳларни ташкил этади.

10. Мурод Муҳаммад Дўст асарлари лингвистик жиҳатдан серқирра, унда умумхалқ тилида мавжуд барча луғавий воситаларнинг муайян услубий имкониятларни яратиш мақсадида қўлланилганини кузатиш ёзувчининг тилдан фойдаланишда ўзига хос индивидуалликка эга эканлигини кўрсатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

НОРМАТИВ ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ВА МЕТОДОЛОГИК АҲАМИЯТГА МОЛИК НАШРЛАР

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтариламиз! – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.
2. Мирзиёев Ш. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. – 507 б.
3. Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 486 б.

МОНОГРАФИЯ, ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА, ИЛМИЙ МАҚОЛА, ИЛМИЙ ТЎПЛАМЛАР

4. Абдурахмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. – Тошкент: Фан, 1966. – Б. 4-12.
5. Абдурахмонов Ғ. Ҳозирги замон ўзбек тилининг адабий услуби ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. Тошкент, 1992. – № 5-6.
6. Атоуллох Хусайний. Бадойиъ-ус-санойиъ. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат, 1981. – 398 б.
7. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Советская энциклопедия, 1966. – 606 с.
8. Балли Ш. Французская стилистика. – М.: Иностранная литература. 1961. – С. 344.
9. Бакиров П.У. Семантика и структура номинационно-структурных пословиц. – Тошкент: Фан, 2006. – Б. 297.
10. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. – Тошкент: Фан, 1985. – 200 б.

11. Васильева А.Н. Художественная речь. – М.: Русский язык, 1983. – 255 с.
12. Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М.: издательство, 1959. 360 с.
13. Григорьев В.П. Поэтика слова. – М.: Наука, 1979. – 343 с.
14. Дониёров Х. Бадиий асар тилини ўрганишнинг баъзи масалалари // Ўзбек тилшунослиги масалалари. – Самарқанд, 1943.
15. Дониёров Х., Самадов Қ. Ҳамид Олимжоннинг тилдан фойдаланишдаги новаторлиги // Шарқ юлдузи, 1959. – №1.
16. Ефимов А.И. Стилистика художественной речи. – М.: Просвещение, 1961. – 519 с.
17. Жўраева Б. Ўзбек халқ мақоллари шаклланишининг лингвистик асослари. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – Б. 224.
18. Имомова Г. Миллийлик ва бадиий нутқ. – Тошкент: 2004. – 28 бет.
19. Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. – Самарқанд, 1982.
20. Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият. 2002. – 79 б.
21. Калинин А.В. Лексика русского языка. – М.: Московский университет, 1978. – С. 231.
22. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: 1992. – 139 б.
23. Mahkamov N. Ermatov I. Tilshunoslik terminlarining izohli lug'ati. – Toshkent: Fan, 2013. – B.143.
24. Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. №4. – Б. 34-38
25. Маҳмудов Н. Ойбек шеърятда ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985. №6. – Б. 48-50.
26. Махмараимова Ш. Лингвокультурология. – Тош-

кент: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017. – 163 б.

27. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1970. – 266 б.

28. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2003. – Б. 103.

29. Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. – Тошкент: Академнашр, 2010. – 87 б.

30. Самадов Қ. Ойбек сўз санъаткори. – Тошкент: 1965.

31. Самадов Қ. Ойбекнинг тил маҳорати. – Тошкент: 1965.

32. Самадов Қ. Ўзбек тили услубияти. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991. – 51 б.

33. Солижонов Й. Нутқ ва услуб. – Тошкент: Чўлпон, 2002. – 127 б.

34. Турсунов У., Мужторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Хозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – 258 б.

35. Тўраев Д. Давр ва ижод масъулияти. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. – 129 б.

36. Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 109 б.

37. Умурқулов Б. Бадиий адабиётда сўз. – Тошкент: Фан, 1993. – 131 б.

38. Шмелев Д.Н. Слова и образ. – М.: Наука, 1964. – С. 38.

39. Шоабдурахмонов Ш. Ойбек романининг тили ва стили // Шарқ юлдузи, 1965.

40. Шомақсудов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. Ўзбек мақолларининг изоҳли луғати. – Тошкент: 1990. – Б. 8.

41. Шукуров Н. Ғ. Ғуломнинг тилдан фойдаланишдаги маҳоратига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1959. №4.

42. Ўринбоев Б. Ўзбек тили сўзлашув нутқи синтаксиси масалалари. – Тошкент: Фан, 1974. – 148 б.

43. Куронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 287 б.

44. Куронов Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: Академнашр, 2018. – 125 б.

45. Кўчқортюев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976. – 86 б.

46. Кўчқортюев И. Луғавий синонимик воситалар ва уларнинг асосий турлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1984, №4. – Б. 4–7.

ДИССЕРТАЦИЯ ВА АВТОРЕФЕРАТЛАР

47. Анданиязова Д. Бадиий матнда онамастик бирликлар лингвопоэтикаси. Филол. фан. бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017.

48. Бабаева С. Лексико-стилистические особенности поэзии Хамида Алимджана: автореф. дисс... канд. филол. наук. – Ташкент, 1989. – 17 с.

49. Бабаджанов Ф. Ўзбек жадид драмаларининг лисоний хусусиятлари (Беҳбудий ва Авлоний драмалари асосида): филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2002. – 23 б.

50. Бафоев Б. Лексика произведений Алишера Навои (лексико-семантические, статистические и тематические исследование). Дисс. ... д-ра филол. наук. – Тошкент, 1989.

51. Боймирзаева С. Ойбек прозасининг лингвостилистик тадқиқи: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2004. – 23 б.

52. Жуманазарова Г.У. “Ширин билан Шакар” достонининг луғавий ва лингвопоэтик хусусиятлари. филол. фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 2008.

53. Жуманазарова Г. Фозил Йўлдош ўғли достон-

- лари тилининг лингвопоэтикаси. Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Т.: 2017.
54. Ибрагимов А. Бобур асарлари лексикасининг лингвостатистик, семантик ва генетик тадқиқи. Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008.
55. Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. Филол. фан. докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 48 б.
56. Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфии: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1982. – 16 с.
57. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Ташкент: 1993.
58. Қиличев Э. Архаизми и историзми в прозе Садриддина Айни: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1969. – 30 с.
59. Қучкартаев И. Фразеологическая новаторство А. Каххара. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1965.
60. Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Тошкент, 1992.
61. Нормуродов Р. Шукур Холмирзаев асарларининг тил хусусиятлари: Филол. фан. номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2000. – 25 б.
62. Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси. Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. – Тошкент: 1993.
63. Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 24 б.
64. Солижонов Й. XX асрнинг 80–90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент: ТАИ. 2003. – 52 б.
65. Турдиалиев Б. Ҳамза и узбекский литературный язык начала XX века: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – Ташкент, 1988.

66. Турдиалиева Д. Ўзбек халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа док. ... дисс. автореф. – Қарши, 2019.
67. Холмонова З. “Бобурнома” лексикаси тадқиқи: Филол. фанлари докт. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2009. – 51 б.
68. Худойберганава Д. Семантические и стилистические особенности конструкций уподобления в узбекском языке: дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент, 1989. – 119 б.
69. Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” дostonининг лексикаси: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Тошкент: ТАИ. 1949. – 22 б.
70. Шодиева Д. Муҳаммад Юсуф шеърятининг лингвопоэтикаси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2007.
71. Шодмонова Д. Абдулла Орипов шеърятининг лингвопоэтик хусусиятлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа док. ... дисс. автореф. – Қарши, 2019. – 52 б.
72. Яриев Б. Язык поэзии Максуда Шейхзаде: автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979. – 22 с.
73. Якуббекова М. Ўзбек халқ қўшиқларининг лингвопоэтик хусусиятлари: Фил. фан. докт. ... дисс. – Тошкент, 2005. – 237 б.
74. Юлдашев Б. Язык и стиль произведений Саида Ахмада: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1979. – 16 с.
75. Қосимова М.Б. Бадиий нутқ индивидуаллигининг лингвистик хусусиятлари (Тоғай Мурод асарлари асосида): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Т., 2007. – 23 б.
76. Қиличев Э. Архаизми и историзми в прозе Садриддин Айни. Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1973.

ЛУҒАТЛАР

77. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1978.

78. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. // www.ziyouz.com kutubxonasi

79. Лингвистический энциклопедический словарь. – М., 1986.

80. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Т.: “Ўқитувчи”, 1974.

БАДИИЙ АДАБИЁТЛАР

81. Мурод Муҳаммад Дўст. “Галатепага қайтиш ёхуд саодатманд Ғайбаров ривояти”. – Тошкент: Ғафур Ғулом, 2009.

82. Мурод Муҳаммад Дўст. “Истеъфо”. – Тошкент, 1989.

83. Мурод Муҳаммад Дўст. “Мустафо”. – Тошкент, 1989.

84. Мурод Муҳаммад Дўст. “Лолазор”. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.

ИНТЕРНЕТ ТАЪЛИМ РЕСУРСЛАР

85. <http://WWW.ziyouz.com> kutubxonasi. Гулҳаний “Зарбулмасал”. –Тошкент: О‘қитувчи, 1972.

86. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адиблар хиёбони”га ташрифидаги маърузаси. [http:// WWW.gazeta.uz](http://WWW.gazeta.uz). 2020 йил, 20 май.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
Бадиий матннинг ифода асослари ва лингвистик имкониятлари.....	5
Ўзбек тилшунослигида бадиий матннинг лингвистик тадқиқи	5
Мурод Муҳаммад Дўст асарларининг матний тузилиши ва лингвопоэтик имкониятлари	27
Ёзувчининг сўз танлаш ва қўллаш маҳорати.....	39
Мурод Муҳаммад Дўст асарларида сўз ёзувчи индивидуаллигини таъминловчи восита сифатида ..	59
М.М.Дўст асарларида индивидуал нутқни ифодаловчи воситалар.....	59
Ёзувчининг асарларида синонимлар лингвопоэтикаси	65
Ёзувчининг кенг истеъмол сўзларидан фойдаланиш маҳорати	79
Ёзувчининг оғзаки нутқ воситаларидан фойдаланиш маҳорати.....	92
Ёзувчининг диалектизмлардан фойдаланиш маҳорати.....	102
Паремаларнинг лингвопоэтик табиати	109
Ёзувчи асарларида қўлланилган идиомаларнинг семантик ва лингвопоэтик хусусиятлари	109
Ёзувчи асарларидаги халқ мақолларининг лингвопоэтик хусусиятлари.....	129
Хулоса	144
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	148

Ўқув-илмий нашр

АБДУМАЛИК ҲАМИДОВ

**МУРОД МУҲАММАД ДЎСТ
АСАРЛАРИ ЛИНГВОПОЭТИКАСИ**

Муҳаррир:
Шаҳзода Ҳакимова

Техник муҳаррир:
Файзулло Азизов

Дизайнер:
Василий Бурцев

“Muharrir nashriyoti”

8068



Теришга 2021 йил 11 ноябрда берилди.
Босишга 2021 йил 20 декабрда рухсат этилди.
Бичими: 84x108 1/32 “PT Serif” гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.
4,88 шарт. б.т. 7,95 ҳисоб нашр таб.
Адади 300 нусха. 150-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100011 Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи.



ISBN 978-9943-7731-6-5



9 789943 773165